

ПЕЧАТНЫЙ  
ОРГАН

Каракалпакского отделения  
Академии Наук Республики  
Узбекистан

Научно-исследовательского  
центра «Научные основы и  
проблемы развития экономики  
Узбекистана» при Ташкентском  
государственном экономическом  
университете

*Журнал издаётся в сотрудничестве  
с Национальным университетом  
Узбекистана имени Мирзо Улугбека*

Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
Академияси Қорақалпоғистон  
бўлими

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети ҳузуридаги  
«Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришнинг илмий  
асослари ва муаммолари» илмий  
тадқиқот марказининг

НАШР  
ОРГАНИ

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети билан  
ҳамкорликда нашр этилади*

## МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№7, 2016

	<b>ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ / ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА</b>
2	<b>Шодмонов Ш.</b> Қўшимча маҳсулот иқтисодий тараққиётнинг мезони ва манбаи сифатида
14	<b>Хайдаров М.Т.</b> Глобаллашув шароитида конвергенция назариясининг моҳияти
23	<b>Мадраҳимов У.А.</b> Иқтисодий ўсиш сифати омилларининг илмий-услубий асослари
	<b>ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ / РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ</b>
33	<b>Усманов З.К., Қўзиёв К.Ф.</b> Ўзбекистон озиқ-овқат саноати тармоқларида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг минтақавий хусусиятлари
	<b>БЮДЖЕТ ТИЗИМИ / БЮДЖЕТНАЯ СИСТЕМА</b>
42	<b>Эшназаров Т.Ш.</b> Ҳазначилик тизими ва унинг ҳуқуқий муносабатлари
	<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ / БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ И АУДИТ</b>
49	<b>Ташназаров С.Н.</b> Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга ўтиш зарурияти
	<b>МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ / РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА</b>
56	<b>Раҳмонов Р.Н.</b> Минтақалардаги олий таълим муассасаларининг юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги ўрни
	<b>ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР / ИНВЕСТИЦИИ И ИННОВАЦИИ</b>
66	<b>Ғуломова Г.П.</b> Инновацион фаолият инфратузилмасини шакллантириш ишлаб чиқаришни модернизациялаш омили сифатида
74	<b>Абдувалиев А.А.</b> Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳитида инновацион тизимни ривожлантиришнинг назарий асослари
83	<b>МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ</b>

«ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ» журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг талабларига тўлиқ жавоб беради.

**Шодмонов Ш.,**Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси  
профессори, иқтисод фанлари доктори

# ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МЕЗОНИ ВА МАНБАИ СИФАТИДА

## **ШОДМОНОВ Ш. ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МЕЗОНИ ВА МАНБАИ СИФАТИДА**

Мақолада замон ва макон чегараларини писанд қилмай, ҳамма замонлар, мамлакатлар ва ижтимоий тизимларда мавжуд бўладиган, лекин ҳаммага ҳам ўз сирини ошкор қилавермайдиган, кўпгина олимлар тортишуви ва мунозараларига сабаб бўлган иқтисодиётнинг бир муҳим, сирли, чигал тугуни, яъни қўшимча маҳсулот муаммоси ҳақида гап юритилади. Бунда қўшимча маҳсулотнинг мазмуни, ҳаракат шакллари, массаси, нормаси, таркибий қисмлари, унинг иқтисодий тараққиёт манбаи эканлиги каби масалаларни ёритишга ҳаракат қилинди.

Таянч иборалар: иқтисодий тараққиёт, соф маҳсулот, зарурий маҳсулот, қўшимча маҳсулот, қўшимча маҳсулот нормаси, янги техника ва технология.

## **ШАДМАНОВ Ш. ПРИБАВОЧНЫЙ ПРОДУКТ КАК КРИТЕРИЙ И ИСТОЧНИК ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ**

Статья рассматривает важную, тайную, но запутанную проблему прибавочного продукта, которая существует во всех временах, странах и социальных строях, не зная ограничения времени и места, но не всегда и не всем раскрывающая свой секрет и ставшая причиной многих споров и дискуссий экономистов. Здесь рассматривается суть прибавочного продукта, формы её движения, её масса, норма и составляющие её части, а также раскрывается то, что она является источником развития.

Ключевые слова: экономическое развитие, чистый продукт, необходимый продукт, прибавочный продукт, норма прибавочного продукта, новая техника и технологии.

## **SHODMONOV SH. ADDITIONAL VALUE AS MEASURE AND SOURCE OF ECONOMIC DEVELOPMENT**

The article discusses about important, secret, but complicated issue of additional value, which is present in all times, countries and social systems, without any time and place limits, but not always revealing its secret and which has been the reason of many disputes and discussions of economists. The article reveals the essence of additional value, its forms, mass, norms, and components. Besides this the article explains that additional value is the source of economic development.

Keywords: economic development, pure product, indispensable product, additional product, rate of additional product, new technique and technology.

***Кишилик жамиятининг тараққиёти инсоннинг яратувчанлик роли ортиб бориши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ҳамда иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви орқали намоён бўлади. Лекин «Бу тараққиёт даражаси нима билан ўлчанади? Унинг аниқ бир мезони борми?» деган саволга ҳозиргача аниқ бир тўхтамга келингани йўқ.***

Ҳозирги кунда Президентимиз томонидан мамлакатни модернизациялаш, диверсификациялаш, техника ва технологияларни узлуксиз янгилаб бориш ички имконият ва захираларни излаб топиш асосида иқтисодиётни ҳар томонлама барқарор ривожлантириш асосий вазифа қилиб қўйилган. Муҳтарам Президентимиз ўзларининг маърузаларидан бирида бундай тараққиётга эришишнинг муҳим йўналиши сифатида «юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва турини кенгайтириб бориш зарур»лигини таъкидлаб ўтган<sup>1</sup>. Бундай шароитда иқтисодий тараққиётнинг асосий мезонини белгилаб олиш муҳимдир. Кўплаб фалсафий, тарихий ва иқтисодий адабиётларни ўрганиш, кўп йиллик реал иқтисодий ҳаётни таҳлил қилиш ва кузатиш асосида айтишимиз мумкинки, мазкур ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг моддий асоси бўлиб жамият томонидан яратилаётган соф маҳсулот, янада аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, унинг таркибий бир қисми бўлган қўшимча маҳсулот ҳажми ва меъёрининг ўсиши ҳисобланади.

Қўшимча маҳсулот иқтисодиёт назарияси фанининг марказий бўғинларидан бири ҳисобланиб, шунчаки бир иқтисодий кате-

гория бўлиб қолмасдан, балки жамият тараққиётининг асоси, унинг ривожланиш даражасини кўрсатиб ва изоҳлаб берувчи, ўзининг ривожланиши орқали ижтимоий маҳсулотнинг яратилиши, тақсимланиши ва истеъмол қилиниши жараёнларининг тараққиёт даражасини акс эттирувчи муҳим марказий тугунлардан ҳисобланади. Қўшимча маҳсулотнинг пайдо бўлиши билан инсониятнинг нафақат яшаб қолиши, балки тараққий этиши учун моддий асос яратилди. Минг йиллар давомида қўшимча меҳнат миқдори ва бинобарин қўшимча маҳсулот ҳажмини оширишга бўлган хатти-ҳаракатлар, уринишлар пировардида турли элатлар ва мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, аста-секинлик билан бўлса-да инсон эркинлигининг шаклланишига, аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келди.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, иқтисодий тизимларнинг ўзгаришидаги баъзи бир ҳолатлар ҳамда объектив иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятига юзаки субъектив ёндашувлар, қўшимча маҳсулотнинг умумиқтисодий категория эканлигини унутиш, уни қўшимча қиймат шаклида тасаввур қилиб, фақат капитализмга хос деган ноўрин тасаввурлар тўғрисида қўшимча маҳсулотнинг мазмуни, унинг объектив асослари, амал қилиш шакллари тўғрисидаги назарий тадқиқотлар маълум даражада чекланиб қолди. Бу эса нафақат фанда, балки иқтисодий ривожланиш амалиётида ҳам тараққиётнинг реал асоси тўғрисидаги тасаввурлар, фойда, рента, фоиз, солиқлар каби муҳим молиявий кўрсаткичларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги асл манбаларини тушунишга

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

салбий тўсиқ сифатида таъсир кўрсатди. Амалиётда эса қўшимча маҳсулот массаси ва нормасини аниқлашга, уларни кўпайтириш омиллари ва йўлларини топишга ҳаракат қилинмади. Масаланинг энг ёмон томони шундаки, қўшимча маҳсулот етарли даражада ўрганилмаётганлиги туфайли кўпгина кишилар қўшимча қиймат, қўшилган қиймат ва қўшимча маҳсулот каби алоҳида иқтисодий тушунчаларни бир хил синоним тушунча деб қараб, чалкашликларга йўл қўймоқда. Ҳолбуки, улар орасида сифат ва миқдор жиҳатдан жуда катта фарқлар бўлиб, улар алоҳида-алоҳида тушунчалардир.

Қўшимча маҳсулот иқтисодиёт назарияси фанининг марказий бўғини сифатида доимо кишиларни қизиқтириб келган. Кишилиқ жамияти тараққиётининг қулдорлик, феодализм ва капитализм деб аталмиш босқичларида қўшимча маҳсулотнинг мавжудлиги ҳақида ҳеч ким мунозара қилмади.

Собиқ социалистик жамиятида кўпгина иқтисодчилар қўшимча қийматни фақат хусусий мулкчилик даврига хос деб тушуниб, ижтимоий мулк мавжуд бўлган даврда у бўлмайди, амал қилмайди, деб келганлар. Улар бу тушунчаларнинг умумиқтисодий категория сифатида моддий асоси ҳар доим сақланиб қолиши ва уларнинг ижтимоий шакли ўзгаришини ҳали тушуниб етмаган эдилар. Лекин улар ўша даврдаги корхоналар олаётган фойда, маҳсулотнинг қайси қисми эканлиги, фойда, фоиз, солиқ, рента каби юзаки кўриниб турадиган даромадларнинг манбаи нима эканлиги, давлат бошқаруви, мудофаа, таълим, фан-маданият учун зарур маблағлар каердан олиниши, бу маблағларнинг туб манбаи нимадан иборат эканлигини тушунириб бера олмаган эдилар. Ушбу масаланинг назарий жиҳатдан аниқланиши зарурияти кучайиб боргани туфайли 1965 йиллардан кейингина зарурий ва қўшимча маҳсулот тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар иқтисодий адабиётларда пайдо бўла бош-

лади, иқтисодчиларга тушунтирила бошланди. Ҳозир, бозор иқтисодиёти даврида ҳам бу тушунчаларни рад қилувчи кишилар анчагина топилади.

Лекин бундай иқтисодчилар мулкдорлар ва тадбиркорлар олаётган фойда, фоиз, дивиденд даромадлари, давлат солиқлари, ер рентаси каби пул кўринишидаги даромадларнинг туб манбаи нима, улар қаерда ҳосил бўлади, миллий маҳсулот қайси қисмининг пулдаги кўриниши, деган саволга жавоб бера олмайдилар. Фойда ва бошқа турли кўринишдаги даромадлар манбаини билмаслик нима учун товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар зарар кўради-ю, уни сотувчилар фойда кўради, деган саволларга ҳам жавоб беришда ожизликка олиб келади. Улар иқтисодий ходиса ва жараёнларнинг туб илдизига эътибор бермасдан, унинг юзаки томонларини ўрганиш билангина чекланиб қолган кўринади.

Қўшимча маҳсулот тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар «Иқтисодиёт назарияси» фани ривожининг узоқ тарихига бориб тақалади. Масалан, араб олими Ибн Холдун Абдураҳмон Абу Зайд ўзининг 1370 йилда ёзилган «Китоб-ул-ибар» («Ибротли мисоллар китоби»)да зарурий ва қўшимча маҳсулотнинг фарқига бориб, уларни ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилган<sup>1</sup>.

Кейинчалик физиократлар мактабининг асосчиси Ф.Кенэ ўзининг «Иқтисодий жадвал» асарида меркантилистлардан фарқли иқтисодий фанда олға қадам ташлаб, бойлик савдода ёки ташқи савдода кўпаймаслигини, у фақат ишлаб чиқаришда ўсиб кўпайиши, бойликнинг бу кўпайиши соф маҳсулот, айниқса қўшимча маҳсулот эвазига содир бўлишини кўрсатиб берди. Ф.Кенэ ишлаб чиқарилган маҳсулот билан қилинган харажатлар ўртасидаги фарқни, яъни қўшимча маҳсулотни соф маҳсулот деб атаган эди.

<sup>1</sup> Раззоқов А., Тошматов Ш., Урмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: «Молия», 2002. –41-42-б.

Кейинчалик қўшимча қиймат назарияси А.Смит ва Д.Рикардолар томонидан анча батафсил ривожлантирилди. Улар янги қиймат ёлланма ишчилар томонидан яратилиши, ёлланма ишчининг иш вақти иккига бўлиниб, зарурий иш вақтида ўзи ва оиласини боқиш учун зарур бўлган қиймат яратиши, иш кунининг қолган қисми бўлган қўшимча иш вақтида эса мулк эгалари ўзлаштириб оладиган қўшимча қиймат яратилишини кўрсатиб берган эдилар<sup>1</sup>.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида Россияда 2000 йилдан кейинги йилларда нашр этилган қатор янги адабиётларда, жумладан: В.Я.Иохин, В.Б.Акулов, О.В.Акулова, Е.Ф.Борисовлар; Д.Д.Москвин, А.Г.Грязнова ва Т.В.Чечеловалар раҳбарлигида муаллифлар гуруҳи томонидан ёзилиб, нашр қилинган иқтисодиёт назарияси дарсликлари ва қўлланмаларида; шунингдек, В.П.Петровнинг «Стоимость денег. Экономический кризисы перепроизводства» китоби ва «О корректировке теории прибавочной стоимости» деган мақола-сида, Гюсиннинг «Стоимость, потребительная стоимость и потребительская стоимость» каби мақолаларида соф маҳсулотнинг таркибий қисмлари бўлмиш зарурий ва қўшимча қийматларнинг мазмуни, ҳосил бўлиш жараёнлари, қўшимча қиймат турлари, массаси ва нормаси, уларни кўпайтириш усуллари ҳақидаги масалалар қисман ёритилган<sup>2</sup>.

Бу ва бошқа ҳозирги даврда чоп этилган кўпчилик адабиётларда ёзилганлардан кўриниб турибдики, асосан қўшимча маҳсулотнинг бир томонига, яъни қийматига эътибор берилган ва у қўшимча қиймат деб таърифланган. Холбуки, биз юқорида айтганимиздек, қўшимча қиймат

қўшимча маҳсулотнинг бир томони, яъни қиймат томони бўлиб, унинг нафлилик томони эътибордан четда қолдирилган. Холбуки, нафлилик бўлмаса, қиймат мавжуд бўлмайди. Лекин шуни таъкидлаш жойизки, қўшимча маҳсулотни ким қандай шаклда тушунишидан қатъий назар, у доимо мавжуд бўлиб, объектив умумиқтисодий категория сифатида олимлар томонидан тан олинган.

Қўшимча маҳсулотни рад қилиш ўрнига унинг мазмуни, таркибий қисмлари, юзаки кўриниб турган, яъни модификациялашган ҳаракат шакллари пухта ўрганиб, янада кўпайтириш ва тақсимланишини такомиллаштириш, ундан самарали фойдаланиш йўллари қидиришга куч сарфлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қўшимча маҳсулот тўғрисидаги мана шу ва шунга ўхшаш чалкашликларга аниқлик киритиш ва унинг мамлақтимиз тараққиётининг асл манбаи эканлигини ўқувчилар, қизиқувчи кишиларга етказиш мақсадида ушбу мақолага қўл урилди.

Қўшимча маҳсулот муаммоси жуда катта масала бўлиб, биз бу бир кичик мақолада уни ҳар томонлама батафсил ёрита олмаймиз. Биз фақат қўшимча маҳсулотнинг келиб чиқиши, мазмуни, таркиби ва реал иқтисодий ҳаётдаги модификациялашган кўринишлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Бугунги кунда иқтисодиёт назарияси фанида қўшимча маҳсулот тўғрисидаги тадқиқотларни янада чуқурлаштириш, унинг яратилиши ва тақсимланиши механизмларини такомиллаштириш, турли модификациялашган шакллари иқтисодий табиатини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Қўшимча маҳсулот мазмуни, унинг зарурлиги ва аҳамиятини тушуниш осонроқ бўлиши учун гапни ялпи ички маҳсулот таркибидан бошлаймиз. Ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг уч қисмга бўлиниши ва унинг ҳар бир қисмининг функционал вазифасини тушуниш учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жара-

<sup>1</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов; Рикардо Д. «Начало политической экономии и налогового обложения». Антология экономической классики. – М., 1993. – С. 46, 199.

<sup>2</sup> Акулов В.Б., Акулова О.В. Экономическая теория. / Учебное пособие. – Петрозаводск: ПетрГУ, 2002. – С. 156.

ёнларининг кенгайган ҳолда узлуксиз такрорланиб туриши зарурлиги нуқтаи назаридан қараб чиқамиз.

Ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида турли жойларда, турли йўналишдаги корхоналарда, турли омилларнинг ҳаракати натижасида жуда кўп турдаги товарлар ва хизматлар массасидан иборат бўлган ялпи ички маҳсулот вужудга келади.

Шу яратилган жами товарлар ва хизматлар, яъни ялпи ички маҳсулотнинг йил давомидаги йиғиндиси мамлакат бўйича ишлаб чиқаришнинг умумий натижаси бўлиб ҳисобланади. Бу умумий натижа турли даврларда турлича ном билан юритилади. Масалан, собиқ совет мамлакатида жами ижтимоий маҳсулот (ЖИМ), айрим мамлакатларда ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ва айрим мамлакатларда эса ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) деб юритилади. Ҳозирги даврда бизнинг мамлакатимизда йиллик маҳсулот ЯИМ деб юритилади.

Ишлаб чиқариш жараёнини тўхтовсиз давом эттириш, узлуксиз такрорлаб туриш учун, биринчидан, истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларини фақат қиймат ҳолидагина эмас, балки уни моддий буюм шаклида ҳам қайта тиклаш зарур. Бунинг учун албатта яратилган маҳсулот таркибида маълум миқдорда ишлаб чиқариш воситалари натурал шаклда мавжуд бўлиши керак. Иккинчидан, ишчи кучининг қайта тикланиши учун мулк эгалари ва тадбиркорларнинг шахсий истеъмоли учун яратилган маҳсулот таркибида зарур истеъмол буюмлари мавжуд бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам моддий маҳсулотлар икки тоифа товар маҳсулоти: ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари шаклида мавжуд бўлади, бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқариш икки йирик бўлинмадан: ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи бўлинмалардан иборат бўлиб, улар ўртасида товар айирбошлаш бўлиб туришини тақозо этади. Ундан ташқари жуда кўп корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш жараёнига ва аҳолига

турли-туман хизмат кўрсатиш билан шуғулланадики, улар меҳнатининг натижаси нафли хизматлар ва уларда мужассамлашган қийматларда намоён бўлади. Бу эса миллий маҳсулотнинг муҳим қисми турли хил хизматлардан иборат эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, йил давомида мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот натурал нафлилик жиҳатидан уч қисмдан: ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари ва турли хил хизматлардан иборат бўлади.

Йил давомида ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни, яъни миллий маҳсулотни бундай учта кўринишга бўлиб ўрганиш ва билиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Чунки уларнинг ҳар бир қисмининг функционал вазифаси ва объектив зарурлиги ойдинлашади ва маҳсулотлар ҳар бир тури бўйича талаб ва таклифлар ўрганилиб, талабга яраша ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради.

Яратилган маҳсулот фақатгина натурал жиҳатдан эмас, балки қиймат жиҳатдан ҳам ҳисобга олинади ва унинг қиймат таркиби ўрганилиб таҳлил қилинади.

Яратилган маҳсулот қиймат жиҳатдан ҳам уч қисмдан иборат бўлади:

1) ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари (И.В.) қийматининг янги маҳсулотга ўтган қисми;

2) янгидан вужудга келтирилган соф маҳсулотнинг бир қисми, яъни ишчиларга тегишли қисми – зарурий маҳсулот (З.М.) қиймати;

3) янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг мулкдорлар, тадбиркорлар ва жамият учун ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот (Қ.М.) қиймати.

Бошқача қилиб айтганда, йил давомида яратилган ЯИМнинг қиймати олдинги ишлаб чиқариш жараёнларида яратилиб, ушбу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг қийматидан ҳамда шу ишлаб чиқариш жараёнида яратилган янги қийматдан иборатдир. Ишлаб чиқариш

ришнинг узлуксиз давом этиши ва ривожланиши учун истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари ҳар хил асбоб-ускуналар, хом ашё, ёқилғи ва бошқа ёрдамчи материаллар ўрнини тўлдириб, қайта тиклаб турилиши талаб қилинади. Бунинг учун йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисмидан уларни қайта тиклаш учун фойдаланилади. Яратилган маҳсулот қийматидан истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати чегириб ташланса, қолган қисми соф маҳсулот қийматидан иборат бўлади. Демак, соф маҳсулот бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда банд бўлган менежерлар, ишчилар, деҳқонлар, муҳандислар, техник ходимлар, ҳунармандлар, касаначилар, тикувчилар, чеварлар ва бошқаларнинг янгидан сарф қилинган меҳнати билан яратилган зарурий ва қўшимча маҳсулот қийматидан иборатдир.

Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз кенгайган ҳолда такрорланиб туриш зарурлиги нафақат истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг доимий равишда қопланиб, яна янгиланиб туришини, балки ишлаб чиқаришда қатнашаётган ишчи кучини (бу ерда барча ишловчи ходимлар кўзда тутилади) ҳам такрор ишлаб чиқаришни тақозо этади. Шунинг учун ҳар қандай ижтимоий шароитда соф маҳсулотнинг бир қисми ишчи кучини тиклаш, шунингдек, унинг ўринбосарлари, яъни оиласи, фарзандлари ҳаётий фаолиятларини таъминлаш, уларни ўқитиб, замон талабига мос ишчи қилиб тайёрлаш учун сарфланади. Соф маҳсулотнинг бу қисми зарурий маҳсулот ҳисобланади. Зарурий маҳсулот ишчи меҳнатининг ижтимоий шаклидан қатъий назар, объектив равишда мавжуд бўлиб, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг моддий асоси бўлиб хизмат қилади. **Зарурий маҳсулот деб, ишчи ва хизматчилар иш вақтининг бир қисми бўлган зарурий иш вақтида зарурий меҳнат билан яратилган, ишчи кучини нормал ҳолатда сақлаш ва замон тала-**

**бига мос равишда қайта тиклаш учун зарур бўлган маҳсулотга айтилади.** Бунга келгуси авлод ишчиларини етиштириш, яъни ишчиларнинг оиласи ва фарзандларини ўқитиш, тарбиялаш учун зарур бўлган маҳсулот ҳам киради.

Зарурий маҳсулот соф маҳсулотнинг муҳим қисми бўлиб, бевосита ишчи ва хизматчиларга тегишлидир.

Зарурий маҳсулот ўз ичига моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ишчи, хизматчилар ва улар оилаларининг ўзларининг жисмоний эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ҳаётий воситалар фонди, шунингдек, ишчилар ҳамда жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ривожига даражасига мос келувчи маълум сифатдаги ишчи кучига айланиши учун уларнинг фарзандларига таълим бериш ва тарбиялаш харажатларини олади. Бунда нафақат табиий ва жисмоний шарт-шароитлар орқали пайдо бўлган моддий неъматларга алоҳида эҳтиёжларни, балки ижтимоий шарт-шароитлардан келиб чиқувчи эҳтиёжларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ривожланган маданиятли жамиятда зарурий ва қўшимча маҳсулот ҳажми ва таркибида ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бундай жамиятда зарурий маҳсулотнинг доиралари кенгайди. Бу кенгайиш истеъмол товарлари турлари ва ҳажмининг кенгайиб бориши билан боғлиқ бўлади. Бироқ унинг кенгайиш чегаралари меҳнатнинг унумдорлик кучи ошганлик даражаси билан белгиланади. Чунки, бу чегаралар умумий истеъмолга сарфланувчи маҳсулот ҳажмига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий жамиятда зарурий маҳсулот билан бир қаторда қўшимча маҳсулотга нисбатан ҳам объектив зарурат мавжуд бўлади. Масалан, ибтидоий жамоа тузумида, меҳнат қуроллари ўта содда бўлган даврда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот шу қадар оз эдики, у ҳаттоки энг зарур эҳтиёжларни қондиришга ҳам етарли эмасди. Бироқ, кишилар

ўзларининг иш вақтларининг бир қисмини қўшимча иш вақти, бинобарин қўшимча меҳнат сифатида ажратиб меҳнат қуроллари, истеъмол буюмлари захираларини тайёрлаш учун сарфлашга мажбур эдилар. Ундан ташқари, улар яратилган неъматларнинг маълум қисмини турли табиий офат ва бошқа тасодифлардан сақланиш учун эҳтиёт жамғармасини ҳосил қилиш учун ажратишга мажбур эдилар. Жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида қўшимча маҳсулот мавжуд бўлиб, унинг турли босқичларида қўшимча маҳсулотнинг ижтимоий шакли турлича бўлади. Масалан, у қулдорлик жамиятида қулдорлар ёки латифундистлар<sup>1</sup> даромади, феодал жамиятида уч кўринишдаги ер рентаси (баршчина, оброк, пул солиғи), капитализмда эса қўшимча қиймат кўринишларида намоён бўлган.

Жамиятда ишлаб чиқарувчи кучларнинг доимий равишда ривожланиб бориши меҳнат унумдорлигининг ошиб боришини таъминлайди ва унинг эвазига зарурий иш вақтининг қисқариши, тегишли равишда, қўшимча иш вақти ва бинобарин, қўшимча маҳсулотнинг ўсишини таъминлаш имкониятини яратади.

Шундай қилиб, соф маҳсулотнинг икки таркибий қисмларга ажратилиши ижтимоий тараққиётнинг барча босқичлари ва барча ижтимоий-иқтисодий тизимлар учун умумий иқтисодий қонуниятга айланади. Бу қонуният ҳар қандай ижтимоий ишлаб чиқаришнинг табиатидан, кишилиқ жамияти прогрессив ривожланиши конунидан келиб чиқади.

Объектив зарурият ва жараён сифатида қўшимча маҳсулотнинг вужудга келиши ва ўсиши ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ҳамда ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошиши билан боғлиқдир. Бу

<sup>1</sup> Латифундист – йирик ер, латифундия эгаси; Қадимги Римда латифундиялар деб, қишлоқ хўжалигининг экспорт соҳалари: ғалла етиштириш, зайтун мойи ишлаб чиқариш ва виночиликка ихтисослашган катта поместьелар аталган.

жараёнлар инсонга ўз иш вақти ва меҳнатининг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган неъматларни яратишга сарфланувчи қисмини камайтириш ва шунга мувофиқ ҳолда, бошқалар учун маҳсулот яратувчи қўшимча иш вақти ва қўшимча меҳнатни кўпайтириш имконини берди.

**Соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортиқча қисми, яъни қўшимча иш вақтида қўшимча меҳнат билан яратилган қисми қўшимча маҳсулот дейилади.**

Қўшимча маҳсулотнинг мазмуни ва унинг қўшимча қийматдан фарқини тушуниш учун унинг икки томонлама табиатига эътибор бериш лозим бўлади (1-чизма).


Бу чизмадан кўриниб турибдики, қўшимча қиймат қўшимча маҳсулотдан фарқ қилиб, унинг фақат бир томонини, яъни қиймат томонини ифодалайди, қўшимча маҳсулот эса ҳар иккала томонни – ҳам қўшимча нафлилик, ҳам қўшимча қиймат ва уларнинг ўзгаришини ифодалайди. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши натижасида меҳнат унумдорлигининг ўсиши (зарурий маҳсулот ўзгармаган ҳолатда) қўшимча маҳсулот миқдорининг ўсишига олиб келади. Қўшимча қиймат эса ўзгармай қолади. Бошқача қилиб айтганда, қўшимча маҳсулот қўшимча қиймат ва меҳнат унумдорлигининг кўпайтмасига тенгдир.

Демак, қўшимча маҳсулот миқдор жиҳатидан қўшимча қийматдан меҳнатнинг унумдорлик кучи миқдориغا тенг даражада кўпроқ бўлади. Масалан, қўшимча қиймат миқдори 200 минг сўм бўлиб, меҳнат унумдорлиги 1,5 баробарга ошган бўлса, қўшимча маҳсулот ( $200 \cdot 1,5 = 300$ ) 300 минг сўмга тенг бўлади.

Яна шу нарсани ҳам таъкидлаш жоизки, даврий матбуотда айрим муаллифлар қўшилган қиймат билан қўшимча қийматни бир хил тушунча деб қарамоқдалар. Лекин улар орасида жуда катта фарқ мавжуддир.



1-чизма. Яратилган қўшимча маҳсулотнинг икки томонлама табиати



Қўшилган қиймат амортизация фонди, иш ҳақи, турли ижтимоий фондлар, солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олади.

Қўшимча маҳсулот эса қўшилган қийматнинг амортизация, иш ҳақи ва турли ижтимоий фондлар чегириб ташлангандан қолган қисмини ўз ичига олади.

Мана шу таъкидланган жиҳатлар қўшимча маҳсулот мазмунини тўғри тушуниш имконини беради, деган умиддамиз.

Бу қўшимча маҳсулот бевосита ишчига эмас, балки тадбиркорлар, мулкдорлар ва давлатга, умуман олганда, бутун жамиятга тегишли бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади. Қўшимча маҳсулот, энг аввало, ижтимоий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш ва такомиллаштиришга йўналтирилувчи маҳсулот қисмини ўз ичига олади. Шунинг учун яратилган қўшимча маҳсулотнинг маълум қисми ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларини жамғариш, қўшимча ишчиларни ёллаш, яъни унумли жамғаришга йўналтирилган бўлиши лозим.


Жамиятнинг жўшқин ривожланиши но-ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам жамғариш амалга оширилишини тақозо этади. Бунда маҳсулотнинг бир қисми янги мактаблар, касалхоналар, стадионлар ва ҳоказолар қуришга, яъни ноишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши учун мўлжалланган капитал қўйилмаларга, ишлаб чиқаришга янги жалб этилган ишчиларни ҳаётини во-

ситалар билан таъминлашга сарфланиши лозим. Бу соҳаларга қўшимча маҳсулотнинг бир қисмини ажратиш орқали жамиятнинг прогрессив ривожланишини таъминлаш мумкин. Ундан ташқари, қўшимча маҳсулот мудофаасини мустаҳкамлаш, тартиб-интизомни сақлаш ва мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш, шунингдек, давлатни бошқаришга кетадиган харажатларни ҳам ўз ичига олади. Бу айтилганлар мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг иқтисодий манбаи сифатида қўшимча маҳсулотни тўхтовсиз кўпайтириб боришни тақозо этади.

Ишлаб чиқаришнинг мулк шаклидан қатъий назар, ҳар бир корхона, тармоқда қўшимча маҳсулотни кўпайтиришга ҳаракат қилинади. Уни кўпайтириш асосан уч йўл билан – ишловчилар сонини кўпайтириш, иш кунини узайтириш ва иш куни чегараси ўзгармаган ҳолда зарурий иш вақтини камайтириш эвазига қўшимча иш вақтини узайтириш йўли билан амалга оширилади.

Ишчилар сонини кўпайтириш ва иш кунини узайтириш йўли билан олинган қўшимча маҳсулот абсолют қўшимча маҳсулот деб, иш куни ўзгармаган ҳолда, зарурий иш вақтини камайтириб, қўшимча иш вақтини узайтириш эвазига олинган қўшимча маҳсулот эса нисбий қўшимча маҳсулот деб аталади. Қўшимча маҳсулотни кўпайтиришнинг биринчи икки йўли чекланган тавсифга эга бўлиб, тарихан ўз

## 2-чизма. Дехқончиликдаги қўшимча маҳсулотнинг таркибий тузилиши



умрини ўтаб бўлган усуллардир. Унинг учинчи йўли эса чекланмаган тавсифга эга бўлиб, ҳозирги ва кейинги давр учун мосдир. Фақат у фан-техника, технологиялар ривожини талаб этадиган йўлдир.

**Йил давомида олинган қўшимча маҳсулотлар йиғиндиси қўшимча маҳсулот массаси, унинг зарурий маҳсулотга нисбати эса (фоизда ифодаланиши) қўшимча маҳсулот нормаси деб юритилади.**

Агар қўшимча маҳсулот нормасини Қ.М.Н., массасини Қ.М., зарурий маҳсулотни З.М. билан белгиласак, қўшимча маҳсулот нормаси Қ.М.Н. =  $(\text{Қ.М.}/\text{З.М.}) \times 100\%$  кўринишдаги формула билан аниқланади.

Ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот икки таркибий қисмларга бўлинади: биринчи қисми – типик қўшимча маҳсулот; иккинчи қисми – устама қўшимча маҳсулот. Қўшимча маҳсулотнинг биринчи қисми ҳар бир муайян ишлаб чиқариш тармоғининг барча корхоналари учун одатий ҳисобланган меҳнат қуроллари, технологиялар, меҳнатни ташкил этиш шакллари ва ишлаб

чиқаришни бошқариш шаклларида яратилади. Бу қўшимча маҳсулот иқтисодий адабиётларда одатдаги, анъанавий, асл қўшимча маҳсулот каби номлар билан юритилади.

Устама қўшимча маҳсулот типик қўшимча маҳсулотдан фарқли ўлароқ, тармоқдаги у ёки бу корхонада нисбатан яхшироқ табиий ва иқтисодий шароитлар, омиллар, ресурслар ёрдамида таркиб топади. Ишлаб чиқаришнинг табиий омиллари иқтисодий (сунъий) омиллардан фарқ қилиши сабабли устама қўшимча маҳсулотнинг ҳам икки тури фарқланади. Биринчи тур нисбатан қулай табиий ресурслар (нисбатан юқори тупроқ унумдорлиги, қулай биологик жараён, бозорга нисбатан қулай жойлашув ва ҳ.к.) шароитида таркиб топади. Табиий омилларнинг ҳам тармоқ ичида, ҳам ҳудуд ичидаги табақалашуви жуда кескин намоён бўлади. Меҳнат унумдорлигига табиат кучларининг таъсири ижобий ва салбий бўлади. Ўта қулай шароитдаги омилнинг самардорлиги нисбатан пастроқ қулайликдаги омилнинг самара-

3-чизма. Саноатдаги қўшимча маҳсулотнинг таркибий тузилиши



дорлигидан бир неча баробар катта бўлиши мумкин. Ижобий табиат кучларининг табақалашуви биринчи кўринишдаги устама қўшимча маҳсулотнинг табақалашувини белгилаб беради. Салбий табиат кучлари нафақат биринчи турдаги устама қўшимча маҳсулотни, балки унинг муайян жой ва муайян вақтдаги умумий ҳажмининг пайишига олиб келади. Биринчи турдаги устама қўшимча маҳсулот доимий ҳисобланади.

Иккинчи турдаги устама қўшимча маҳсулот нисбатан қулай сунъий омиллар воситасида таркиб топади. Булар – техник, технологик, ташкилий янгиликларнинг жорий этилиши – ишлаб чиқаришга фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш натижаси ҳисобланади ва келгусидаги тараққиётнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ривожланган товар ишлаб чиқариш шароитида деҳқончилик ва саноатдаги қўшимча маҳсулотнинг таркибий тузилиши алоҳида шаклланади.


Деҳқончиликдаги қўшимча маҳсулотнинг таркибий тузилишини 2-чизма орқали кўриш мумкин.

Саноатдаги қўшимча маҳсулотнинг таркибий тузилишини эса 3-чизмадаги каби акс эттириш мумкин.

Чизмалардан кўринадики, деҳқончиликдаги қўшимча маҳсулотнинг таркибий тузилиши саноатдагига қараганда мураккаброқ бўлиб, бу деҳқончиликдаги доимий равишда рўй берувчи, бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятларнинг мавжудлиги, сунъий жараённинг биологик жараён билан чатишиб кетиши, бунинг натижасида тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги таркиб топиши билан боғлиқ. Бироқ қўшимча маҳсулот умумий ҳажмининг ўсишида фан-техника тараққиётининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда жадал суръатлар билан ўсувчи саноат қўшимча маҳсулоти катта аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган қўшимча маҳсулот сотилиш жараёнида фойдага айланади. Фойдадан давлат солиқ, ссуда капитал эгалари эса фоиз, ер эгалари рента сифатида ўз улушларини оладилар. Бу даромад турлари қўшимча маҳсулотнинг сотилиб, дастлабки тақсимлангандан кейинги ўзгарган шакллари дидир. Юзаки реал ҳаётда қўшимча маҳсулот юқоридаги шаклларда намоён бўлади. Кимки иқтисодий жараёнларнинг туб илдинини тушунмаса, бу даромадларнинг манбаи, қаерда ва ким томонидан яратилишини тушунмасдан қолаверади. Зарурий ва қўшимча маҳсулотларнинг мазмунини тушунишда уларнинг реал ҳаётдаги модификациялашган

## 4-чизма. Зарурий ва қўшимча маҳсулотнинг модификациялашган шакллари



шакллари билиш муҳим рол ўйнайди. Маълумки, зарурий ва қўшимча маҳсулот уларнинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнидаги кўринишидир. Аммо, улар олди-сотди ва тақсимлаш жараёнларидан ўтиб, ўз шакллари ўзгартириб, модификациялашган шакл оладилар.

Янгидан яратилган соф маҳсулотнинг таркиби ва модификациялашган шакллари 4-чизмадаги каби тасвирлаш мумкин.

Фойданинг турли тўловлардан қолган қисми тадбиркорларнинг соф фойдаси бўлиб, улар унинг ҳисобидан ўзларининг эҳтиёжларини қондирадилар, инвестиция, турли ижтимоий йўналишдаги ишларни амалга оширадилар. Кўриниб турибдики, қўшимча маҳсулотни кўпайтириш ҳеч кимга зарар бермайди, аксинча, жамият аъзоларининг ҳаммаси учун манфаатлидир.

Маълумки, қўшимча маҳсулот билан зарурий маҳсулот ўртасида ҳар доим зиддият ва алоқадорлик бўлади. Уларнинг ҳар иккаласидан ҳам бутун иқтисодиётни ривожлантириш ва жамият аъзоларининг фа-

ровонлигини ошириш мақсадларида фойдаланилади.

Лекин уларнинг соф миллий маҳсулотдаги ҳиссаси турли омиллар таъсирида, масалан, техника тараққиётининг ривожланиши, ижтимоий ишлаб чиқариш таркибининг ўзгариши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши натижасида ўзгариб туради. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши натижасида зарурий маҳсулотнинг абсолют миқдори ўсган ҳолда соф миллий маҳсулотдаги ҳиссаси камайиб, қўшимча маҳсулотнинг ҳиссаси ошиб боради. Бундай ҳолатлар қўшимча маҳсулот меъёрининг ошишида ўз аксини топади.

Бу баён этилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, қўшимча меҳнат ва бинобарин, қўшимча маҳсулот бутун тарихий тараққиёт давомида ишлаб чиқариш, фан-техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданиятни ривожлантиришнинг иқтисодий манбаи бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийтимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.
2. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодийтимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2015.
4. Шодмонов Ш. Иқтисодий тараққиёт ва фаровонлик. // «Маърифат» газетаси, 2015 йил 18 июнь.
5. Шодмонов Ш. Иқтисодий ривожланиш стратегияси. // «Маърифат» газетаси, 2016 йил 20 февраль.
6. Шодмонов Ш. Қўшимча маҳсулот умумиқтисодий категориядир. // «Иқтисодий назарияси» муаммолари: талқини ва ечимлари» Республика илмий-амалий конференцияси. – Т.: «Молия», 2016.
7. Раззоқов А., Тошматов Ш., Урмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: «Молия», 2002.
8. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов; Риккардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. Антология экономической классики. – М., 1993.
9. Акулов В.Б., Акулова О.В. Экономическая теория. / Учебное пособие. – Петрозаводск: ПетрГУ, 2002.
10. Иохин В.Я. Экономическая теория. – М.: «Юрист», 2001.
11. Петров В.П. Стоимость, деньги, экономические кризисы перепроизводства. – М.: «Либерком», 2012.
12. Основы экономической теории. Политэкономия: Учебник. / Под ред. д-ра экон. наук, проф. Д.Д.Москвина. Изд. 3-е, исправл. – М.: «Едиториал УРСС», 2003.

**Хайдаров М.Т.,**

иқтисод фанлари номзоди, доцент

# ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА КОНВЕРГЕНЦИЯ НАЗАРИЯСИНING МОҲИЯТИ

---

## ***ХАЙДАРОВ М.Т. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА КОНВЕРГЕНЦИЯ НАЗАРИЯСИНING МОҲИЯТИ***

Мақолада конвергенция назарияси вужудга келиши, тараққиёти ва глобал иқтисодиёт ривожланган шароитда унинг моҳияти муҳокама қилинган.

Таянч иборалар: конвергенция, назария, глобаллашув, тараққиёт, трансмиллий корпорациялар.

---

## ***ХАЙДАРОВ М.Т. ТЕОРИЯ КОНВЕРГЕНЦИИ В ПРЕЛОМЛЕНИИ ГЛОБАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ***

В статье рассматриваются условия зарождения и развития теории конвергенции, а также ее судьба в условиях развитой глобальной экономики.

Ключевые слова: конвергенция, теория, глобализация, развитие, транснациональные корпорации.

---

## ***KHAYDAROV M.T. CONVERGENCE THEORY IN GLOBALIZATION CIRCUMSTANCES***

There are considered in the article appearance and development of the convergence theory and its fate in the global economy circumstances.

Keywords: convergence, theory, globalization, development, transnational corporations.

**Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганининг 25 йиллигини нишонлаш арафасида турган эканмиз, бу чорак аср даврида нималарга эришганимиз ва нималардан воз кечганимизни кўздан кечиришимиз табиий ҳолдир. Бунда авваломбор моддий жиҳатдан эришилган улкан ютуқларимиз баҳоланади. Шу билан бирга, ушбу иқтисодий ўсишда эришган ютуқларнинг назарий негизида қандай ғоялар барпо этилганию, қайси ғоялардан воз кечилгани, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга қандай назарий асос яратилгани ва бу ҳол келажак тараққиётимизга қандай асос яратганини баҳолаш имконини беради. Бундай таҳлил ушбу яратилган базисни қандай ривожлантириш кераклиги борасида янги ғоялар ишлаб чиқишга хизмат қилиши мумкин.**

Собиқ планли тизимнинг ўта марказлашганлиги, режаларнинг тузилишидаги миқдорий муаммолар, иқтисодий пропорцияларнинг номувофиқлиги ва бунда ишлаб чиқариш воситаларининг кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга нисбатан кўпроқ ҳажмларда яратилиши, энг зарур эҳтиёждаги кўплаб маҳсулотларга сурункали дефицит мавжудлиги кўплаб адабиётларда келтирилган. Шу билан бирга, саноати тараққий этган ғарб давлатларининг иқтисодийлари ҳам ўзига яраша қатор муаммоларга эга. Булар қаторида, жами аҳолининг бир неча фоизигина ўта бой оилалар бўлиши билан миллионлаб қашшоқ оилаларнинг мавжудлиги, сурункали ишсизлик, сурункали иқтисодий инқирозлар ва бошқа қатор иқтисодий муаммолар марказлашган иқтисодиёт мутахассислари томонидан танқид қилинар эди.

XX аср 50-йилларининг охирига келиб ғарб иқтисодий-ижтимоий фанида «умумий индустриал жамият» ғояси тараққий эта бошлади. Бу ғояга кўра, саноати тараққий этган барча капиталистик ва марказлашган давлатлар умумий индустриал жамият сифатида кўрилган. Шу билан бирга, бозор иқтисодиётидаги ва марказлашган-планли давлатлар ўзаро муносабатларга киришишлари ва бир-бирларига ўзаро ижобий таъсир этишлари борасида тизимли қарашлар

ривожлана бошлади<sup>1</sup> ва бу қарашларга нисбатан «конвергенция назарияси» атамаси қўлланиб келинмоқда.

Конвергенция сўзи инглиз тилида бир-бирига яқинлашиш, бир-бирини кесиб ўтиш мазмунига эга. Конвергенция назариясини Сорокин, Гэлбрейт, Росту (АҚШ), Фурастье ва Ф.Перру (Франция), Я.Тинберген (Голландия), Шельски, О.Флехтгейм (Германия) ва бошқалар тарғиб этганлар. Ушбу назария бозорга иқтисодиётига асосланган ва режалаштиришга асосланган тизимлар бир-бирларини тўлдириб турувчи жамиятлар, деб таъкидлайди. Улар бир-бирларига қўшимча далда берувчи жамиятлар ва улар асосида янги турдаги, иккисига хос ижобий хусусиятларни ўзида жамлаган жамият вужудга келади, деган ғояни илгари суради.

Я.Тинберген (голландиялик олим) бу ғоя тарғиботчилари қаторида ўтган асрнинг 60-йилларда етакчилик қилган. Унинг фикрига кўра, янги жамият бозор иқтисодиётига хос асосий тўртта хусусиятларидан учтасини қамраб олади, булар:

- хусусий мулкчилик;
- иқтисодий рағбат ва манфаатдорликлар, жумладан фойда олиш манфаатдорлиги;
- бозор тизимидаги хўжалик юритилиши.

<sup>1</sup> Брегель Э. Теория конвергенции двух экономических систем. // Мировая экономика и международные отношения, 1968.

Бозор иқтисодиётига хос бўлган давлат иқтисодиёт тараққиётига аралашмаслик тамойилидан воз кечилиши таъкидланган.

Шунингдек, планли иқтисодиётнинг тўртта асосий тамойилларидан учтасини қамраб олади, Булар:

- олий даражадаги тенг ҳуқуқлик;
- ёлланма ишчиларнинг ишлаб чиқаришнинг назоратида кенг иштироки;
- иқтисодиётнинг режалаштирилиши.

Ушбу қарашларга кўра, социализмга хос бўлган ишлаб чиқариш воситаларига давлат мулкчилигининг устуворлиги тамойилидан воз кечилиши таъкидланган.

Яна бир жамиятшунос Дж.Гелбрейт (АҚШ) иккала ижтимоий-иқтисодий тизим яқинлашининг негизида технологик таркиб тараққиётининг умумийлиги жойлашганлигига эътиборни қаратган. У технологик таркиблар умумий тараққиёт қонунчилигига риоя қилиниши ва ҳаракатланиши бошқарув тизимларининг умумийлигида, давлат фаолиятини мувофиқлаштиришда ва хоказоларда намоён бўлишини таъкидлаган<sup>1</sup>.

Гелбрейт ғоясига кўра, бозор иқтисодиёти ўзгаришининг асосий сабаби технотаркиб хукмдорлигидадир. Технотаркиб деганда, кўплаб ихтисослашган билимларга эга олимлар, муҳандислар, ихтирочи, ҳуқуқшунос ва маъмурларнинг йиғиндиси тушунилади. Технотаркибчилар қарорлар қабул қилиш учун зарур билимларга якка ҳокимлик ўрнатиб, қарор қабул қилиш жараёнидан асл мулк эгаларини четлатишга эришганлар. Ҳукуматларни эса ўзларининг «ижрочи қўмиталарига» айлантириб олганлар. Бу ҳолнинг ижобий томони фирмаларнинг мунтазам ўсишидир, бунга эришиш услуби эса фирмалар фаолият юритаётган жамият муҳитининг устидан назоратдир. Бу дегани, улар барча нархлар ўрнатилиши, таннархлар шаклланишида, таъминотчилар, истеъмолчилар, жамият ва ҳукуматлар устидан «ҳокимият» ўрнатадилар.

<sup>1</sup> Джон Гелбрейт. Новое индустриальное государство (John Kenneth Galbraith. The New Industrial State, 1967. [http://www.economicportal.ru/economist\\_scientist/galbraith.html](http://www.economicportal.ru/economist_scientist/galbraith.html)

Гелбрейт технотаркиб атамасининг планли-марказлаштирилган иқтисодиёт шароитида ҳам қўлланилишига ишонади. Социалистик корхоналарнинг бошқарув таркиби ғарб корпорациялариникига нисбатан соддароқлигига қарамай, бу корхоналарининг ичида қарорларнинг қабул қилинишида турли билимларга эга бўлган кўплаб мутахассисларнинг тажрибаларини жамлаган ҳолда жамоа қарорларини қабул қилиш эҳтиёжи мавжуддир.

Йирик саноат маъмурлари, қайси тизимга тааллуқлигидан фарқсиз, ўзларининг ишлаб чиқариш борасидаги зарур қарорларини сиёсат ва мафкурадан қатъий назар амалга ошириш лозимлигини уқтириб борганлар. Гелбрейтнинг фикрича, бозор ва планли иқтисодиётда йирик корхоналарнинг табиатига кўра иккала иқтисодий тизимнинг конвергенцияга (бирлашишига) ундовчи омиллар устунлик қилади.

Франциялик иқтисодчи Ф.Перу ушбу назарияни бошқа нуқтаи назардан ёритган. Илмий коммунизм асосчилари томонидан ёритиб ўтилган бозор иқтисодиётининг асосий тафовути – ишлаб чиқаришнинг умум жамиятлашуви ва ишлаб чиқариш маҳсулларининг хусусий шаклда ўзлаштирилишида деб баҳоланган. Ишлаб чиқаришнинг умумлаштирилишидаги мавжуд муаммолар Перунинг фикрича, ишлаб чиқаришни режалаштиришга талаб ошиши билан намоён бўлади. Бунинг негизида эса жамиятнинг тўлиқ иқтисодий ҳаётини онгли равишда тартибга солиб туриш эҳтиёжини ривожлантиради. Унинг фикрига кўра, бу жараёнлар, яъни иқтисодиётнинг давлат томонидан мувофиқлаштиришга эҳтиёж бозор иқтисодиёти шароитида ҳам ўзини намоёиш этади ва фақат планли иқтисодиёт шароитидагина бартараф этилиши мумкин. Бозор иқтисодиётига асосланган ишлаб чиқариш тизими бу муаммоларни қисман ҳал қилиш қобилиятига эга<sup>2</sup>.

Яна бир франциялик жамиятшунос ва сиёсатшунос Р.Арон «умумий индустриал

<sup>2</sup> Современные буржуазные теории о слиянии капитализма и социализма. – М., 1970. –С. 45.



жамият» ғоясини тарғиб этар экан, унга хос бешта хусусиятни ифодалаган:

1. Корхоналар анъанавий жамиятлардан фарқли ўлароқ, тўлалигича оилалардан ажраган. (Анъанавий жамиятлар – қишлоқ хўжалиги тараққий этган жамиятлар. Бунда оилалар нафақат ўзларига хос тарбиявий ва бошқа ижтимоий масалалар, булар билан бирга ишлаб чиқариш функцияларни ҳам бажарадилар.)

2. Замонавий индустриал жамият учун махсус технологик меҳнат тақсимоти хосдир. Бу хослик (анъанавий жамиятлардан фарқли ўлароқ) алоҳида ишлаб чиқарувчи шахсларнинг хусусияти билан эмас, қўлланиладиган техника ва технологиялар хусусиятлари билан боғлиқдир.

3. Умумий индустриал жамият шароитида саноат ишлаб чиқариши капитал жамғарилишига муҳтож. Анъанавий жамиятларда бундай муҳтожлик сезиларли эмасдир.

4. Индустриал жамият учун ўта такомиллашган иқтисодий ҳисоб-китоблар, режалаштириш, кредит тизими жуда катта аҳамият касб этади.

5. Замонавий ишлаб чиқариш иш кучининг концентрацияси, яъни бир ерда мужассамланиши билан ажралиб туради. (Йирик саноат бирлашмалар шаклланиши лозим, акс ҳолда корхоналар иқтисодий рақобатга чида олмайдилар.)

Келтирилган хусусиятлар Р.Арон фикрича ҳам бозор иқтисодиёти ва планли ишлаб чиқариш тизимларига хосдир. Лекин бу тизимларнинг умумжаҳон миқёсида бирлашишларига сиёсий ва мафкуравий фарқлар халақит беради. Шунинг учун ҳам Арон замонавий жамиятларни муфкуравий ва сиёсий ёндашувлардан холи қилиш кераклигини тарғиб этган.

Бундан хулоса қилиб, конвергенция назарияси асосчилари иккала тизим – бозор иқтисодиёти ва планли иқтисодиётнинг камчиликлари ва муаммоларини тасаввур қилганлар ва бу тизимлар орасидаги тафовутларнинг бартараф қилиш йўлларини қидирганлар.

Жаҳон социалистик тизимининг йўқ бўлиб кетиши конвергенция муаммосининг иккита қарама-қарши тизимнинг бирлашуви зарурати долзарблигини йўқотди. Шу билан бирга, тарғиботчилар конвергенция назариясини бошқа тусда: қолоқ давлатлар тараққиётини тезлаштириш ва бозор иқтисодиётига асосланган тизим жорий қилиш орқали уларнинг ривожланганлик даражасини тараққий этган давлатларни кига етказиш, улардаги турмуш даражасини юксалтиришга эришиш ва жаҳон иқтисодиёти умумлашган – глобал иқтисодиёт шаклига киритилиши кераклигини тарғиб қилмоқдалар.

Баъзи жамиятшунослар фикрича, конвергенция жараёнлари фақат саноати тараққий этган давлатларга хосдир. Саноатлашмаган давлатлар анъанавий удумларни сақлаб қолганликлари сабабли, ривожланган давлатлар сафига қўшила олмасликларини уқтирадилар. Бу камбағал давлатлар фан ва технологиялар, таълим ва бошқа ижтимоий соҳадаги муаммоларни ўзлари ҳал қилишга қодир эмасликлари сабабли, «конвергенция жамоаси» у ёқда турсин, унга номзодлик даражасига ҳам ўзлари эриша олмасликларини таъкидлайдилар.

Бошқа ёндашувга кўра, «конвергенция жамоаси»га аъзо бўлиш инсон капиталининг мавжуд ҳолати билан эмас, тараққиёт стратегиясини тўғри танлаш билан боғлиқдир. Ушбу ёндашув тарғиботчиларининг эътирофича, энг камбағал давлатларнинг ривожланиши уларнинг самарали иқтисодий сиёсатлари билан боғлиқ: яъни улар қанчалик «очиқ иқтисодиёт» сиёсатини қўллашлари ва хусусий тадбиркорликка эркинлик беришлари билан боғлиқдир. Аниқроғи, эркин рақобатга асосланган очиқ иқтисодиёт яратишга даъват этадилар.

Эркин рақобат бозор иқтисодиётининг асосий хусусияти деб талқин қилинади. Якка ҳокимлик – монополия эркин рақобатнинг қарама-қаршисидир. Бозор иқтисодиёти эркин рақобатга асосланиб, рақобат натижасида қайсидир тадбиркорлар касод бўлади, рақобатда ютганлар эса бо-

зорни тўлиқ эгаллаб йириклашади ва бозорда яқка ҳокимликни ўрнатади. Бозор иқтисодиёти тараққиётида монополияларнинг шаклланиши ва тараққий этиши табиий ҳолдир.

Йирик монополь корхоналар қатор афзалликларга эга: улар мужассамланган (концентрациялашган) ишлаб чиқаришга эгалар, юқори малакали ходимларни жалб қилишлари, энг илғор технологиялар қўллашлари ва истасалар маҳсулотлар таннархларини туширишга қодирлар.

Монополияларни молиялаштирувчи банклар корхоналар молиявий аҳволдан, улар амалга ошираётган тадбиркорликдан ва кўплаб махфий маълумотларидан хабардордирлар. Банклар ишлаб чиқарувчи корхоналарни арзон кредитлар билан таъминлаб туришлари ва ёки корхоналарга айна зарур бўлганда, уларни молиявий таъминотдан маҳрум қилиб, таъсирларини ўтказишлари табиий ҳолдир. Натижада, корхоналар «беғубор» фаолиятларини таъминлаши учун банкларга тобе бўлишлари лозим. Шунинг учун банк капиталлари ва ишлаб чиқарувчи корхоналар узвий боғлиқлиги тараққий этади.

Монополиялар эркин рақобатни енгиб вужудга келдилар. Лекин эркин рақобатни бартараф этмайдилар<sup>1</sup>. Аксинча, монополия ва эркин рақобат бир-бирини тўлдириб турувчи иқтисодий жараёндир. Булар ўта ўткир ва кескин тафовутлар яратиш, капитализмнинг янги юксакроқ босқичини ифодалайди.

Монополистик бозор иқтисодиётининг тараққиёти XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига тўғри келди. Индустриал жамияти тараққиёти нуқтаи назардан, монополияларнинг ривожланиши:

– тўнтариш асосида ўта монопольлашган жамият – социализмнинг вужудга келиши ва/ёки

<sup>1</sup> Джоан Робертс. Экономическая теория несовершенной конкуренции. (1933) <http://knigi.news/ekonomika/robinson-djoan-20028.html>; Ядгаров Я.С. История экономических учений. (Учебник, четвертое издание, переработанное и дополненное), 2009. <http://knigi.news/ekonomika/ekonomicheskaya-teoriya-nesovershennoy-33760.html>

– эволюцион ривожланиш асосида, босқичма-босқич жаҳон миқёсида, халқаро кенг тарқалган шўьбаларига эга миллатлараро монополиялар (транс миллий корпорациялар) шаклида намоён бўлиши мумкин.

XX асрнинг бошларида бу борада энг танилган тарғиботчилар Карл Каутский ва Владимир Ленин (Ульянов) орасидаги назарий тортишувлар амалиётда ўтган аср давомида икки тафовутли тизим шаклланиб, ривожланишига олиб келди<sup>2</sup>. Бунинг якунида ўта марказлашган давлат монополистик тизими иқтисодиёти мағлуб бўлиб, социалистик давлатлар тизими тарқаб кетди.

Бошқа томондан, ғарб давлатларида монополиялар ўзларига хос сармоялар (капитал) экспортини амалга ошириб, XX асрнинг иккинчи ярмида кўплаб трансмиллий корпорациялар яратишга муваффақ бўлдилар. Ҳозирда монополистик бозор иқтисодиётининг кенгайиш имконлари (жорий шаклида) тугади. Улар ер юзини тўлалигича қамраб, ўзаро таъсир этиш ҳудудлари ва ҳудудлардан фарқли ўлароқ, тармоқ ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини тақсимлаб олганлар.

Жаҳон етакчи банклари ва молиявий муассасаларининг сони аниқ. Шунингдек, жаҳонда турли муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг глобал бозорлардаги сони ҳам шаклланиб бўлган. Маҳсулотларнинг қайси бозорини олманг, 7-8, кўпи билан ўнта йирик ишлаб чиқарувчилар орасида бу бозорлар тақсимланиб бўлинган. Телевизорлар, компьютер, уяли телефонлар, автомобиллар, идиш-товоқ, кир ювиш машиналари, музлаткичлар, болалар таомлари, зебу-зийнатлар – булар ҳаммаси жаҳонда танилган чекланган номли (брендлар эгалари) ишлаб чиқарувчилар орасида тақсимланган. Ҳар бири ўзининг тақсимловчи дўконлар ва ваколатхоналар тизимида эга.

Энгил саноат, машинасозлик, озиқ-овқат, кема ва самолётсозлик соҳалари трансмил-

<sup>2</sup> Своик П. Живее всех живых. Глобализм, как высшая стадия финансового империализма. <http://zonakz.net> 09:48 16.01.2009

лий корпорациялар томонидан тақсимланиб олинган. Ҳар бир трансмиллий корпорациянинг иқтисодий қудрати жаҳоннинг кўпчилик давлатлари қудратидан устунроқдир<sup>1</sup>. Жаҳондаги 50 та энг рақобардош етакчилар қаторида ялпи ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва молиявий маблағларига кўра хусусий корхоналарнинг сони алоҳида давлатлар сонидан кўпдир<sup>2</sup>.

Албатта улар орасида рақобат мавжуд. Лекин бу рақобат соф бозор рақобати эмас. Улар ўзаро рақобат қилишдан келишилган ҳолда жаҳон бозоридан фойдаланишни афзал кўрадилар. Бунинг учун маълум ҳолда нарх ва сифат мувозанати қўлланилган ҳолда истемолчилар юқори даромадли, ўрта ҳол ва кам даромадлиларга тақсимланадилар. Кўринишидан истеъмолчилар маҳсулотни ўзлари танлашлари мумкин. Амалда эса улар ўзларининг «токчалари» ичида танлайдилар, холос. Бунинг учун трансмиллий корпорациялар ўзаро тўғридан-тўғри музокаралар ўтказмайдилар: бу бевосита келишув эмас, лекин шафқатсиз рақобат ҳам эмас. Нархларни улар кўп ҳам оширавермайдилар, чунки рақобатни ҳеч ким бекор қилмаган. Лекин жуда ҳам пассивлашиб юбормайдилар – нархлар урушидан бирорта ҳам корпорация манфаатдор эмас.

«Бозор токчаларини» маълум шаклда тақсимлаган ҳолда, трансмиллий корпорациялар учун умумий қоидаларни сақлаб туриш кўпроқ манфаат бағишлайди. Бунда уларга халқаро молия муассасалари ва халқаро ташкилотлар бевосита кўмакчилик қиладилар. 1944 йилдан шаклланган Бреттон Вудс муассасалари<sup>3</sup> глобал иқтисодий тараққиётнинг энг садоқатли тарафдорларидир. Ҳар қандай халқаро молия институти: Жаҳон банки, Осиё тараққиёти ва Европа тараққиёти банки кредитларидан фойдаланиш учун қарз олаётган давлат Халқаро

валюта жамғармасига аъзо бўлиши ва унинг низомига риоя қилиши шарт. Халқаро валюта жамғармасининг низомига кўра, ҳар бир аъзо давлат ғарбий маданият демократиясига риоя қилиши, либерал бозор иқтисодиёти тамойилларини тан олиши: хусусий тадбиркорлик ва эркин рақобатга кенг имкон яратиши, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаши, инфляция жараёнларини чеклаш, миллий валютанинг жорий ва капитал операциялари борасида конвертациясини таъминлаш ва бошқа либерал иқтисодиётга хос талабларни бажаришлари шарт.

Бундай шартларни бажариш Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) (OECD – Organization for Economic Cooperation and Development) ташкилотига аъзо давлатлар учун катта муаммо эмас. Лекин тараққий этаётган давлатлар учун очиқ иқтисодиёт талабларини бажариш халқаро молия бозори чайқовчилари учун «ем бўлиш» демакдир. 1998 йилдаги молиявий инқироз шароитида қатор Жанубий-шарқий давлатлар иқтисодиётлари қисқа муддатда «молиявий чайқовчилар» томонидан «пулсизлантирилганликлари» бунинг яққол мисолидир.

«Глобалистлар» босимида миллий иқтисодлар очилишга мажбурланадилар. Бу молиявий оқимлар – капиталлар ва товар-моддий бойликлар ғарбий демократик ва «либерал эркинлик» ҳаракатланишига барча тўсиқларни бартараф этишни назарда тутди. Иқтисодий очиқлик – давлат сиёсати жаҳоннинг энг янги ютуқларига интилиши, халқаро стандартларидаги товарлар ишлаб чиқарилиши, қўлланилаётган меъёрий-ҳуқуқий тизимлар, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ва ижтимоий иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига қўлланилишини тақозо этади. Иқтисодий очиқлик ички бозорга халқаро рақобатнинг чексиз кириб келишини тақозо этади. ИХТТга аъзо давлатлар рақобатбардошлиги юқори бўлса-да, улар маълум чекловлар қўллашлари ва Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ – WTO) билан мураккаб музокаралар-

<sup>1</sup> Хайдаров М. Халқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида. / Ҳуқуқ қўлланма. – Т.: «Фан», 2003.

<sup>2</sup> Своик П. Живее всех живых. Глобализм, как высшая стадия финансового империализма. [http://: zonakz.net](http://zonakz.net) 09:48 16.01.2009.

<sup>3</sup> Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки.

ни ўтказишга мажбурдирлар. Тараққий этган давлатлар бунга қодир. Масалан, АҚШнинг ўзида ЖСТ билан ишлаш борасида бир неча минг юқори малакали мутахассислар жадал фаолият юритади. Лекин кўпчилик ривожланаётган давлатларнинг бундай малакали мутахассисларни тайёрлаш ва сақлаб туриш имкониятлари жуда чекланган.

Очиқлик тамойилини қўллаган ўлкаларда давлатнинг иқтисодийни мувофиқлаштириб туришлигининг моҳияти кескин тушиб кетиши ва ташқи босимларга бўйсунушига олиб келади. Жаҳон иқтисодийнинг глобаллашуви ҳукуматларнинг иқтисодий сиёсатларини юритиш имконларини чеклайди. Иқтисодийни тараққий эттиришда маҳаллий иқтисодийни инқироздан сақлайдиган чоралар қўлланиладиган анъанавий усуллар таъсирини йўқотади. Трансмиллий корпорацияларнинг миллий иқтисодийга ижобий ва салбий таъсирлари кучаяди. Лекин трансмиллий корпорацияларнинг асосий мақсади миллий иқтисодийларнинг тараққиёти эмас. Хусусий тадбиркорликнинг асосий мақсади – қандай бўлса-да фойда олиш. Агар қайсики корпорация ўртачадан паст миқдорда фойда олса, унинг бошқарувчилари акциядорлар томонидан ишдан бўшатилишлари табиий ҳол. Уларнинг юқори фойда олишларига «ғов бўлувчи» ҳар қандай куч, хоҳ норасмий, хоҳ ҳукуматлар бўлсин «надоматга» қолишлари муқаррар.

Миллий ҳукуматлар фаолиятини чекланган ҳолда, иқтисодий глобаллашув жараёнлари давлат суверенитетини сусайтиради. Давлатнинг жамиятга берувчи ижтимоий-иқтисодий кафиликларни бажаришга қодирлик даражаси пасаяди. Бунда эркин бозор қонунчилиги парламент қонунчилигига нисбатан устувор ўринни эгаллай бошлайди. Жамият учун муҳим масалаларни ҳеч ким билмайдиган, танимайдиган, жамият манфаатларидан эмас, ўз корпорациялари

манфаатларидан келиб чиқадиган кимсалар ҳал қила бошлайди.

Конвергенциянинг бу босқичида капиталларнинг иқтисодийга таъсири давлатникидан устунликка эриша бошлайди. Давлат вазифаларининг бажарилиши хусусий муассасалар ва/ёки халқаро ташкилотларга ўтиб кетиши кузатилади. Давлатлар чегаралари иқтисодий ўзгаришлар ва сиёсий ўзгаришларга бошлайди.

Лекин бундай глобал бозорнинг монополлаштирилган рақобат тизимига бирорта ҳам давлат қаршилик кўрсатмайди. Чунки бундай қаршиликка қодир давлатлар мазкур вазиятдан кўп ҳолларда манфаатдор. Қодир бўлмаган давлатларнинг қаршиликлари – мазкур давлат молиявий-иқтисодий рейтинглари тушиб кетиши, жаҳон молия бозори кредитларидан маҳрум бўлишлари, турли халқаро тадбир ва йиғинларда қораланиши ва бошқача босимлардан ўзгача «наф» кўрмайдилар.

Бу йўналишда ўзбекистонлик олимлар изланишларининг натижаси «Ўзбек модели» атамаси қўлланувчи бозор иқтисодиёти ислохотлари услубиятини шакллантириш муваффақиятига эришганлар. Мазкур модель мутахассислар томонидан кенг этироф этиладиган бешта асосий тамойилни ўзида қамраб, мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқларни бошловчи омил сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Бу тамойилларнинг биринчиси – иқтисодийнинг сиёсатдан устунлиги, аниқроғи иқтисодий жараёнларнинг мафкурадан холи амалга оширилиши, бозор иқтисодиёти ва режали иқтисодий афзалликларини мувофиқлаштирилган ҳолда қўллаш имкониятини бериши ислохотларнинг бошланишидаёқ жамиятда мавжуд турли дунёқарашдаги оқимлар орасидаги тафовутларни бартараф қилиш, турли мафкуравий ғоядаги мутахассисларнинг кучини бирлаштириш имконини яратди.

Давлат бош ислохотчи тамойили нафақат олимлар ва турли тадқиқот марказлари

илмий-амалий фикрларининг давлат томонидан тарғиб қилиниши ва уларга асосланган қарорлар қабул қилиш имконини, балки кечаётган иқтисодий жараёнларга ёт кучларнинг салбий таъсиридан ҳимояланиш имконини бериб келмоқда.

Қонун устуворлиги тамойили муҳокама қилинганида, авваламбор, қонун олдида ҳамма тенг ҳуқуқли эканлиги эътироф этилади. Бундан ташқари, қонун устуворлиги тамойили конвергенция назариясига кўра индустриал жамиятга хос стандартлашиш, жамиятнинг барча қатламлари ва иқтисодиётнинг барча тармоқларида бир хил ёндашув ва синергетик натижага эришишни таъминламоқда.

Кучли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш моҳияти кўплаб жаҳон иқтисодиёти мутахассасилари томонидан тарғиб этилган. Бу борада айниқса немис ва швед мутахассислари етакчилик қилиб келганлар. Ўзбекистон шароитида кучли ижтимоий сиёсат авваламбор тез қайтим бермайдиган, узоқ келажакка йўналтирилган таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, кам таъминланган қатламларни қўллаш билан боғлиқ эҳтиёжларни молиялаштиришга қаратилган. Бу харажатлар узоқ муддатли сармоялар сифатида баҳоланиши тўғри, чунки ҳозирдаёқ улар самара бермайдилар. Бу харажатлар узоқ давр мобайнида давлат бюджетидан молиялаштирилиб келинган. Охирги йилларда аралаш молиялаштириш услублари тарғиб қилина бошланди.

Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойили ислоҳотларнинг инсонийлигини таъминлайди. Яъни ислоҳотлар жамият аъзолари, инсонлар устидан тажрибага айланмаслиги, агар қабул қилинган чоралар салбий оқибатларга бошласа, улардан воз кечиш, бошқа йўл танлаш имкониятини беради.

Қабул қилинган ислоҳотлар самарадорлиги охирги йилларда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулот суръатининг турли босим-

лар ва жаҳон молия-иқтисодий инқироzi авж олган йилларда ҳам 8 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ўсиши билан баҳоланиши мумкин.

Хулоса ўрнида конвергенция назарияси ва жаҳонда кечаётган жараёнларни Ўзбекистон шароити, унинг ўзлигига хос услубиятда қўлланилиши борасида изланишлар яхши самара бериши муқаррар. Жумладан, монополиялар шаклланишининг ижобий томонларини инобатга олган ҳолда, энг самарали услубиёт ҳудудий ва тармоқли кластерлар шаклланиши билан намоён бўлиши мумкин. Бундай иқтисодий бирлашмалар Корея иқтисодиётида Чеболлар ва япон тажрибасида Дзайбацу шаклларида самара кўрсатмоқда.

Кластерларнинг афзалликлари шундаки, кластерларга аъзо корхоналар ўз мулкый эркинликларини йўқотмайдилар ва шу билан бирга, узоқ муддатли, ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилишида яхши самара беради. Ўзбекистон шароитида кластерли алоқалар ўрнатилишига асосий муаммо яратувчи омиллардан бири – қўшимча қиймат солиғининг таъсиридир. Чунки корхоналар орасидаги алоқалар ўртасига солиқли муносабатлар аралашуви узоқ муддатли, очиқ алоқаларга тўсиқлик қилади.

Иккинчи хулоса шуки, ўрта ва кичик тадбиркорлик тараққиёти таъминланиши лозим. Тараққий этган давлатларда ўрта ва кичик тадбиркорлик асосан жуда юқори сифатли товар ва хизматларни амалга оширишга қаратилган. Бундай кичик корхоналар кўп ҳолларда йирик корпорациялардан ажраб чиққан бўлиб, аутсорсинг – четдан хизмат қилишга ихтисослашган кичик фирмалардир. Ўзбекистон шароитида бундай улкан, аутсорсинг буюртма қиладиган корпорациялар кўп эмас. Иккинчидан, кичик тадбиркорликнинг рақобатбардошлиги авваламбор унда ишловчи мутахассисларнинг малакалари билан боғлиқ. Германияда магистр даражасига эга бўлмаган шахслар

учун хусусий фирмалар очишга маълум чекловлар мавжуд. Чунки фирмани таъсис этганлар нафақат иш ўринларини яратиш, фирмаларни юритишга қодир бўлишлари, кўплаб қонунчилик, жумладан, меҳнат муҳофазасини таъминлаш малакаларига эга бўлишлари лозим.

Ўзбекистон шароитида йирик, фан-техника ютуқларини жорий қила оладиган корхоналар барпо этиш ва уларга боғлиқ бўлган таъминловчи ва маҳсулотлардан фойдаланувчи кўплаб кичик корхоналарни ривожлантиш самара бериши мумкин.

---

---

### Адабиётлар:

1. Брегель Э. Теория конвергенции двух экономических систем. // Мировая экономика и международные отношения, 1968.
2. Современные буржуазные теории о слиянии капитализма и социализма. – М., 1970.
3. Джоан Робертс. Экономическая теория несовершенной конкуренции. (1933) <http://knigi.news/ekonomika/robinson-djoan-20028.html>; Ядгаров Я.С. История экономических учений. (Учебник, четвертое издание, переработанное и дополненное), 2009. <http://knigi.news/ekonomika/ekonomicheskaya-teoriya-nesovershennoy-33760.html>
4. Своик П. Живее всех живых. Глобализм, как высшая стадия финансового империализма. [http://: zonakz.net](http://zonakz.net) 09:48 16.01.2009
5. Гелбрейт Дж. Новое индустриальное государство» (John Kenneth Galbraith. The New Industrial State, 1967. [http://www.economicportal.ru/economist\\_scientist/galbraith.html](http://www.economicportal.ru/economist_scientist/galbraith.html) 5. 7. 7.
6. Хайдаров М. Халқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида. / Ўқув қўлланма. – Т.: «Фан», 2003.

**Мадраҳимов У.А.,**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий  
тадқиқотлар институти доценти, иқтисод фанлари  
номзоди

# ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СИФАТИ ОМИЛЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

---

## **МАДРАҲИМОВ У.А. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СИФАТИ ОМИЛЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

Мақолада иқтисодий ўсишнинг барқарор даражаси, унга таъсир этувчи омиллар бўйича қарашлар тадқиқ этилган. Муаллиф улар асосида Ўзбекистонда барқарор ўсиш омилларини аниқлаган.

Таянч иборалар: иқтисодий ўсиш сифати, барқарор ўсиш, омиллар, инклюзив ўсиш.

---

## **МАДРАХИМОВ У.А. НАУЧНО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФАКТОРОВ КАЧЕСТВА ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА**

В статье исследованы научные работы по устойчивому уровню экономического роста и их факторы. На их основе автор выявил факторы устойчивого роста в Узбекистане.

Ключевые слова: качество экономического роста, устойчивый рост, факторы, инклюзивный рост.

---

## **MADRAHIMOV U.A. SCIENTIFIC-METHODOLOGICAL BASIS OF FACTORS QUALITY OF ECONOMIC GROWTH**

In the article the research work on sustainable levels of economic growth and their factors. On this basis, the author suggested that factors of sustainable growth in Uzbekistan.

Keywords: the quality of economic growth; sustainable growth; factors; inclusive growth.

***Иқтисодий ўсиш сифати омил ва манбалари самарадорлигини оширишга асосланади. Мазкур масала узоқ муддатли барқарор ўсиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва инсон капиталини ривожлантириш ҳамда экологик муҳит хавфсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Айни шу кўз билан қарайдиган бўлсак, яъни, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилган, ўзимизнинг ресурс ва имкониятларимизни реал баҳолаган ҳолда, биз олдимизга аниқ мақсадни – яъни, 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш вазифасини қўйишимиз учун бугун, ҳеч шубҳасиз, барча асосларимиз бор»<sup>1</sup>. Бу эса барқарор ва узоқ муддатли иқтисодий ўсиш, унинг омилларини тадқиқ этишни талаб этади.

Айрим давлатларда иқтисодий ўсиш юқори, бошқаларда эса паст даражада ифодаланади. Мамлакатлар ривожланишида ушбу кўрсаткич вақт билан боғлиқ турли ҳолатларда намоён бўлади. Шунингдек, қисқа ва узоқ муддатли иқтисодий ўсиш унинг омиллари ҳажми ва даражаси ўзгариши билан ҳам ўрганилади. Қисқа муддатли иқтисодий ўсишда меҳнат ва капитал омилларидан фойдаланиш даври ўзгариши назарда тутилса, узоқ муддатлида – ишлаб чиқаришдаги омиллар ҳажми ва технологияларнинг ўзгариши назарда тутилади. Қисқа муддатли даврда 1-3 йил инобатга олинади ва ташқи иқтисодий конъюнктура ҳамда макроиқтисодий сиёсат билан боғланади. Узоқ муддатли ўсиш 5-10 йиллик даврни ўз ичига олади ва унда таркибий ислохотлар на-

тижалари ўзгариши мумкин<sup>2</sup>. Баъзи манбаларда, ЯИМнинг уч йил давомида ижобий ўсиши барқарор ўсиш сифатида талқин этилади<sup>3</sup>.

Бошқа бир манбада<sup>4</sup> иқтисодий ўсиш эришган даражасига қараб қуйидаги турларга ажратилади: барқарор иқтисодий ўсиш (5% ва ундан юқори); юқори бўлмаган иқтисодий ўсиш (2-3%); секинлашган иқтисодий ўсиш (1-2%); беқарор иқтисодий ўсиш; мувозанатлашган иқтисодий ўсиш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг ижобий даражасига дастлаб 1996 йилда, аҳоли жон бошига эса 1997 йилда эришилди ва ушбу ҳолат изчил давом этиб келмоқда (1-расмга қаранг).

Шундай бўлса-да, мазкур кўрсаткичларда миқдорий жиҳатлар ифодаланган бўлиб, уларнинг самарадорлиги ва сифат хусусиятлари қай даражада эканлигини ўрганиш лозим. В.Истерли ва Р.Левинлар<sup>5</sup> самарадорлик масаласига алоҳида тўхталиб ўтган бўлиб, уларнинг фикрича, омилларни жамғариш иқтисодий ўсиш учун муҳим аҳамият касб этмайди, балки уларнинг унумдорлиги ўсиш даражалари орасидаги фарқни тушунтириш учун асос ҳисобланади. Яъни, барча омиллар бир вақтда ўзаро таъсирлашув доирасида ортиб, ривожланиб боради.

<sup>2</sup> Идрисов Г., Синельников-Мурылов С. Бюджетная политика и экономический рост. – М.: 8/2013. – С. 35-59.

<sup>3</sup> Мухаммедов Ю. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида): Иқт. фан. док. дисс: – Т.: ТДИУ, 2006. – 23-б.


<sup>4</sup> Вахобов А., Зайнитдинова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари. / «Бозор, пул ва кредит», Т., 2011, 6-сон. – 38-42-б.

<sup>5</sup> Easterly W., Levine R. Africa's Growth Tragedy: Policies and Ethnic Divisions // Quarterly Journal of Economics. 1997. Vol. 112. N 4. P 1203—1250; Easterly W., Levine R. It's Not Factor Accumulation: Stylized Facts and Growth Models: World Bank Working Papers. 2000. Nov.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.



1.3-расм. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг умумий ва аҳоли жон бошига ўсиш суръати, фоизда.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Иқтисодий ўсиш сифатининг ўзгариш даражаси билан аҳоли турмуш даражаси ўртасидаги нисбатлар ҳам турлича ўзгариб борганлигини қатор мамлакатлар тажрибасидан кўриш мумкин. Жумладан, Ҳиндистонда кузатилган 1980-2005 йиллардаги ўртача 3% ўсиш давомида камбағаллик даражаси 1,5 баробарга ўсган<sup>1</sup>. Бу эса иқтисодий ўсишнинг нафақат узоқ муддатли барқарор даражасига, балки сифатига ҳам алоҳида эътибор беришни талаб этади.

Бир қатор тадқиқотларда иқтисодий ўсиш сифатини унинг барқарор даражаси билан боғлашади<sup>2</sup>. Бу эса иқтисодий ўсишнинг анъанавий омилларини ҳам тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Иқтисодий адабиётларда тақлиф, талаб ва тақсимот ўсиш омиллари сифатида илгари сурилади. Улар иқтисодий ўсишнинг анъанавий омиллари ҳисобланади. Айрим манбаларда тақлиф омили таркибига меҳнат омили, табиий ресурслар даражаси, технологиялар даражаси (унинг таркибида ИТТ, капитал билан таъминланганлик кабилар қиради), институционал омиллар (жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилмаси, ижтимоий институтлар-

нинг ривожланганлик даражаси, давлат сиёсати кабилар киритилади ва улар юқоридаги омиллар амал қилиши учун субъектив жиҳатларни ўзида ифодалайди) киритилади<sup>3</sup>.

Бошқа муаллифлар иқтисодий ўсишнинг тақлиф омилига қуйидагиларни киритадилар<sup>4</sup>: табиий ресурслар мавжудлиги; меҳнат ресурслари миқдори ва сифати; капитал; илмий техника ва технология даражаси.

Шундай бўлсада, табиий ресурслар даражаси барқарор ўсиш ва унинг сифати учун асос бўла олмайди. Табиий ресурсларга бой мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатининг паст бўлиш ҳолати икки хил жиҳат билан, яъни, макроиқтисодий ва институционал жиҳатлар билан изоҳланади<sup>5</sup>. Макроиқтисодий жиҳатлар қуйидагилар: табиий ресурсларга бўлган нархларнинг ортиши қазиб чиқарувчи бўғинда ишлаб чиқариш омиллари тўпланиши натижасида қўшимча қиймат яратувчи тармоқдан меҳнат оми-

<sup>3</sup> Лавров Е.И., Капогузов Е.А. Экономический рост: теории и проблемы: учебное пособие. – Омск: Изд-во ОмГУ, 2006. –С. 69-70.

<sup>4</sup> Шодмонов Ш.Ш., Фафуров У.В. Иқтисодий назарияси (дарслик). – Т.: «Фан ва технологиялар», 2005. –491-б.

<sup>5</sup> Sachs J., Warner A. (1997) Fundamental Sources of Long-Run Growth // American Economic Review Papers and Proceedings. Vol. 87. No 2. P. 184-188; Идрисов Г., Синельников-Мурылов С. Бюджетная политика и экономический рост. – М., 2013. –С. 35-59.

<sup>1</sup> Доклад о росте. Стратегии устойчивого роста и инклюзивного развития. «ВесМир», 2009. ([http://siteresources.worldbank.org/EXTPREMNET/Resources/489960-1338997241035/Growth\\_Commission\\_Final\\_Report\\_Russian.pdf](http://siteresources.worldbank.org/EXTPREMNET/Resources/489960-1338997241035/Growth_Commission_Final_Report_Russian.pdf))

<sup>2</sup> Ўша манба.

ларининг қазилма ишларига ўтишига сабаб бўлади<sup>1</sup>. Институционал жиҳати – табиий ресурслардан олинаётган юқори даромад иқтисодий тизимда амал қилаётган институтларнинг «бузилишига» олиб келади<sup>2</sup>.

Иқтисодий ўсишнинг талаб омилларига давлат ва шахсий истеъмол, ялпи жамғарма ҳамда экспорт имкониятлари киради. Тақсимот омиллари асосан давлатнинг мавжуд ресурсларини самарали тақсимлашга қаратилган макроиқтисодий сиёсат ва чоратадбирларни ўз ичига олади.

Замонавий иқтисодий ўсиш омиллари илмий назарияларда асосий ва иккинчи даражали (ёки ёрдамчи), ёхуд бевосита ва билвосита турларга ажратиб ўрганилади<sup>3</sup>. Асосий ёки бевосита турига sanoatга капитал қўйилмалар, инновация ва юқори технологиялар, компьютерлаштирилган ишчи ўринлари, пулнинг харид қобилияти, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришнинг техник ва ташкилий жиҳатлари кабилар киритилса, ёрдамчи ва билвосита омиллар сифатида асосий эътибор технологик, ташкилий ва таркибий жиҳатдан меҳнат шароитини енгилаштиришга қаратилади. Шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш, солиққа тортиш тартиби ва тамойиллари, нархни шакллантириш механизмлари ҳамда ушбу омилларнинг ўсишга ижобий таъсирини ошириш борасида давлатнинг иқтисодий сиёсатини тадқиқ этиш тарғиб қилинади.

Бошқа бир манбада иқтисодий ўсиш омиллари инсон, буюмлашган, ижтимоий ва табиий омиллар (ресурслар)га бўлиб ўрганилган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Bruno M., Sachs J. (1982). Input Price Shocks and the Slowdown in Economic Growth: The Case of UK Manufacturing // The Review of Economic Studies. Vol. 49, No 5. P. 679-705; Идрисов Г., Синельников-Мурылов С. Бюджетная политика и экономический рост. – М., 2013. – С. 35-59.

<sup>2</sup> Treisman D. (2010). Rethinking Russia: Is Russia Cursed by Oil? // Journal of Affairs. Vol. 63, No 2. P. 85-102; Идрисов Г., Синельников-Мурылов С. Бюджетная политика и экономический рост. – М., 2013. – С. 35-59.

<sup>3</sup> Губанов С.С. Темпы роста и воздействие на них государства. // Экономический рост и вектор развития современной России. / Под ред. К.А.Хубиева. – М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2004. – С. 39.

<sup>4</sup> Босчаева З.Н. Управление экономическим ростом. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2004. – С. 74-75.

Инсон омили – бу меҳнат қилишга қобилиятли инсонларнинг билими ва касбий маҳоратини ўз ичига олган ишчи кучи ёки ишлаб чиқариш қуввати ҳисобланади ва бу умумий ҳолда инсон капиталини ифодалайди. Буюмлашган ишлаб чиқариш омиллари инсон меҳнати асосида яратилган ишлаб чиқариш омилларини ўз ичига олади, жумладан, хом ашё ва материаллар, меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналар, бино ва иншоотлардир. Ижтимоий омилларга инфратузилма, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, давлат хавфсизлигини таъминлаш, коммуникация воситалари киради.

Юқорида қайд этилган омиллар иқтисодий ўсишнинг анъанавий тақлиф омилларини уйғунлашган шаклда ифодалайди. Бунда, инсон омили – меҳнатни, буюмлашган ишлаб чиқариш омиллари – капитални, табиий омиллар – табиий ресурсларни ифода этаётган бўлса, техника тараққиётини инсон омили таркибига қўшган ҳолда анъанавий омилларга алоҳида эътибор бермоқда.

Замонавий иқтисодий ўсиш назарияларида барқарор ўсиш сифатининг қатор омиллари тадқиқ этилган. Бундай тадқиқотларда ўсиш сифатининг ҳар учала жиҳатини таъминловчи техника тараққиёти ва униуи инсон капитални ҳамда табиий ўсиш асосида ривожланиши каби масалалар ўз аксини топган.

Иқтисодий ўсиш сифатига таъсир этувчи омилларни ўрганишда ғарб олимлари асосан унинг инклюзив ўсиш жиҳатларига эътибор қаратганлар. Жумладан, Кунал Сен ўз тадқиқотларида<sup>5</sup> иқтисодий ўсиш сифатининг инклюзив жиҳатларига эътибор бериб, асосий омиллар сифатида иқтисодиётда институционал тизим сифати, коррупция, қонунчилик ва демократия, барқарор ўсиш, экспорт даражаси, давлат истеъмоли кабиларнинг таъсирини ўрганган.

П.Велала, М.Мадала ва У.Чхаттопадхай<sup>6</sup> инклюзив ўсиш омили сифатида биринчи навбатда тезлашган, барқарор ўсиш даража-

<sup>5</sup> Kunal Sen. Inclusive Growth: When May We Expect It? When May We Not? / Asian Development Review, 2014, vol. 31, no. 1, pp. 136-162.

<sup>6</sup> Vellala P., Madala M., Chhattopadhyay U. A Theoretical Model for Inclusive Economic Growth in Indian Context/ International Journal of Humanities and Social Science, Vol. 4, No. 13/ November 2014.

сини қарайдилар, шу билан бирга, унинг асо-сида юзага келувчи саломатлик, таълим, ком-мунал хизматлар билан аҳолининг таъмин-ланганлик даражаси кабилар ҳамда иш билан бандлик, меҳнат унумдорлиги, инсон капита-лига инвестициялар, давлатнинг макроиқти-содий сиёсати самарадорлигига эътибор қаратадилар.

Ч.Аояги ва Г.Ганелли<sup>1</sup> тадқиқотларида инк-люзив ўсишни таъминловчи ишсизликнинг камайиши, савдо эркинлиги ва унумдорлик-нинг ўсишига қаратилган бюджет-солиқ, пул-кредит сиёсати ҳамда таркибий ўзгаришларни ўсиш сифати омиллари деб қараган. Шунинг-дек, улар тадқиқотларида қайта тақсимот, инфляция, ЯИМ, қишлоқ хўжалигида иш би-лан бандлик, ишсизлик даражаси, савдо эр-кинлиги, меҳнат унумдорлиги, аҳоли жон бо-шига ЯИМ (бир давр аввалги), экспортни у ЯИМдаги улуши, аҳоли жон бошига ЯИМ каби омилларни ҳам санаб ўтишган.

Р.Ананд, С.Мишра, Ш.Пейрис тадқиқот-ларида<sup>2</sup> макроиқтисодий барқарорлик, инсон капитали, таркибий ўзгаришлар, глобализа-ция шароитида тўғри хорижий инвестициялар ҳамда иқтисодиётнинг очиқлик даражаси ин-клюдив ўсиш омиллари сифатида қайд қилинади.

Юқорида таъкидланганидек, иқтисодий ўсиш билан боғлиқ масалалар ва уларга турли омилларнинг таъсири амалий ва назарий жиҳатдан атрофлича ўрганилган бўлиб, маз-кур изланишлар асосан ривожланган иқти-содиёт учун мос келади. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига эса нисбатан кам эътибор қаратилган. Мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришларнинг давом этаётганлиги ҳамда Ўзбекистонда тўла бандлик даражаси таъмин-ланмаганлиги боис экстенсив омилларга ҳам эътибор бериш зарур. Бу ўринда МДХ мамла-катларидаги мазкур масалага тегишли тад-қиқотларни алоҳида ўрганиш талаб этилади.

МДХ мамлакатлари миқёсида иқтисодий ўсишнинг барқарор даражасини таъминлашга бағишланган бир қатор ишлар амалга оши-

рилган. Жумладан, А.Голуб жамғармани ва ишчи кучини қўшимча қиймат яратувчи соҳада ошириш барқарор ўсишни таъминлай-ди, деб ҳисоблайди<sup>3</sup>. Е.Ясин фикрича, барқа-рор иқтисодий ўсиш иқтисодиётни қуйидан модернизация қилиш, фан ва таълимни ри-вожлантириш, инвестиция ва жамғармаларни ўстириш, инновацияларни интенсифлашти-рувчи институционал ўзгаришларга боғлиқ<sup>4</sup>. С.Глазьев барқарор ўсишни таъминлаш мо-лия бозори, банк, молия ва инвестицион ин-ститутларни тартибга солиш самарадорлиги-ни ошириш, янги технологик укладнинг ўси-шини рағбатлантириш ва янги мос институт-ларни шакллантириш асосида амалга ошири-лади, деб ҳисоблайди<sup>5</sup>. В.Мау, З.Босчаевалар тадқиқотларида асосий эътибор инновация ва янги технологияларни амалиётга кенг татбиқ этишга қаратилган<sup>6</sup>.

Айни дамда, иқтисодий ўсиш сифатига таъ-сир этувчи омилларни аниқлашга бағишланган тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилаётган бўлиб, К.Хубиев тадқиқотларида инновация ва техника-технологиялардаги ўзгаришлар

<sup>3</sup> Голуб А. Факторы роста российской экономи-ки и перспективы технического обновления. // «Вопросы экономики», 2003, №5. -С. 44-58.

<sup>4</sup> Ясин Е.Г. Модернизация российской экономи-ки: что в повестке дня. // Экономический журнал ВШЭ. М.: 2002, №1. -С.158-178; Ясин Е.Г. Перспек-тивы российской экономики: проблемы и факторы роста. // Экономический журнал ВШЭ. М.: 2002, №2. -С. 152-192; Ясин Е. Структурный маневр и экономический рост. // «Вопросы экономики», М.: 2003. №8; Ясин Е., Акиндинова Н., Яковсан Л., Яковлев А. Состоится ли новая модель экономи-ческого роста в России? // «Вопросы экономики», М.: 2013, №5. -С. 4-39.

<sup>5</sup> Глазьев С., Байзаков С., Ершов М., Митяев Д., Фетисов Г. К устойчивому росту – через справед-ливый мировой экономический порядок. // Рос-сийский экономический журнал, М. 2012, №2. -С.57-75; Глазьев С. Снова к альтернативной систе-ме мер государственной политики модернизации и развития отечественной экономики (предложе-ния на 2013-2014 гг.). // Российский экономиче-ский журнал, М. 2013, №3. -С.3-37.

<sup>6</sup> Мау В. Между модернизацией и застоём: эконо-мическая политика 2012 года. М.: 2/2013. -С. 4-23; Мау В. Экономико-политические итоги 2001 года и перспективы устойчивого экономического роста. // «Вопросы экономики», М.: 2002, №1. -С. 4-22; Управление экономическим ростом / З.Н.Босчаева. – М.: ЗАО «Издательство «Эконо-мика», 2004. –С. 316; Формула экономическо-го роста. / З.Н.Босчаева. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007. –С. 366.

<sup>1</sup> AoyagiCh., Ganelli G. Asia's Quest for Inclusive Growth Revisited / IMF, 2015.

<sup>2</sup> AnandR., Mishra S., Peiris Sh. Inclusive Growth: Measurement andDeterminants / IMF, 2013.

ҳамда ахборот-коммуникация тизимининг ривожини асосий омиллар сифатида қаралган<sup>1</sup>. А.Аганбегян ҳам инновация ва технологиялардаги ўзгаришлар билан бирга рақобатдошликни санаб ўтган<sup>2</sup>. С.Губанов барқарор иқтисодий ўсиш сифати омиллари инновация ва технологиялардаги ўзгариш ҳамда қўшилган қиймат яратувчи соҳалар ривожини деб таъкидлайди<sup>3</sup>. Шунингдек, В.Куликова, Н.Фролова ва И.Теняковлар ҳам ўсиш сифати омиллари деб инновация ва техника-технологиялардаги ўзгаришларни биладилар<sup>4</sup>. Т.Костина эса самарадорликдаги ўзгаришларни қарайди<sup>5</sup>.

МДҲ мамлакатлари олимлари томонидан илгари сурилган ғоялар, олиб борилган тадқиқотлар асосан Россия иқтисодиёти хусусиятларидан келиб чиққан бўлиб, улар томонидан берилган таклиф ва тавсиялар Россия иқтисодиёти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган. Айни чоғда, иқтисодий ўсиш самарадорлиги, сифати билан боғлиқ омилларни тадқиқ этишга методологик ва методик ёндашувларга кам эътибор берилган.

Ўзбекистонлик бир гуруҳ олимлар барқарор иқтисодий ўсиш омиллари сифатида

техника-тараққиётини амалга ошириш, қайта ишловчи саноат тармоқларини ривожлантириш, таркибий ўзгаришларнинг сифат даражасини таъминлаш, инвестицияларни оқилонга тақсимлаш масалаларига эътибор қаратган бўлсалар<sup>6</sup>, А.Ўлмасов ва Ш.Шодмоновлар эса анъанавий омилларни тадқиқ этганлар<sup>7</sup>. А.Вахобов ва А.Ўлмасовлар эса барқарор ўсиш омиллари сифатида қуйидагиларни санаб ўтишган: ишлаб чиқаришдаги моддий капитал; инсон капиталининг сифат даражаси; ишлаб чиқаришнинг технологик усуллари; инвестициялар миқдори ва таркиби; таълим даражаси; иқтисодий эркинлик даражаси; иқтисодиётнинг очиқлиги; халқаро бозордаги ҳолат; демографик вазият<sup>8</sup>. А.Расулов, А.Қодиров ва Р.Алимовлар инвестиция муҳити, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, инновациялар ўсишнинг барқарорлигини таъминловчи омиллар, деб таъкидлайдилар<sup>9</sup>. Ш.Юлдашев хорижий инвестициялар таъсирига алоҳида тўхталиб ўтган бўлса<sup>10</sup>, Ю.Мухаммедов тадқиқотларида барқарор иқтисодий ўсишнинг эконометрик моделлари ўрганилган<sup>11</sup>.

<sup>1</sup> Хубиев К.А. Теоретические и практические вопросы экономического роста. // Экономический рост и вектор развития современной России. / Под ред. К.А.Хубиева. – М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2004. –С. 27.

<sup>2</sup> Аганбегян, А.Г. Социально-экономическое развитие России. 3-е изд. – М.: «Дело», 2005. –С. 272.

<sup>3</sup> Губанов С. Темпы роста и воздействие на них государства. // «Экономист», М.: 2003. №6. –С. 19-32; Губанов С. Рост без развития и его пределы. // «Вопросы экономики», 2006. №6. –С. 14-31; Губанов С. Новая целевая задача условия ее решения. // «Экономист», 2008, № 3. –С. 3-21.

<sup>4</sup> Куликов В.М. Экономический рост и цели национального экономического развития. // Экономический рост и вектор развития современной России. / Под ред. К.А.Хубиева. – М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2004. С. 73. (69-75); Флорова Н.Л. Инновационная инфраструктура и экономическое развитие: проблемы современной России. // Экономический рост и вектор развития современной России. / Под ред. К.А.Хубиева. – М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2004. –С. 120; Теняков И.М. Качество экономического роста как фактор национального развития. Автореферат кан. экон. наук. – М.: МГУ, 2007. –С. 6.

<sup>5</sup> Костина Т.А. Качество экономического роста: предпосылки, факторы, последствия / <http://e-edu.by/main/departments/business/staff/kostina/publications/28.pdf>;

<sup>6</sup> Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. / Колл. авт.: Р.А.Алимов, А.К.Бердинцев, А.Ф.Расулов и др. // Под. ред. А.Х.Хикматова. – Т.: «Узбекистон», 2001. –С. 352.

<sup>7</sup> Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Ҳ., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002. –416-б.; Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. – Т.: «Меҳнат», 1997. –224-б.; Ўлмасов А. Оила иқтисоди. – Т.: «Меҳнат», 1998. –49-б.; Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари. Ш.Ш.Шодмонов (ва бошқ.): ТДИУ. Монография. – Т.: «Adib nashriyoti», 2010. –256-б.

<sup>8</sup> Иқтисодиёт назарияси. Дарслик (тўлдирилган ва қайта ишланган нашр). / А.Ўлмасов, А.Вахобов. ТДИУ. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2014. –424-б.

<sup>9</sup> Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. / Муаллифлар жамоаси: Р.О.Алимов, А.Ф.Расулов, А.М.Қодиров ва бошқ. // С.С.Фуломов таҳрири остида. – Т.: «Konsauditinform-Nashr», 2006. –440- б.; Инновация и экономический рост. / Отв. ред. Миккульский К. – М.: «Наука», 2002. –С. 377.

<sup>10</sup> Юлдашев Ш.Г. Иностранные инвестиции как фактор экономического роста в либерализации национального воспроизводства Республики Узбекистан: Дис... док. экон. наук.: Нац. унв. Узб. – Т., 2001. –С. 350.

<sup>11</sup> Мухаммедов Ю. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари (Узбекистон Республикаси мисолида): Дис. ...иқт.фандок.: ТДИУ. – Т., 2006. –504-б.

Иқтисодий ўсиш сифати омиллари С.Чепель ишларида ҳам тадқиқ этилган бўлиб, унда самарадорлик, аҳоли саводхонлиги, ишбилармонлик муҳити, институционал жиҳатлар ва давлат институтлари сифати каби омиллар тадқиқ этилган<sup>1</sup>. И.Қаюмова инновациялар, бизнес муҳити ва тадбиркорлик ша-роити, ахборот коммуникация тизими ва таълим даражасини ўсиш сифати омиллари деб қарайди<sup>2</sup>. Т.Шодиев эса мазкур омилларни аҳоли саводхонлиги, ахборот технологиялари ҳамда самарадорлик тарзида санаб ўтган<sup>3</sup>.

Юқоридаги тадқиқотларда кичик бизнеснинг ЯИМдаги, иш билан бандлардаги улуши, экспорт ва унинг таркиби, тармоқларнинг бир қатор самарадорлик жиҳатлари сифатини таъминлашдаги ўрни, капитал қўйилмаларнинг манбалари, хорижий ва миллий инвестициялар, капитал интенсивлик, капитал қайтими, меҳнат унумдорлиги, иқтисодий ўсишнинг капитал сифими ва меҳнат салмоғи каби иқтисодий ўсиш омилларига кам эътибор қаратилган, зеро, мазкур манбалар мамлакатимизда иқтисодий ўсиш ва унинг сифати учун муҳим омиллар саналади.

Барқарор иқтисодий ўсиш ва унинг сифатини оширишга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этишга қаратилган изланишларни умумлаштириш асосида Ўзбекистон учун қуйидаги омилларни муҳим деб ҳисоблаймиз: ялпи талаб омиллари; жамғарма ва унинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар; экспорт ва уни ошириш; асосий ва инсон капиталига йўналтирилган инвестициялар; технологиялар даражаси ва ин-

новациялар, уларни ривожлантиришга қаратилган инфратузилма ҳолати; ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш ва таркибий ўзгаришларга қаратилган давлат сиёсати; ҳудудларнинг иқтисодий мутаносиб ривожланишини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати; таълим, фан ва соғлиқни сақлашга давлат томонидан харажатлар даражасини ўстириш ва мақсадлилигини таъминлаш ҳамда хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга қаратилган чора-тадбирларни кенгайтириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рақобат ва эркинликни кенгайтириш.

Юқори ривожланган давлатлар тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ўсишнинг муҳим жиҳати унинг сифати, таъминловчи омил эса инновация ҳисобланади. Шунингдек, замонавий назарий ёндашувларнинг кўрсатишича, иқтисодий ўсишни асосий ҳаракатга келтирувчи куч технологик тараққиёт ҳисобланади. Ўз навбатида таълим, фан ва юқори технологиялар иқтисодий ўсиш манбаининг, фаровон ҳаёт ва давлат тараққиётининг асосидир.

Демак, иқтисодий ўсиш самарадорлигини оширувчи асосий омил инвестициядир. Чунки асосий капитални ўстириш, инсон капиталини жамғариш, техника тараққиётини биргаликда қўллаш натижасида таркибий ўзгаришлар амалга ошади. Улар негизда эса молиявий маблағлар ётади. Бу жараён инвестиция асосида амалга оширилади. Бугунги кунда мамлакатимизда техника тараққиётини ўстириш, янги технологияни иқтисодиётга олиб кириш ва инсон омилни замонавий малака-кўникмалар билан таъминлаш учун иқтисодиётга хорижий инвестицияларни киритишни кенгайтириш зарур. Улар ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва барқарор ўсиш давомийлигига ҳамда унинг ижтимоийлашувига, натижада, ресурстежамкор тизим шаклланиши билан барқарор ўсиш сифатининг ошишига олиб келади.

<sup>1</sup> Экономический рост и инновации: теория, практика и моделирование. // Колл. авт. под общей редакцией С.Чепель. – Т.: 2010; Влияние экономического роста на сокращение доли малообеспеченного населения Узбекистана. / Колл. авт. под ред. С.Чепель. – Т.: 2012.

<sup>2</sup> Қаюмова И.О. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларини эконометрик тадқиқоти. Иқт. фан. док. дис. – Т.: 2012. -289-б.

<sup>3</sup> Шодиев Т.Ш. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, интеллектуаллаштириш ва диверсификациялаш асосида иқтисодий ўсиш сифатини ошириш / «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, Т.: 2011 йил сентябрь.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.
2. Аганбегян А.Г. Социально-экономическое развитие России. 3-е изд. – М.: «Дело», 2005. -С. 272.
3. Вахобов А., Зайнитдинова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари. / «Бозор, пул ва кредит», Т., 2011, 6-сон. -38-42-б.
4. Влияние экономического роста на сокращение доли малообеспеченного населения Узбекистана. / Колл. авт. под ред. С.Чепель. – Т.: 2012.
5. Глазьев С. Снова к альтернативной системе мер государственной политики модернизации и развития отечественной экономики (предложения на 2013-2014 гг.) // Российский экономический журнал. М., 2013, №3. -С. 3-37.
6. Голуб А. Факторы роста российской экономики и перспективы технического обновления. // «Вопросы экономики», 2003, №5. -С. 44-58.
7. Губанов С. Новая целевая задача условия ее решения. // «Экономист», 2008, №3. -С. 3–21.
8. Губанов С. Рост без развития и его пределы. // «Вопросы экономики», 2006, №6. -С. 14-31;
9. Губанов С. Темпы роста и воздействие на них государства. // «Экономист», М., 2003, №6. -С. 19-32.
10. Губанов С.С. Темпы роста и воздействие на них государства. // Экономический рост и вектор развития современной России. / Под ред. К.А.Хубиева. – М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2004. -С. 39.
11. Доклад о росте. Стратегии устойчивого роста и инклюзивного развития. «Вес-Мир», 2009. ([http://siteresources.worldbank.org/EXTPREMNET/Resources/489960-1338997241035/Growth\\_Commission\\_Final\\_Report\\_Russian.pdf](http://siteresources.worldbank.org/EXTPREMNET/Resources/489960-1338997241035/Growth_Commission_Final_Report_Russian.pdf))
12. Идрисов Г., Синельников-Мурылов С. Бюджетная политика и экономический рост. М., 8/2013. -С. 35-59.
13. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик (тўлдирилган ва қайта ишланган нашр). / А.Ўлмасов, А.Вахобов. ТДИУ. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2014. -424-б.
14. Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари. / Ш.Ш.Шодмонов (ва бошқ.): ТДИУ. Монография. – Т.: «Adib nashriyoti», 2010. -256-б.
15. Инновация и экономический рост. / Отв. ред. Микульский К. – М.: «Наука», 2002. -С. 377.
16. Каюмова И.О. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларининг эконометрик тадқиқоти. / Иқт. фан. док. дис. – Т.: 2012. -289-б.
17. Костина Т.А. Качество экономического роста: предпосылки, факторы, последствия / <http://e-edu.by/main/departments/business/staff/kostina/publications/28.pdf>.

18. Куликов В.М. Экономический рост и цели национального экономического развития. // Экономический рост и вектор развития современной России. / Под ред. К.А.Хубиева. – М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2004. С. 73. (69-75);
19. Лавров Е.И., Капогузов Е.А. Экономический рост: теории и проблемы: учебное пособие. – Омск: Изд-во ОмГУ, 2006. –С. 69-70.
20. Мау В. Между модернизацией и застоём: экономическая политика 2012 года. – М.: 2/2013. –С. 4-23;
21. Мау В. Экономико-политические итоги 2001 года и перспективы устойчивого экономического роста. // «Вопросы экономики», М.: 2002. №1. –С.4-22.
22. Мухаммедов Ю. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида). / Дис. ... иқт. фан. док.: ТДИУ. – Т., 2006. –23-б.
23. Теняков И.М. Качество экономического роста как фактор национального развития. Автореферат кан. экон. наук. – М.: МГУ, 2007. –С. 6.
24. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. / Колл. авт.: Р.А.Алимов, А.К.Бердинцев, А.Ф.Расулев и др. // Под. ред. А.Х.Хикматова. – Т.: «Ўзбекистон», 2001. –С. 352.
25. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. / Муаллифлар жамоаси: Р.О.Алимов, А.Ф.Расулев, А.М.Қодиров ва бошқ. // С.С.Фуломов тахрири остида. – Т.: «Konsauditinform-Nashr», 2006. –440-б.
26. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. – Т.: «Меҳнат», 1997. –224-б.
27. Ўлмасов А. Оила иқтисоди. – Т.: «Меҳнат», 1998. –49-б.
28. Управление экономическим ростом. / З.Н. Босчаева. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2004.
29. Флорова Н.Л. Инновационная инфраструктура и экономическое развитие: проблемы современной России. // Экономический рост и вектор развития современной России. / Под ред. К.А.Хубиева. – М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2004. –С. 120.
30. Формула экономического роста. / З.Н.Босчаева. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007. –С. 366.
31. Хубиев К.А. Теоретические и практические вопросы экономического роста. // Экономический рост и вектор развития современной России. / Под ред. К.А.Хубиева. – М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2004. –С. 27.
32. Шодиев Т.Ш. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, интеллектуаллаштириш ва диверсификациялаш асосида иқтисодий ўсиш сифатини ошириш. / «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. Т., 2011 йил сентябрь.
33. Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Ҳ., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002. –416-б.;
34. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси (дарслик). –Т.: «Фан ва технологиялар», 2005. –491-б.
35. Экономический рост и инновации: теория, практика и моделирование. // Колл. авт. под общей редакцией С.Чепель. – Т.: 2010;
36. Юлдашев Ш.Г. Иностранные инвестиции как фактор экономического роста в либерализации национального воспроизводства Республики Узбекистан. / Дис...док. экон.наук.: Нац. унв. Узб. – Т., 2001. –С. 350.
37. Ясин Е., Акиндинова Н., Якобсан Л., Яковлев А. Состоится ли новая модель экономического роста в России? // «Вопросы экономики», М.: 2013, №5. –С. 4-39.
38. Ясин Е. Структурный маневр и экономический рост. // «Вопросы экономики», М.: 2003, №8.

39. Ясин Е.Г. Модернизация российской экономики: что в повестке дня. // Экономический журнал ВШЭ. М., 2002, №1. -С. 158-178.
40. Ясин Е.Г. Перспективы российской экономики: проблемы и факторы роста. // Экономический журнал ВШЭ. М.: 2002, №2. -С. 152-192.
41. Anand R., Mishra S., Peiris Sh. Inclusive Growth: Measurement and Determinants / IMF, 2013.
42. Aoyagi Ch., Ganelli G. Asia's Quest for Inclusive Growth Revisited / IMF, 2015.
43. Bruno M., Sachs J. (1982). Input Price Shocks and the Slowdown in Economic Growth: The Case of UK Manufacturing // The Review of Economic Studies. Vol. 49, No 5. P. 679-705; Идрисов Г., Синельников-Мурылов С. Бюджетная политика и экономический рост. М., 8/2013. -С. 35-59.
44. Easterly W., Levine R. Africa's Growth Tragedy: Policies and Ethnic Divisions // Quarterly Journal of Economics. 1997. Vol. 112. N 4. P 1203—1250; Easterly W., Levine R. It's Not Factor Accumulation: Stylized Facts and Growth Models: World Bank Working Papers. 2000. Nov.
45. Kunal Sen. Inclusive Growth: When May We Expect It? When May We Not? / Asian Development Review, 2014, vol. 31, no. 1, pp. 136–162.
46. Sachs J., Warner A. (1997) Fundamental Sources of Long-Run Growth // American Economic Review Papers and Proceedings. Vol. 87? No 2. P. 184-188; Идрисов Г., Синельников-Мурылов С. Бюджетная политика и экономический рост. М.: 8/2013. -С. 35-59.
47. Treisman D. (2010). Rethinking Russia: Is Russia Cursed by Oil? // Journal of Affairs. Vol. 63, No 2. P. 85-102; Идрисов Г., Синельников-Мурылов С. Бюджетная политика и экономический рост. М.: 8/2013. -С. 35-59.
48. Vellala P., Madala M., Chhattopadhyay U. A Theoretical Model for Inclusive Economic Growth in Indian Context/ International Journal of Humanities and Social Science, Vol. 4, No. 13; November 2014.



**Усманов З.К.,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» ИТМ кичик илмий ходими;

**Қўзиёв К.Ф.,**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти катта илмий ходим-изланувчиси

## ЎЗБЕКИСТОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

---

### **УСМАНОВ З.К., ҚЎЗИЕВ К.Ф. ЎЗБЕКИСТОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Мақолада минтақаларда озиқ-овқат саноати тармоқларини жойлаштириш назарий ва амалий масалалари ёритилган. Шунингдек, амалиётдаги мавжуд услубиёт ёрдамида республикамизнинг минтақаларида сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш кўламини аниқлаш ва қайта ишловчи корхоналарни оқилона жойлаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: озиқ-овқат саноати, оқилона жойлаштириш, инфратузилма, тармоқ диверсификацияси, сут ва мева сабзавот бозори, ишлаб чиқариш қувватлари, қайта ишлаш.

---

### **УСМАНОВ З.К., КУЗИЕВ К.Ф. РЕГИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗМЕЩЕНИЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНЫХ СИЛ В ОТРАСЛЯХ ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА**

В статье рассмотрены теоретические и практические вопросы размещения отраслей пищевой промышленности в регионах. В дополнение к использованию существующей методологии на практике проведен анализ по определению объема переработки молока и фруктов и овощей, а также рациональному размещению перерабатывающих предприятий в регионах.

Ключевые слова: пищевая промышленность, рациональное размещение, инфраструктура, отраслевая диверсификация, рынок молока, рынок плодов и овощей, производственные мощности, переработка.

**USMANOV Z.K., KUZIEV K.F. REGIONAL FEATURES OF THE DISTRIBUTION OF PRODUCTIVE FORCES IN THE FOOD INDUSTRIES OF UZBEKISTAN**

The article deals with the theoretical and practical issues of distribution of branches of the food industry in the regions. In addition to implementation the existing methodology in practice, there is carried out analysis on determining the amounts of the processing of milk and fruits and vegetables, and rational allocation of the processing enterprises in the regions.

Keywords: food industry, rational distribution, infrastructure, industry diversification, market milk, market of fruits and vegetables, production and processing.

**Озиқ-овқат саноати минтақалар бўйлаб жойлашуви ва ривожланишида табиий-иқтисодий шароит, умумий маънодаги инфратузилманинг ривожланганлиги, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг нисбати ҳамда ишчи кадрларнинг мос келиши, илмий-техник марказларнинг спецификаси каби омиллар муҳим рол ўйнайди.**

Озиқ-овқат саноатининг ҳар қайси турдаги тармоғини маълум бир ҳудудда жойлаштириш ва ривожлантиришда унинг қуйидаги хусусиятларини ўрганиш зарур бўлади:

– биринчидан, озиқ-овақат саноати тармоқларида ўсимлик ва ҳайвонот оламига тегишли бўлган хом ашёларнинг қайта ишланиши;

– иккинчидан, технология нуқтаи назардан бу тармоқлар учун кимёвий ва биокимёвий жараёнлар муҳимлиги;

– учинчидан, бу тармоқларда хом ашёдан тайёр маҳсулот олиш учун термик ишлов бериш (юқори ёки жуда паст температурада ишлов бериш) зарур бўлиши;

– тўртинчидан, хом ашёга термик ва биокимёвий ишлов бериш, ҳамда бошқа турдаги ишловлар яхлит технологик тизимни шакллантиришни талаб қилиши.

Шунингдек, озиқ-овқат саноатини оқилона жойлаштиришда муҳим рол ўйнайдиган қуйидаги омилларни алоҳида эътиборга олиш зарур:

1. Озиқ-овқат корхоналари аҳоли кўп яшайдиган минтақаларда жойлаштирилади ва унда аҳолининг тўлов қобилияти юқори бўлиши зарур, бундай омил кўпроқ тез бузиловчи маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналарга тааллуқлидир.

2. Озиқ-овқат саноатининг баъзи тармоқлари хом ашё манбаларига яқин жойлаштирилади (гўшт саноати чорвачилик комплексларига яқин жойлаштирилади ва ҳ.к.)

3. Озиқ-овқат саноатининг меҳнат сифимдорлиги юқори бўлиб, кўп ишчи кучи талаб қилади, айнан шу сабабдан ҳам бундай корхоналарни йирик ва аҳоли зич ҳудудларда жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

4. Озиқ-овқат комбинатларини сув ресурсларига бой минтақада жойлаштириш зарур, чунки озиқ-овқат саноатининг сув сифимкорлиги анча юқори бўлиб, унинг баъзи тармоқлари учун эса сув омили ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади.

Озиқ-овқат саноатидаги айрим тармоқларнинг бир қатор ўзига хос иқтисодий хусусиятларини ишлаб чиқаришни жойлаштиришда алоҳида эътиборга олиш зарур бўлади. Озиқ-овқат саноатининг кўпгина тармоқларини мамлакатнинг барча иқтисодий туманлари, бир қатор тармоқларни эса муайян ҳудудларда жойлаштириш мумкин. Булар – қандолат, ун-ёрма, макарон каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш. Кундалик истеъмол маҳсулотларидан нон ва алкогольсиз ичимликлар саноати эса ҳар бир аҳоли пунктида жойлаш-

тирилиши керак. Бироқ шакар, ёғ-мой, консерва, спирт, виночилик ва шу каби тармоқларни хом ашё базасига яқин жойда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, корхоналарни жойлаштиришни индикатив режалаштириш ва иқтисодий асослаш пайтида ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини тўғри ҳисобга олиш, ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг умумий тамойилларига таяниш саноатни жойлаштиришнинг юқори самарадорлигини таъминлайди ва ижтимоий меҳнат унумдорлиги ошади.

Озиқ-овқат саноатини жойлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлайдиган кўрсаткичлардан бири – маҳсулот таннархидир. Айрим ҳудудларда жойлашган корхоналар маҳсулотининг таннархи бошқа ҳудудлардаги корхоналарникидан бирмунча паст бўлиши мумкин. Рақобатбардошликни оширишнинг энг асосий мезонлари ҳам маҳсулот таннархини камайтиришдан иборат. Тадбиркор бунинг учун арзон ишчи кучи, арзон хом ашё ва кам энергия сарфловчи технологияга эга бўлишга ҳаракат қилади.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида озиқ-овқат саноатини минтақаларда оқилона жойлаштиришнинг методологик базасини янада такомиллаштириш муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот марказида туманларда озиқ-овқат саноатини оқилона жойлаштириш учун зарур бўлган қўшимча қувватларни аниқлаш услуги яратилди. Ушбу услубиётни яратишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилган «Қишлоқ районларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини оқилона жойлаштириш услуги»даги бир нечта кўрсаткичлардан фойдаланилди. Яратилган ушбу

услубиёт ёрдамида тадқиқотлар жараёнида туманларда озиқ-овқат саноатини оқилона жойлаштириш учун зарур бўлган хом ашё базаси ва қўшимча қувватларни аниқлашда фойдаланилди.

Услубиётдан асосий мақсад республика-мизнинг туманларида сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш қўламини аниқлаш ва қайта ишловчи корхоналарни оқилона жойлаштириш ёндашувларини шакллантиришдир. У қуйидаги вазифалар ечимини топишга йўналтирилган:

– аҳолининг сут ва мева-сабзавотларга бўлган эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда қайта ишловчи корхоналарини оқилона жойлаштириш;

– маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни янада чуқурлаштириш;


– аҳолининг қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш анъаналарини тадқиқ этиш;

– қайта ишловчилар ва хом ашё етказиб берувчилар инфратузилмасини такомиллаштиришни тадқиқ этиш.

Ушбу услубиётга кўра ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш тадқиқотлар асосан маълум бир туманда аҳоли истеъмолидан ортиқча хом ашё мавжудлиги ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш омилларини ҳисоблаган ҳолда амалга оширилади.

Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида озиқ-овқат саноати тармоғини ривожлантириш янада жадаллашмоқда. Бунда Ўзбекистон Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1442-сонли қарори, мамлакатимизда 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури, шунингдек ҳар йили қабул қилинадиган ҳудудий дастурлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

**1-расм. Озиқ-овқат санаоти тармоғининг ялпи sanoат маҳсулоти таркибидаги улушининг динамикаси (фоизда)<sup>1</sup>.**



Натижада сўнги йилларда озиқ-овқат санаоти тармоғининг ялпи sanoат маҳсулоти таркибидаги улуши мунтазам ўсиб бораётганлигини кўриш мумкин (1-расм).

Расмдаги маълумотларга кўра, озиқ-овқат санаотининг республика ялпи санаотидаги улуши ҳам ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2005 йилда 8,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 16,2 фоизни ташкил этиб, sanoат тармоқлари орасида 2-ўринга кўтарилиб олган ва мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг 96 фоизи ички ишлаб чиқариш ҳисобига қондирилмоқда.

«Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» холдинг компанияси маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда Ўзбекистон озиқ-овқат санаоти тармоғида жами 8927 та қайта ишлаш корхонаси фаолият олиб бормоқда. Шундан 1193 таси кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, 789 таси сут маҳсулотларини қайта ишлашга, 600 таси мева-сабзавотни қайта ишлашга, 514 таси гўштни қайта ишлашга ва 200 таси ёғ-мой санаотига ихтисослаштирилган<sup>2</sup>.

Мустақиллик йилларида аҳоли жон босига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва

сут маҳсулотлари 1,6 баробар, sanoат усулида қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари истеъмоли деярли 4 баробарга ортди. Тадбиркорликнинг ривожланиши учун яратилган шароитлар, имтиёзлар озиқ-овқат санаотида ҳам хусусий корхоналар сонининг тез суръатлар билан ривожланишига асос бўлмоқда. Мисол учун, 2011 йилда кичик бизнеснинг жами маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 16,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида бу кўрсаткич 40 фоиздан ошди<sup>3</sup>. Бу натижалар ички ва ташқи инвестициялар эвазига янги корхоналар ташкил қилиниб, мавжуд қувватлар изчил модернизация қилинаётгани ютуқлар гарови бўлмоқда. Агар 2008 йилда умумий қиймати 30,0 млн доллар бўлган атиги 150 та лойиҳа амалга оширилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 1400 дан ортиб, 210 млн доллардан ортиқ инвестиция ўзлаштирилмоқда<sup>4</sup>. Бунинг эвазига фақат ўтган 5 йил ичида сут, гўшт ва мева-сабзавотни қайта ишлаш даражаси 1,5-2 мартага ошди<sup>5</sup> ва 20 мингдан зиёд янги иш

<sup>1</sup> Рақамлар Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг 2000-2014 йиллардаги «Ўзбекистон санаоти» статистик тўпламлари маълумотлари асосида ҳисобланган.

<sup>2</sup> Озиқ-овқат санаоти корхоналари уюшмаси томонидан ўтказилган «Озиқ-овқат хавфсизлиги – фаровонлик омили» мавзусида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани. <http://uza.uz/oz/society/oz-ov-at-khavfsizligi-farovonlik-omili-10-11-2015>

<sup>3</sup> Озиқ-овқат санаоти корхоналари уюшмаси томонидан «Истиқлол йиллари: озиқ-овқат санаотининг юксалиши одимлари» мавзусида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани. <http://m.oziq-ovqat.uz/uz/press/foodnews/2015/08/490/>

<sup>4</sup> Ўша манба.

<sup>5</sup> Ўша манба.

ўринлари ташкил этилди<sup>1</sup>. Маҳсулот миқдори ортиши билан бир қаторда экспорт кўрсаткичлари ҳам ортиб бормоқда. Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар фақат 5 та давлатга экспорт қилинган бўлса, ҳозирга келиб улар Россия, Бразилия, Германия, Латвия, Литва, Корея, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари каби 80 дан ортиқ давлатга экспорт қилинмоқда. Фақатгина охириги 10 йилда мева шарбатлари экспорти 2 баробарга, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ўртача 1,5 баробарга ортди. Биргина мева-сабзавот тармоқларида экспортдан тушган тушум 2014 йилда 1,5 млрд АҚШ долларини ташкил этган<sup>2</sup>.

Амалга оширилган тадқиқотлар ва кузатувлар таҳлили натижаси шуни кўрсатмоқдаки, экспортнинг тахминан 70 фоизи ҳўл мева сабзавотларга, 22-28 фоизи қуритилган меваларга, 1-2 фоизи қайта ишланган маҳсулотларга тўғри келмоқда. Бу ўз навбатида маҳсулотни жаҳон стандартларига мос равишда қайта ишлашни кенгайтириш, экспортбop маҳсулот турини кўпайтириш ва зифаларини қўяди.

Шунингдек, тармоқдаги йирик ва ўрта корхоналар қайта ишлаш лойиҳавий қувватларидан максимал даражада фойдаланаётгани йўқ. Тармоқдаги йирик корхоналарни тўлиқ қувватда фаолият кўрсата олмаётганига асосан бозор ва тизим тузилмасига оид омиллар сабаб бўлмоқда. Маълумки, озиқ-овқат саноати соҳасида хом ашё маҳсулотлар қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон ёки уй хўжаликлари томонидан етиштирилади. Қайта ишловчи уни сотиб олади ва қайта ишлаб ички бозорга сотиши ёки экспорт қилиши мумкин. Мана шу ишлаб чиқариш босқичларини мувофиқ-

лаштиришда бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, хом ашё етказиб берувчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида нархни белгилаш ва тўлов шаклида бир қатор муаммолар бор. Масалан, биринчиси нақд пулга сотишни режалаштирса, иккинчиси пул ўтказиш орқали харид қилишни режалаштирган. Ишлаб чиқарувчи ва экспортни қўллаб-қувватловчи корхоналар ўртасида ҳам худди шу тахлитдаги муаммолар мавжуд. Ваҳоланки, Савдо-саноат палатаси, «Ўзбек-озиқовқатхолдинг» холдинг компанияси ва ТИФ «Миллий Банк» қошида экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармалари тузилган. Мана шу шаклдаги институтлар ва тадбиркорлар ўртасида муносабатлар янада ривожлантирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жаҳон амалиётига кўра, уларни битта кластерга бирлаштириш мумкин. Яъни хом ашё етиштирувчи, қайта ишловчи, экспортёр ва логистика фирмаларининг битта кластерда мужассамлашуви иқтисодий самарадорликни янада оширади.

Озиқ-овқат саноати мажмуасининг минтақаларда ривожланиши таҳлили ҳудудлараро бир қатор номутаносибликни кўрсатмоқда. Буни сут маҳсулотлари ва мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлаш субтармоқлари мисолида кўриб чиқамиз.

Республикамизда 2014 йилда етиштирилган сутнинг катта қисми Самарқанд (12,6%), Қашқадарё (10,5%), Хоразм (9,6%), Фарғона (9,5%) ва Тошкент (8,7%) вилоятларига тўғри келади<sup>3</sup>. Сут етиштиришда улуши кам бўлган минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё вилояти бўлиб, уларнинг мамлакат ялпи етиштирилган маҳсулотдаги улуши 5,1 фоизни ташкил этади. Етиштирилган сут хом ашёсини қайта ишлашда Қашқадарё (ялпи хом ашёнинг 20,9%и), Тошкент вилояти (13,7%)

<sup>1</sup> Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан «Истиқлол йиллари: озиқ-овқат саноатининг юксалиши одимлари» мавзусида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани. <http://m.oziq-ovqat.uz/uz/press/foodnews/2015/08/490/>

<sup>2</sup> Ўша манба.

<sup>3</sup> Рақамлар муаллифлар томонидан Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами маълумотлари асосида ҳисобланган. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2015. – 87-96-б.

ва Наманган (11%) вилоятлари етакчилик қилади. Наманган вилоятидаги йирик «Нестле Ўзбекистон» корхонаси (лойиҳа қуввати йилига 46 минг тонна) Андижон вилоятининг туташ туманларидаги сут хом ашёларини ҳам йиғиб қайта ишлайди. Сирдарё (1,8%), Навоий (2,2%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (2,4%) сутни қайта ишлашда улуши кичик минтақаларга тўғри келмоқда<sup>1</sup>. Бу таҳлил шуни кўрсатадики, чорвани етиштириш ҳамда ривожлантириш озуқа базаси ва яйловга боғлиқ бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Сирдарё вилоятларида яйлов катта, бироқ бу имконият ушбу тармоқда етакчилик қилишда омил бўла олмаяпти. Сабаби сут тез айнийдиган маҳсулот бўлиб, йирик истеъмол бозорига яқин жойлашган ҳамда технологик ривожланган минтақада ривожлантириш зарурлиги кўринмоқда.

Жаҳон амалиётидан маълумки, сут маҳсулотларидан пишлоқ, қаймоғи олинмаган қуруқ ёғли сут, ёғсиз қуруқ сут, сарёғ, каби узоқроқ сақланадиган маҳсулотлар кенг ҳажмда сотилади. Дунёда энг йирик сут экспортчиларидан Янги Зеландия ўзида ишлаб чиқарилган сутнинг 95%ини экспорт қилади. У сут хом ашёсини қайта ишлаб юқорида қайд этилган тайёр маҳсулотларни олади ва асосан Хитойга экспорт қилади. Бу жараён агар сутни қайта ишлаш яхши йўлга қўйилса узоқ масофага транспортировка қилиш мумкинлигини кўрсатади. Шунингдек, Халқаро сут федерацияси (IDF) маълумотларига кўра, Янги Зеландияда сут хом ашёсининг 100%и қайта ишланса (17,1 млн тонна), АҚШда 99,4%и қайта ишланади (87 млн тонна), бу кўрсаткичлар Европа Иттифоқида 91% (135,8 млн тонна), Хитойда эса 73%ни, Бразилияда 68,8%ни, Россия-

<sup>1</sup> Рақамлар муаллифлар томонидан Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами маълумотлари асосида ҳисобланган. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2015. -87-96-б.

да 52%ни ташкил этади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 14-15%ни ташкил этади<sup>2</sup>.

Сўнгги йилларда ер юзида аҳолининг сони ўсиб бориши билан табиий ресурсларнинг тақчиллиги ва аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабни қондириш масаласи долзарблашиб бормоқда. Жаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига кўра, сўнгги 25 йил давомида қишлоқ хўжалигига ажратилган ер майдонлари бор-йўғи 2%га ошиб, 1,5 млрд гектарни ташкил этган, мева-сабзавотлар ва картошкага ажратилган ерлар майдони 45% ошган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги даврда, инсонларнинг озиқ-овқат билан таъминланишида мева-сабзавотларнинг ўрни ошиб бориш тенденциясига эга, бундай ҳолат Ўзбекистонга ҳам тегишлидир. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2025 йилга бориб Ўзбекистон даромадлари ўртачадан юқори бўлган мамлакатлар қаторига киради ва озиқ-овқатларга, айниқса мева-сабзавотларга бўлган талаб ортиб бориши тахмин қилинмоқда.


Жаҳон бозорида сотиладиган асосий мева-сабзавотларга олма, нок, банан, узум, апельсин, томат, картошка, пиёз ва бошқалар киради. Жаҳонда 2014 йилда мева-сабзавот бозори ҳажми 11,7%га ошиб, 1517,3 млрд долларни ташкил этди. Мутахассисларнинг фикрича, 2016 йилда бу кўрсаткич 2179 млрд долларга етади. Жаҳондаги мева-сабзавот айланмасининг 68,5%и сабзавотлар улушига тўғри келмоқда, савдонинг асосий қисми, яъни 68,1%и Осиё-Тинч океани минтақасига тўғри келмоқда, бунинг асосий сабаби ушбу минтақада деярли 5 млрд аҳоли яшайди<sup>3</sup>.

Жаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг маълумотларига (ФАО)

<sup>2</sup> Bulletin of the IDF No. 480/2015 – The contribution of school milk programmes to the nutrition of children worldwide. Date: 2015 – Pages: 216 <http://www.fil-idf.org/Public/Publication.php?ID=41397&ajax=true>

<sup>3</sup> «Fruit & Vegetables: Global Industry Guide». [http://www.researchandmarkets.com/reports/1961475/fruit\\_and\\_vegetables\\_global\\_industry\\_guide.pdf](http://www.researchandmarkets.com/reports/1961475/fruit_and_vegetables_global_industry_guide.pdf)

2-расм. 2002-2011 йилларда баъзи мамлакатлар кесимида мева етиштириш ва унинг ҳосилдорлиги<sup>1</sup>.



кўра, мева етиштириш бўйича Хитой шубҳасиз етакчилик қилмоқда, унинг улушига дунё бўйлаб етиштириладиган меваларнинг 46,6%и тўғри келмоқда, Ҳиндистон улушига 12%, АҚШ улушига 4%, Бразилия улушига 7% тўғри келмоқда. Энг юқори ҳосилдорлик Францияда (424 ц/га) ва Италияда (398 ц/га) таъминланган. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, ЕИда меваларнинг 90%и янги узилган ҳолда истеъмол қилинади<sup>2</sup> (2-расм).

Жаҳонда сабзавот ва полиз экинлари бозорида сабзавот етиштириш бўйича Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Бразилия каби мамлакатлар етакчилик қилмоқда. Жаҳонда сабзавот етиштиришнинг ўсиб боришига дунё аҳоли сонининг йилига ўртача 1,5%га ўсиши туртки бўлмоқда. Россиянинг «BusinesStat» таҳлилий агентлигининг прогнозларига кўра, сабзавотларнинг экспорти 2017 йилга қадар 1,4-1,5 бараварга ўсиши кутилмоқда.

Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, АҚШ, ЕИ, Канада каби илғор мамлакатлар янги

ресурс – тежамкор технологиялар, ишлаб чиқаришни тўлиқ автоматлаштириш ва механизациялаштириш орқали товарлилик даражаси юқори бўлган ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлар. Шу билан бирга айрим ривожланган мамлакатларнинг жаҳонда сабзавот етиштиришдаги улуши камайиши асосан уларни арзон ишчи кучи мавжуд минтақаларга инвестиция киритиши ҳисобидан юқори даромад олаётганлиги билан изоҳланади.

Республикамызда 2014 йилда 17,4 млн тонна мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштирилган. Бунинг таркибида картошка етиштириш 2,4 млн тоннани, сабзавот етиштириш 9,3 млн тоннани, полиз маҳсулотлари 1,7 млн тоннани, мевалар 2,5 млн тоннани ва узум 1,4 млн тоннани ташкил этган<sup>3</sup>.

Минтақалар кесимида таҳлиллар шунини кўрсатадики, мева-сабзавотни етиштиришнинг асосий ҳажми Тошкент (12,7%), Самарқанд (11,4%), Андижон (9,9%), Наманган (7,9%), Фарғона (6,8%) вилоятлари ҳиссасига ва мева-сабзавот етиштириш-

<sup>1</sup> The Foreign Agricultural Service <http://www.fas.usda.gov/Data & Analysis/2015/10/06/>

<sup>2</sup> Аналитический обзор рынка свежих плодов и овощей. – Алмата, «НУХ КАЗАГРО», 2014.

<sup>3</sup> Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2015. -87-96-б.

нинг кичик қисми Сирдарё (1,8%), Навоий (1,9%) ва Жиззах (2,6%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Мева-сабзавотни қайта ишлаш даражаси Самарқанд (32,7%), Наманган (25%), Қашқадарё (19,4%) ва Тошкент (19%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда, энг паст кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси (4,5%), Сурхондарё (8,5%) ва Сирдарё (8,8%)<sup>1</sup> вилоятлари улушига тўғри келмоқда.

Бу таҳлил шуни кўрсатадики, мева-сабзавот етиштириш асосан йирик агломерациялар ва аҳолиси кўп вилоятларда шакллланган, деярли худди шундай вазиятни қайта ишлаш соҳасида ҳам кўриш мумкин ва қайта ишлашнинг асосий қисми аҳоли зич жойлашган вилоятларга тўғри келмоқда. Бундан ташқари, мева-сабзавотни истеъмолчига етказиш ва сақлаш инфратузилмасининг яхши ривожланмаганлиги оқибатида катта нобудгарчиликларга йўл қўйилмоқда. Шу билан бирга қайта ишлаш саноати учун деярли барча ускуналар чет элдан келтирилиши, қимматлиги ушбу соҳанинг ривожланишига тўсиқ бўлмоқда.

Республика ҳукумати томонидан 2015-2020 йиллар учун аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш концепцияси қабул қилинган бўлиб, унга кўра аҳоли томонидан мева-сабзавотни истеъмол қилиш ҳажмини 2020 йилга қадар 15%га ошириш кўзда тутилган<sup>2</sup>. Мана шулардан келиб чиққан ҳолда ушбу соҳадаги мавжуд захира-лардан тўлиқ фойдаланиш, муаммоларни бартараф этиш масаласини ҳал қилиш учун бир нечта йўналишларни белгилаш зарур:

- жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мева-сабзавотларнинг 90%и янги узилган ҳолда истеъмол қилинади, чунки бундай

<sup>1</sup> Рақамлар муаллифлар томонидан Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами маълумотлари асосида ҳисобланган. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2015. -87-96-б.

<sup>2</sup> [www.review.uz](http://www.review.uz). Ўзбекистан принял концепцию здорового питания стоимостью. 3,7 млрд. сумов и \$403 тыс.

ҳолда у ўзидаги барча фойдали микроэлементларни сақлаб қолади ва инсон организмига катта фойда келтиради, шундан келиб чиққан ҳолда ушбу соҳани ривожлантиришда мева-сабзавотни сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштиришга урғу бериш зарур;

– сутни қайта ишлаш ва мева-сабзавотни етиштиришни асосан аҳоли кўп, зич жойлашган, йирик агломерациялар атрофида ривожлантириш ва жойлаштириш мақсадга мувофиқ;

– сут ва мева-сабзавотни қайта ишлаш соҳасини жадал ривожлантиришда ушбу соҳани ускуналар билан бевосита таъминлаш, қайта ишлаш ускуналарини ишлаб чиқариш тармоғини шакллантириш ва ривожлантириш катта аҳамиятга эга;

– озиқ-овқат саноатини энг асосий хом ашё билан таъминловчи қишлоқ хўжалиги тармоғида ер ва сув ресурсларининг танқислиги кузатишмоқда. Шунингдек, аҳоли сонининг ўсиб бориши қишлоқ хўжалиги тармоғини янги инновацион усуллар ва тежамкор технологиялар ёрдамида интенсив ривожлантиришни талаб қилади. Буларга сув тежамкор технологияларини жорий этишни жадаллаштириш, янги ҳосилдор навларни кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги диверсификациясини давом эттириш, ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг электрон бозорини янада ривожлантириш каби тадбирларни киритиш мумкин;

– озиқ-овқат саноати соҳасида хом ашё етиштирувчи, қайта ишловчи, экспорт ва логистика фирмаларининг битта кластерда мужассамлашуви иқтисодий самарадорликни янада оширади. Бу жараён қишлоқ хўжалигининг саноатлашувига олиб келади ва тармоқлар оралиғидаги бир қатор муаммоларнинг ижобий ечимига сабаб бўлади.



**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари: конференция материаллари. – Т.: «Ўзбекистон», 2014. -68-б.
2. «Ўзбекизовқатхолдинг» холдинг компанияси фаолиятининг 2015 йилдаги асосий кўрсаткичлари ва 2016 йилги вазифалари. <http://oziq-ovqat.uz/uz/info/report> (мурожаат қилиш санаси: 18.01.2016).
3. Ўзбекистон саноати статистик тўплами. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2015.
4. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги статистик тўплами. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2015.
5. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2015.
6. Bulletin of the IDF No. 480/2015 – The contribution of school milk programmes to the nutrition of children worldwide. Date: 2015 - Pages: 216 <http://www.fil-idf.org/Public/Publication.php?ID=41397&ajax=true>
7. «Fruit & Vegetables: Global Industry Guide». [http://www.researchandmarkets.com/reports/1961475/fruit\\_and\\_vegetables\\_global\\_industry\\_guide.pdf](http://www.researchandmarkets.com/reports/1961475/fruit_and_vegetables_global_industry_guide.pdf)
8. Аналитический обзор рынка свежих плодов и овощей. – Алмата, «НУХ КАЗ-АГРО», 2014. -С. 198.
9. The Foreign Agricultural Service <http://www.fas.usda.gov/Data & Analysis/2015/10/06/>

**Эшназаров Т.Ш.,**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси депутаты,  
иқтисод фанлари доктори

# ҲАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

## **ЭШНАЗАРОВ Т.Ш. ҲАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ**

Мақолада Ўзбекистон ғазначилик тизимининг фуқаролик-ҳуқуқий қоидалари масалалари, унинг субъекти ва объекти таҳлил қилинган. Шунингдек, назария, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ғазначиликнинг моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий мақоми, ғазначиликни намоён этиш бўйича ваколатлари ҳамда бевосита ғазнанинг жавобгарлиги масалалари ифода этилган.

Таянч иборалар: Бюджет кодекси, ғазначилик, кассавий режалаштириш, фуқаролик-ҳуқуқий қоидалар, субсидиар жавобгарлик, бюджет-ҳуқуқ муносабатлари.

## **ЭШНАЗАРОВ Т.Ш. КАЗНАЧЕЙСКАЯ СИСТЕМА И ЕЕ ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ**

В статье обсуждены вопросы гражданско-правовых правил системы казначейства Узбекистана и проанализированы его субъекты и объекты. Вместе с тем, приведены возможности применения теории и законодательства в части процессуально-правового статуса, а также вопросы полномочия и ответственности казначейства.

Ключевые слова: Бюджетный кодекс, казначейство, кассовое планирование, гражданско-правовые правила, субсидиарная ответственность, бюджетно-правовые отношения.

## **ESHNAZAROV T.SH. THE LEGAL ISSUES OF TREASURY SYSTEM**

The article provides an analysis of civil law rules of the Treasury system, its subjects and objects. It also considers the theory, legislative documents, particularly the practice of rights, substantive and procedural legal status of the Treasury, functions and powers of the Treasury, and the Treasury liability.

Keywords: Budget Code, treasury, cash planning, civil-law rules, subsidiary liability, fiscal and legal relations.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-594-сонли Қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражалардаги бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида уни бюджет жараёнининг иштирокчиларидан бирига айлантириб, унга давлат молиявий ресурсларининг оптимал тарзда бошқарилишига аниқ таъсир этишни таъминлаш вазифасини юклайди. Ушбу вазифа ғазначилик томонидан бажариладиган, ғазначиликнинг мамлакатда амалга оширилаётган бюджет-солиқ сиёсатидаги ролига мос келувчи кенг доирадаги функцияларни қамраб олади.

Молия вазирлиги бюджетни ижро этиш жараёнида макроиқтисодий омиллар, нархлар динамикаси ва Давлат бюджетига даромадларнинг келиб тушиш прогнозларини ҳисобга олган ҳолда бюджетга тузатишлар киритиб, бюджет жараёнининг тўлиқ таъминланишини назорат қилади. Ижроия ҳокимият органлари Бюджет кодексига мувофиқ маблағларни сарфлашнинг ҳар бир йўналиши бўйича харажатларнинг бюджет таснифи моддалари бўйича маблағ ажратишнинг тасдиқланган чегараларида ўзгартиришлар киритиши мумкин<sup>1</sup>.

Ғазначиликка ижрони ташкил этиш ва бюджетларни ижро этиш, бюджет ҳисобварақлари ва бюджет маблағларини бошқариш вазифаси юклатилади. Ўз моҳиятига кўра улар барча бюджет маблағлари олувчилар ва уларни тасарруф этувчиларнинг ғазначилари ҳисобланиб, бюджет маблағлари олувчиларнинг номидан ва уларнинг

топшириғига кўра бюджет маблағлари ҳисобидан тўловларни амалга оширади.

Агар ғазначилик фақатгина бюджет маблағларининг бюджетдан маблағ олувчиларга (бюджет ташкилоти ва бошқаларга) етказиш билан шуғулланса, ушбу роль пасив бўлиши мумкин. Агарда ғазначилик бюджет ижроси жараёни ва бюджетдан маблағ олувчиларга барча харажатларини қатъий назорат қилиш билан бирга, уларнинг бухгалтерлик ҳисобини тўлиқ юритса, шунингдек у давлат актив ва пасивларини бошқарса, мазкур роль фаол бўлиши мумкин. Ғазначиликка юклатилган бу вазифалар унинг бюджет-ҳуқуқ муносабатларига бориб тақалади. Бунда ижро этувчи ҳокимият институти сифатида ғазначилик қуйидагиларни ўзида намоён этиши мумкин:

– бевосита Вазирлар Маҳкамасига бўйсунадиган ташкилот бўлиши;

– Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинмайдиган, фақатгина жорий молия йили учун, бюджет жараёнини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига амал қилувчи мустақил юридик шахс, яъни молия вазирлигининг мустақил институти бўлиши мумкин.

Иккала нуқтаи назар ҳам асосан ғазначилик органларининг (турли даражада бўлса-да) кенг мустақиллигини назарда тутади, бу ҳол давлат молиявий тизими учун ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Ижобий оқибатлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– бошқарув қарорларини қабул қилишдаги мустақиллик, бу давлат бюджет даромадларини бирлаштириш, уларни бюджет тизимининг даражалари бўйича тақсимлаш, бюджет харажатлари ва дастурларини молиялаш борасида қабул қилинган стандартларга аниқ амал қилиш имконини беради;

– вилоят бюджет тизимларига таъсир этишнинг реал усуллари;

<sup>1</sup> Эшназаров Т. Ғазначилик тизими муносабатлари. – Т.: «Фан», 2008. – 303-б.

– тегишли даромад базаси билан таъминланмаган харажатларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилишига самарали қарама-қаршилик қилиш қобиляти;

– бюджетни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва уни молиявий ижро этиш жараёнларида бюджетга таъсир кўрсатишнинг амалий воситалари.

Салбий томонлари – бюджет маблағларидан назоратсиз фойдаланиш имконияти.

Агар манфаатлар зиддияти тамойилидан келиб чиққан ҳолда фикр юритилса, у ҳолда бюджетни тузувчи орган бир вақтнинг ўзида уни ижро этувчи орган бўлиши мумкин эмас. Ушбу мантиққа амал қилган ҳолда ғазначиликни алоҳида мустақил идорага ажратиш тўғрироқ бўлади.

Лекин дунёда молиявий инқироз давом этиб турган бугунги шароитда, ғазначилик ҳозирча Молия вазирлигининг таркибидаги (мустақил) институт бўлиши лозим. Ҳозирги вақтда бюджет сиёсатини турли идоралар (маҳаллий ҳокимият ва вазирликлар) ўртасида қисмларга ажратишнинг иложи йўқ ёки бу мақсадга мувофиқ эмас. Келгусида бюджет жараёнининг барча тартиботлари халқаро стандартлар асосида тўлиқ йўлга қўйилиб, улар барча юридик шахслар томонидан оғишмай бажарилса, молиялашнинг оптимал графиклари белгиланса, барча ахборот, техник, ташкилий ва бошқа муаммолар ҳал этилса, бюджетни ижро этиш тизими реал режимда ишлай бошласа, ана шунда ғазначиликни Молия вазирлигидан ажратиш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ҳамда муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан давлат молиявий ва моддий ресурсларининг ҳолати, уларни самарали бошқариш имконияти тўғрисидаги ахборот олишнинг ишончлилиги ва тезкорлигига боғлиқ<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Акперов И.Г., Коноплева И.А. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. – М.: «Кнорус», 2014. –С. 18.

Шунинг учун ҳар қандай мамлакатнинг давлат молиявий ресурсларини бошқариш тизимида бюджетни тартибга солишнинг у ёки бу модели амалга оширилишини таъминловчи ташкилий тузилмага алоҳида роль берилади. Унинг асосий вазифалари жумласига, электрон дастурлаш тизимларидан оқилона фойдаланган ҳолда биринчи галда бюджет жараёнини режалаштириш ва прогнозлаштириш, бюджетлараро муносабатларнинг оқилона таркибини шакллантириш, бюджет маблағлари билан операцияларни амалга ошириш, давлат ижтимоий дастурларини молиялаш, барча турдаги давлат молиясини бирлаштириш ва ҳисобини юритиш ва ҳоказолар киради. Чет элда бундай ташкилий тузилма сифатида анъанавий тарзда ўзининг кўп йиллик ривожланиш даври мобайнида бюджет соҳасида давлатнинг молиявий сиёсатини юритишнинг амалий ва асосий мустақил институтига айланган ғазначилик майдонга чиқади.

Ўзбекистонда ғазначилик органлари молия вазирлиги таркибида нисбатан янги институт ҳисобланади. Уларнинг вазифалари жумласига, асосан Давлат бюджетининг касса ижроси ва унинг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш киради. Бир вақтнинг ўзида ғазначилик органларининг тизими ҳисоб (харажатлар, даромадлар ва бошқ.) юритиш, харажатларни тўлаб бериш, келиб тушувчи даромадларни бюджет тизимининг даражалари бўйича кунлик тақсимлаш ишларини амалга оширади.

Ғазначилик уч бўғинли тузилма тамойили бўйича ташкил этилган бўлиб, бюджет федерализми тамойилларини амалиётга жорий этишда муҳим функцияларни бажаради. Мазкур тизим орқали бюджетлар даромадларини вертикал ва горизонтал тенглаштириш механизми амалга оширилади. Шунингдек, бюджетлараро муносабатларда бюджет тизими барча унсурларининг

амалдаги ҳуқуқий тенглиги тамойилининг амал қилинишини таъминлайди.

Шу билан бир қаторда Ҳазначилик органлари ўз фаолияти жараёнида малакали юридик баҳо ва қўллаб-қувватлашни талаб қилувчи кўплаб масалаларга дуч келишади. Алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг зиддиятлилиги, алоҳида тушунчалар ва атамаларнинг норматив таърифи ҳамда айрим ваколатлар ва функцияларни амалга оширишнинг кераклича тарзда ишлаб чиқилган механизмнинг мавжуд эмаслиги катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ҳазначилик фаолиятини тартибга солувчи тартиботларнинг Бюджет кодексида акс эттирилмаганлиги эса буни янада чигаллаштиради.

Шу муносабат билан Ҳазначилик органларининг бошқа ижроия ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлигида ҳам мураккабликлар юзага келади.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, Ҳазначилик органларини ташкил этиш ва улар фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий ва норматив тартибга солиниши ушбу тузилманинг ривожланиш суръатларидан ортда қолмоқда. Ҳазначиликни янада ривожлантириш муаммолари, хусусан ташкилий ва методологик масалалар фақат қонун ҳужжатлари ва Бюджет кодексига тегишли ўзгартиришлар киритиш асосида ҳал этилиши мумкин.

Ҳазначиликнинг фуқаролик-ҳуқуқий қоидалари масалаларига мамлакат фанида анъанавий тарзда етарлича эътибор қаратилмаяпти.

«Ҳазначилик» тушунчасининг мазмуни фуқаролик ҳуқуқларининг субъекти ва объекти тушунчалари орқали очиб берилади. Айрим муаллифларнинг фикрича, Ҳазначиликка фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида қараш лозим. Улар Ҳазначиликни давлат мулкнинг бевосита тақсимловчиси сифатида фаолият юритувчи давлатга ўхшатишади. Бироқ юридик адабиётлардаги мавжуд қарашларнинг таҳлили Ҳазначиликни фуқаролик ҳуқуқларининг бевосита давлат тасарруфида бўлган мулк маъносидаги объектлари жумласига киритиш имконини беради<sup>1</sup>.

Бугунги кунда Ҳазначилик моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий мақомининг муҳим жиҳатларига нисбатан ўз қарашларида изчил эмас. Чунки, назария, қонун ҳужжатлари ва айниқса ҳуқуқни қўллаш амалиёти бир-бирига зид. Шунингдек, давлат органларига (Молия вазирлиги) Ҳазначиликни намоён этиш бўйича берилган ваколатлар бевосита Ҳазначиликнинг жавобгарлигини ифодалайди<sup>2</sup>. Айни пайтда Ҳазначиликка қонуний жиҳатдан ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил субъекти мақоми берилмаган. Ҳазначиликни тўлдириш асосини ҳуқуқнинг у ёки бу тармоққа тегишлилигига қараб таснифлаш мумкин: фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий, молиявий-ҳуқуқий, жиноий-ҳуқуқий. Ҳуқуқдаги диспозитивлик ва императивлик тамойилига қараб фуқаролик-ҳуқуқий асослар шартномавий (совға қилиш, ижара, давлат қарзи, мулкни сотиш) ва қонуний турларга бўлинади.

Ҳазначиликка тушумларнинг шартномавий фуқаролик-ҳуқуқий асослари ичида биринчи навбатда ғоят кенг тарқалган давлат қарзларини ажратиш мумкин. Ҳозирги вақтда давлат қарзлари, одатда, давлат қимматли қоғозларини чиқариш йўли билан амалга оширилади. Давлат қарзларини чиқариш натижасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни тадқиқ этишда бизнингча уларни фуқаролик ҳуқуқининг умумий нормалари, шу жумладан қарз муносабатларини тартибга солувчи нормалар таъсири остига тушадиган фуқаролик-ҳуқуқий асослар сифатида кўриб чиқиш керак.

<sup>1</sup> Клюкова И.Н. Совершенствование казначейской системы в современных условиях. – Чебоксары, 2005. – С. 112.

<sup>2</sup> Игнатова Т.В., Кюрджиев С.П., Солонина С. Казначейская деятельность в системе государственного регулирования. – Ростов-на-Дону: «Пресс», 2003. – С. 66.

Бунда шу назарда тутиладики, ғазначиликни фуқаролик-ҳуқуқий нормалар билан таъминлаш асосларида фарқлар мавжуд бўлгани ҳолда бюджет тўғрисидаги ҳужжатни тузиш учун «режавийлик», яъни ҳуқуқий асослар бўйича мажбуриятларнинг ижро этилишини таъминлашга мўлжалланган бюджет даромадларининг ҳажмини олдиндан ҳисоблаб чиқиш имконияти ҳал қилувчи роль ўйнайди. Давлат бюджет даромадларининг ҳажми ҳақидаги ахборотга эга бўлган тақдирдагина у ушбу даромадларни тақсимлаш, бюджетнинг харажатлар қисмини шакллантиришга қодир ва бунга ҳақли. Бюджетни шакллантиришнинг муҳим тамойили – унинг мутаносиблиги, яъни амалга оширилаётган харажатларнинг олинган даромадларга мос келиши ана шундан иборат.

Ғазначиликнинг субсидиар жавобгарлиги<sup>1</sup> тўғрисидаги масала ҳам муҳим ҳисобланади. Ҳозирда амалда бўлган фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ғазначилик юридик шахс сифатида ўз номидан ҳаракат қилолмайди, чунки ҳуқуқий мақомга эга эмас ва жавобгар бўлмайди.

Фуқаролик ҳуқуқининг муассасалар каби субъектларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг мажбуриятлари бўйича ғазнанинг жавобгарлиги юзасидан адабиётларда берилган фикрларни инобатга олган ҳолда, бизнинг назаримизда, ўз мажбуриятлари бўйича муассасаларнинг жавобгарлиги фақатгина муассаса уларга эришиш учун фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олган мақсадларга мўлжалланган тегишли сметаларда кўзда тутилган пул маблағлари доирасида юзага келиши керак. Кредиторлар талабларини қондириш учун пул маблағлари етишмаган тақдирда тегишли ташкилот ғазначилик ҳисобидан субсидиар жавобгар бўлади.

Бироқ фуқаролик-ҳуқуқий мақсадлар учун ажратилиши мумкин бўлган бюджет маблағларининг миқдори жорий йилга

мўлжалланган даромадлар ва харажатларнинг тегишли рўйхати билан чекланганлиги боис ғазначиликнинг муассасалар мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлигини махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш лозим. Бу эса ўз навбатида ғазначиликка ҳуқуқий мақом беришни талаб қилади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда ғазначиликнинг ҳуқуқий мақоми туб тушунча сифатида умуман давлат органининг ҳуқуқий мақоми замирида юзага келади. Ғазначилик органлари маъмурий-ҳуқуқий мақомининг қуйидаги умумий белгилари ажратилади, яъни: фаолиятнинг қонуности хусусияти; уларга норматив хусусиятга эга бўлган қонуности юридик ҳужжатларни чиқариш ҳуқуқини бериш; қуйи органларнинг юқори органларга ҳисобдорлиги ва уларнинг назорати остида бўлиши, юқори органларга қуйи органларга нисбатан тақсимлаш ҳуқуқлари берилишининг шартлиги<sup>2</sup>.

Ғазначилик органларининг фуқаролик ҳуқуқий субъектлигини амалга ошириш механизмини аниқлаш учун мулкӣ ва ташкилий муносабатларни чеклаш муаммосини кўриб чиқиш зарур.

Ташкилий муносабатлар давлат бошқарувининг юқори ва қуйи органлари ўртасида, шунингдек улар билан давлат ташкилотлари ўртасида юзага келади. Ушбу муносабатлар табиати шундан иборатки, халқ хўжалигига раҳбарлик қилувчи давлат органи давлат мулкӣни ўз номидан эмас, балки давлат номидан тасарруф этади. Мазкур ҳолат ғазначилик органлари томонидан ўз функцияларининг бажарилиши чоғида молия вазирлигига тегишли бўлиб қолади.

Бюджет кодекси ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ғазначиликнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи фуқаролик ҳуқуқи назарияси нуқтаи назаридан ғазначиликни юридик шахс деб ҳисоблаш имко-

<sup>1</sup> <http://www.anti-crisis.by>.

<sup>2</sup> Смирнов А. «Возрождение и развитие казначейской системы исполнения бюджета». / «Федерализм», Россия, 1998, №2.

нини берувчи барча зарур белгилар ўз аксини топмаган. Шунинг билан бир қаторда вилоятларда ғазначилик органларига ҳуқуқий мақом берилган.

Бизнингча, ғазначилик органлари давлат бошқаруви механизмнинг унсури сифатида фуқаролик ҳуқуқининг махсус субъектлари ҳисобланиши керак. Унинг ўзига хослиги шунда намоён бўладиги, ошқора ҳуқуқ субъектлари сифатида ғазначилик органлари фаолиятининг моддий-техника, молиявий ва бошқа таъминоти фақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин. Айти пайтда фуқаролик ҳуқуқи оддий субъектларининг фаолиятини таъминлаш учун қонунда тақиқланмаган ҳар қандай манбалардан фойдаланиш мумкин. Масалан, ғазначилик органлари учун ишбилармонлик муносабатларини қўллаб бўлмайди, чунки унинг фаолияти тадбиркорлик хусусиятига эга эмас.

Ҳуқуқни белгилаб берувчи ҳужжатларда ғазначилик органлари юридик шахслар сифатида кўрсатилмаса ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлмаса, демак, улар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўла олмайди<sup>1</sup>.

Ғазначиликнинг пул маблағларини бошқаришида, яъни унинг кредиторлик ва дебиторлик қарзлари (давлат бюджетининг қарзлари), ғазна ижросининг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларини кўриб чиқишда, мамлакат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида айнан бундай муносабатлар субъекти сифатида иштирок этадиган вазият юзага келади. Бунинг оқибатида пул маблағларини давлат ғазнаси ҳисобидан ундириш юзасидан баҳслашувлар пайдо бўлади.

Ана шундай вазиятлардан бири – бюджет таъминловчи ташкилот давлатнинг субсидиар жавобгарлиги доирасида бюджетдан маблағларни ундиришга уринишлари билан боғлиқ муаммолардир. Гап давлат

муассасалари турли сабабларга кўра турли хилдаги коммунал ва бошқа тўловлар бўйича қарздорлар бўлиб қолган вазият ҳақида бораяпти.

Иккинчи вазият – давлат органларининг ҳаракатлари туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги бюджетга даъволар қилинадиган вазият. Ҳокимият органларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарарни бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш тартиби фуқаролик ва бюджет ҳуқуқи нормалари билан белгиланади.

Бюджет кодексида бюджет жараёнини ташкил этиш масалаларига катта эътибор қаратилган. Бюджет жараёни ҳокимият органларининг бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш, ижро этиш ва назорат қилиш юзасидан кодекс билан белгиланган фаолиятини ўзида намоён этади.

Бюджет жараёнида ғазначиликнинг роли янада кенг ва хилма-хилдир. Ғазначилик органлари қоида тариқасида давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмини ижро этишда фаол қатнашади. Бунда улар даромадлар ва харажатларни бюджет таснифининг кодлари бўйича ҳисобга олади, келиб тушган даромадлар ва қилинган харажатлар тўғрисида ҳар кунлик ахборотни олади ва бу вилоят ва туман кесимларида пул оқимларини ўз вақтида тартибга солиш имконини беради. Бюджетлараро тартибга солишда ғазначиликнинг роли давлат бюджетидан тортиб то маҳаллий бюджетларгача тегишли даражадаги бюджетларга солиқ имтиёзлари ва амалга оширилган ўзаро ҳисоб-китобларни ҳисобга олган ҳолда уларга ҳисоблаб ёзиладиган тартибга солувчи солиқларни ўтказишдан иборат.

Бундан ташқари, ғазначилик бюджетларни ижро этиш жараёнида республика ва вилоятларнинг бюджет манфаатларини маълум тарзда уйғунлаштиради. Бунга ғазначилик органлари орқали трансферт тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни ташкил қилиш йўли билан эришилади.

<sup>1</sup> Финансовое право: Практикум. / Аранчеев А.А., Барашян М.М., Белова И.В. и др.; под ред. И.В.Рукавишниковой. – Ростов-на-Дону: «Феникс», 2000. –С. 190.

Бюджетни ижро этиш жараёнида даромадлар ҳажмини аниқлаш ва харажатларни амалга ошириш учун тушумларни қисқа муддатли прогноз қилишга бўлган эҳтиёж ҳам ғазначилик органлари томонидан амалга оширилади. Бу ўз навбатида Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларини кассавий режалаштириш орқали амалга оширилади. Унинг таркибий қисмлари Давлат бюджетига маблағлар оқимидан (жалб қилинган маблағлар ҳам) ва Давлат бюджетидан маблағлар чиқимидан ташкил топади.

Бюджетни шакллантириш мамлакат, тармоқлар ва вилоятларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозлари ва дастурларига мувофиқ амалга оширилади. Ғазначилик органлари бунда бюджет лойиҳасини тузиш жараёнида иштирок этмаган ҳолда ўз фаолиятида ушбу дастурлар кўрсаткичларини ҳисобга олади ва улардан фойдаланади. Лекин мамлакат Бюджет ко-

дексида ғазначилик бюджетни ижро этувчи орган сифатида акс эттирилмаган. Бизнингча, ғазначиликнинг вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари бюджет кодексида берилиши лозим.

Ғазначилик функциялари бундан кейин ҳам кенгая боради ва давлат молиясини бошқаришнинг тўлиқ интеграциялашган тизимига айланади. Ҳозирги вазифаларни бажариш билан бир қаторда ғазначилик органлари харажатларни кассавий режалаштириш, лойиҳалар ва дастурлар самардорлигини прогноз қилиш, мамлакат молиявий ресурсларининг тўлиқ ҳисобини юритиш, молиявий аудит ва маблағларни йўналтириш самардорлигини баҳолашни амалга оширади, шунингдек, давлат органларига дастурларнинг бажарилиши натижалари тўғрисида маълумотларни тақдим этади.

---

---

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-594-сонли Қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 9-10-сон, 82-модда.
2. Эшназаров Т. Ғазначилик тизими муносабатлари. – Т.: «Фан», 2008. – 303-б.
3. Акперов И.Г., Коноплева И.А. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. – М.: «Кнорус», 2014. – С. 18.
4. Ключкова И. Совершенствование казначейской системы в современных условиях. – Чебоксары: 2005.
5. Казначейская деятельность в системе государственного регулирования экономики. // Игнатова Т.В., Кюрджиев С.П., Солонина С. – Ростов-на-Дону: «Пресс», 2003.
6. Смирнов А. Возрождение и развитие казначейской системы исполнения бюджета. // «Федерализм», Россия, 1998, №2.
7. Финансовое право: Практикум. / Аранчеев А.А., Барашян М.М., Белова И.В. и др.; под ред. И.В.Рукавишниковой. – Ростов-на-Дону: «Феникс», 2000. – С. 190.



**Ташназаров С.Н.,**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси  
доценти, иқтисод фанлари номзоди

# МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ВА УЛАРГА ЎТИШ ЗАРУРИЯТИ

## ***ТАШНАЗАРОВ С.Н. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ВА УЛАРГА ЎТИШ ЗАРУРИЯТИ***

Мақолада Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг (МҲХС) моҳияти, уларнинг таркиби ва таснифи келтирилган. Шунингдек, МҲХСга ўтиш зарурияти ва бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар тавсифи баён қилинган.

Таянч иборалар: халқаро молиявий ҳисобот, молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, умумий фойдаланишдаги молиявий ҳисобот.

## ***ТАШНАЗАРОВ С.Н. НЕОБХОДИМОСТЬ ПЕРЕХОДА НА МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ФИНАСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ***

В статье приводится сущность, состав и классификация международных стандартов финансовой отчетности (МСФО), разработанные Комитетом по международным стандартам финансовой отчетности. В ней также раскрывается вопросы необходимости перехода к МСФО и осуществляемые работы в стране в этой сфере.

Ключевые слова: международная финансовая отчетность, финансовый бухгалтерский учет и отчетность, национальные стандарты бухгалтерского учета, финансовая отчетность общего пользования.

## ***TASHNAZAROV S.N. THE NECESSARY OF TRANSITION TO INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS***

In the article has been represented definition, structure and classification of international financial reporting standards (IFRS) produced by Committee of International Financial Reporting Standards. As well there are presented results of researches of problems to transition to IFRS and works carrying out in the country in this sphere.

Keywords: international financial reporting, financial accounting and reporting, national accounting standards, financial reporting common use.

***Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида турли мамлакатларда сифатли, таққосланадиган ва ишончли ҳамда уйғун ахборотларни шакллантиришда ягона ёндашувни қабул қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Бундай имкониятга фақат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС) тан олиш ва унга мувофиқ ҳолда ҳисоботлар тузиш орқали эришиш мумкин. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуннинг янги таҳририда ҳам бухгалтерия ҳисоби субъектлари белгиланган тартибда МҲХСларни қўллаш мумкинлиги эътироф этилди<sup>1</sup>.

МҲХСларни қўллаш зарурияти қуйидаги омиллар билан белгиланади:

– турли мамлакатларда инвесторлар ва акционерлар потенциал компанияларнинг бир хил тамойиллар, яъни таққосланувчанлик асосида тайёрланган молиявий ҳисоботни яхшироқ таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар;

– турли мамлакатларда турли фонд биржаларига уларнинг ҳар бирига ўша мамлакатнинг стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисоботдан кўра ҳаммаси учун ягона тан олинадиган битта молиявий ҳисоботни тузиш мақсадга мувофиқдир. Натижада ҳисоботни тузиш харажатлари қисқаради ва капитални жалб қилиш имкониятлари кенгайди.

**Халқаро молиявий ҳисобот** деганда, МҲХС ёки АҚШнинг GAAP стандартларига мувофиқ ҳолда тузилган молиявий ҳисоботга айтилади. Ушбу икки турдаги стандарт дунёдаги барча фонд биржалари учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш қоидаларини тартибга солади ва шу биржалар томонидан тан олинади.

МҲХСлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар инвестицион муҳитни яхшилайдди. Мамлакатга йирик компаниялар томонидан инвестицияларнинг кириб келишига имконият яратади.

МҲХСлар Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади.

**Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари қўмитаси (IASC)** – бутун дунёдаги бухгалтерия ҳисоби соҳаси фаолиятидаги вакиллардан иборат аъзоларни бирлаштирган, ҳукуматга оид бўлмаган халқаро бухгалтерия ҳисоби ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва доимий такомиллаштириб бориш ҳисобланади.

IASC бош қароргоҳи Лондон шаҳрида жойлашган. Бу халқаро ташкилотнинг Кенгашига глобал ташкилот ва компанияларда, дунё банкларида катта мансабларда ишлаган юқори обрў-эътибор ва малакага эга бўлган мутахассислар жалб қилинган.

1975 йилда қўмита томонидан биринчи бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти – «Ҳисоб сиёсатининг очиқланиши» нашр этилди.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари курси» алоҳида фан сифатида ўрганилмоқда. Фикримизча, ушбу курс «Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи» фанининг маълум бир қисмини ўрганадиган бўлим бўлиб ҳисобланиши керак.

Маълумки, молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи молиявий ҳисоботнинг стандартлари асосида юритиладиган тизим сифатида тавсифланган. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг меъёрий-ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари «Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи» фанининг бўлими сифатида унинг предмети бўлиб, халқаро стандарт-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, 10-модда. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда.

ларни ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қиладиган объектлар ҳисобланади. Ушбу объектларга молиявий ҳисоботнинг элементлари ҳисобланган пул маблағлари, баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар, шартли активлар, валюта курси ўзгариши, захиралар, қурилиш шартномалари, асосий воситалар, активларнинг қадрсизланиши, номоддий активлар, сегментлар, давлат субсидиялари ва давлат ёрдамлари, тушумлар, қарзлар бўйича харажатлар, фойда солиғи, молиявий инструментлар, боғлиқ томонлар, корхоналарнинг бирлашиши, ҳисоб сиёсати ва унда йўл қўйилган хатолар, оралиқ молиявий ҳисобот, молиявий ҳисобот консолидацияси, инфляция шароитида молиявий ҳисобот ва бошқа объектларни киритиш мумкин.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ўрганадиган муҳим объектлардан бири молиявий ҳисоботни тақдим этиш, ҳисоб сиёсати, концептуал асослари масалалари бўлиб ҳисобланади. Буларга пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, оралиқ молиявий ҳисобот, консолидациялашган молиявий ҳисобот, гиперинфляция шароитидаги молиявий ҳисобот, корхоналар бирлашганда ва қўшилгандаги молиявий ҳисобот, сегментар молиявий ҳисобот, қўшма фаолиятда молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик масалаларини кiritишимиз мумкин. Буларнинг ҳар бири алоҳида халқаро стандартларда ўрганиладиган объектлар ҳисобланади.

1-сон Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартининг (БҲҲС) «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш» бўлимида «умумий фойдаланишдаги молиявий ҳисобот» тушунчаси кiritилган бўлиб, унга қуйидагича таъриф берилган: **«Умумий фойдаланишдаги молиявий ҳисобот** – бу шундай фойдаланувчиларнинг эҳтиёжини қондиришга қаратилганки, қайсики улар ўзларининг аниқ ахборот эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берадиган ҳисоботларни тақдим қилишни талаб этиш имкониятига эга бўлмайди».

Бундай молиявий ҳисобот бир йилда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда тайёрланади ҳамда тақдим қилинади ва кенг доирадаги ахборот фойдаланувчиларнинг умумий бўлган ахборот эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Кўп фойдаланувчилар молиявий ҳисоботни молиявий ахборотларнинг бош манбаи сифатида қарайдилар. Шу боис, молиявий ҳисобот уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланиши ва тақдим қилиниши шарт.

Ушбу ҳужжатда умумий фойдаланишдаги молиявий ҳисоботнинг мақсади қуйидагича изоҳланади: «Молиявий ҳисобот ташкилотнинг молиявий ҳолати ва фаолиятининг молиявий натижаларини структуралаштирилган ҳолда тақдим қилишдир. Умумий фойдаланишдаги молиявий ҳисоботнинг мақсади ташкилотнинг молиявий ҳолати, унинг фаолияти, молиявий натижалари ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисида шундай ахборотларни тақдим қилиш ҳисобланадики, улар ушбу маълумотлар кенг ахборот фойдаланувчиларга иқтисодий қарорлар қабул қилишда фойдали бўлади. Молиявий ҳисобот, шунингдек, ташкилот раҳбариятига ишонч билдирилган ресурсларни бошқариш натижаларини ҳам кўрсатади. Ушбу мақсадга эришиш учун молиявий ҳисобот ташкилотнинг қуйидаги кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотларни таъминлайди:

- a) активлар;
- b) мажбуриятлар;
- c) хусусий капитал;
- d) даромад ва харажатлар, фойда ва зарарларни ҳам ўз ичига олади;
- e) хусусий капиталдаги бошқа ўзгаришлар;
- f) пул маблағлари ҳаракати».

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишнинг концептуал асослари ҳужжатида молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар қаторига потенциал сармоядорлар, кредиторлар, таъминотчилар, харидорлар, ходимлар ва ҳукумат муассасалари, вазир-

ликлар, ташкилотлар, жамоатчилик ва бошқа фойдаланувчилар киритилади<sup>1</sup>.

1-сон МҲХС «Молиявий ҳисоботнинг тақдим этилиши» (51-53-§)да молиявий ҳисоботнинг реквизитлари келтирилган. Молиявий ҳисобот қуйидаги кўрсаткичларни албатта қамраб олиши керак:

а) ҳисобот бераётган корхонанинг номи ёки уни белгилашнинг ҳар қандай усули;

б) молиявий ҳисобот алоҳида корхонага ёки корхоналар гуруҳига тааллуқлиги;

с) ҳисобот даврининг тугалланиш санаси ёки молиявий ҳисобот қамраб олинган давр ёки изоҳларда келтирилади;

д) 21-сон МҲХСда аниқлангандек ҳисоботда тақдим этиладиган валюта;

е) валютанинг яхлитланиши.

Молиявий ҳисобот ҳар йили бир мартдан кам бўлмаган тартибда тақдим қилиниши шарт (36-37-§). Агарда ҳисобот берувчи ташкилотнинг ҳисобот санаси ўзгарса ва йиллик молиявий ҳисобот бир йилдан ошувчи ёки ундан камроқ давр учун тақдим этилса, ташкилот қуйидаги ахборотларни очиқлаши талаб этилади:

а) ошиб кетган ёки қисқартирилган даврдан фойдаланишнинг сабаблари;

б) фойда ва зарарлар тўғрисидаги, хусусий капитал ўзгариши тўғрисидаги, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар ва тегишли изоҳларда таққосланадиган суммалар тўлиқ бўлмаган ҳолда таққосланувчи эканлиги факти.

1-сон МҲХСда **«Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари – бу Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қўмитаси томонидан қабул қилинган стандартлар ва интерпретациялар-дир»** деб таъриф берилган. Уларга қуйидагилар кирилади:

а) молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS);

б) бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари (IAS);

с) интерпретациялар (SIC).

БҲХСлар (IAS – International Accounting Standarts) Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари бўйича Қўмита (БҲХСҚ) (IASC) томонидан ишлаб чиқилади. БҲХСҚ томонидан тайёрлаган ва рус тилига таржима қилинган Молиявий ҳисобот халқаро стандартларига тушунтиришларда, рус тилига таржима қилинган БҲХСларда 2016 йил февраль ҳолати бўйича 29 та БҲХС, 12 та Молиявий ҳисобот халқаро стандарти (МҲХС), 8 та стандартларга изоҳ (SIC) нашр қилинганлиги кўрсатилган (1-жадвал)<sup>2</sup>

Молиявий ҳисобот халқаро стандартларини фундаментал асослари, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш ҳамда аниқ объектларни ҳисобга олишга мўлжалланганлигига қараб қуйидаги олтита гуруҳга ажратиш мумкин:

I. Молиявий бухгалтерия ҳисобининг фундаментал асосларини ифодаловчи стандарт – ушбу гуруҳга 1 та стандарт киритилган.

II. Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш ва ундаги ахборотлар тавсифини ифодаловчи стандартлар – ушбу гуруҳ ўз ичига 10 та стандартни олади.

III. Активлар, мажбуриятлар ва инвестицияларга доир стандартлар – ушбу гуруҳга 9 та стандарт киритилган.

IV. Даромад ва харажатларга доир стандартлар – бу гуруҳга 5 та стандарт киритилган.

V. Молиявий инструментларга доир стандартлар – ушбу гуруҳга 2 та стандарт киритилган.

VI. Бизнес бирлашишлари ва қўшма корхоналар молиявий ҳисоботига доир стандартлар – ушбу гуруҳ ўз ичига 2 та стандартни олади.

МҲХС бухгалтерия ҳисобининг жаҳон ютуқлари асосида турли мамлакатларда жойлашган ахборот фойдаланувчилар учун

<sup>1</sup> Международные стандарты финансовой отчетности: Издание на русском языке – М.: «АСКЕРИ-АССА», 2016. –С. 2, 3.

<sup>2</sup> Ташназаров С.Н. Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи: халқаро ва миллий жиҳатлари. Монография. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2009. -55-56-б.

**1-жадвал. 2016 йил февраль ҳолати бўйича Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари таркиби<sup>1</sup>****А. Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари (БҲҲС)**

<b>I. Молиявий бухгалтерия ҳисоби фундаментал асослари</b>
Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилишнинг концепти
<b>II. Молиявий ҳисобот ва ахборотларни тақдим қилиш</b>
<b>БҲҲС-1</b> Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш
<b>БҲҲС-7</b> Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот
<b>БҲҲС-8</b> Ҳисоб сиёсати, ҳисобли баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар
<b>БҲҲС-10</b> Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар
<b>БҲҲС-26</b> Пенсия дастурлари бўйича ҳисоб ва ҳисобот
<b>БҲҲС-29</b> Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот
<b>БҲҲС-34</b> Оралиқ молиявий ҳисобот
<b>БҲҲС- 21</b> Валюта курслари ўзгаришининг таъсири
<b>БҲҲС- 24</b> Боғлиқ томонлар тўғрисида ахборотлар тавсифи
<b>БҲҲС-33</b> Акцияга фойда
<b>III. Активлар, мажбуриятлар ва инвестициялар стандартлари</b>
<b>БҲҲС-2</b> Захиралар
<b>БҲҲС-16</b> Мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар
<b>БҲҲС-40</b> Инвестицион кўчмас мулк
<b>БҲҲС-38</b> Номоддий активлар
<b>БҲҲС-36</b> Активларнинг қадрсизланиши
<b>БҲҲС-12</b> Фойда солиғи ҳисоби
<b>БҲҲС-37</b> Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар
<b>БҲҲС- 17</b> Ижара
<b>БҲҲС-19</b> Ходимларни рағбарлантириш
<b>IV. Даромад ва харажатлар</b>
<b>БҲҲС-18</b> Тушумлар
<b>БҲҲС-11</b> Қурилишдаги битимлар
<b>БҲҲС-20</b> Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги ахборотлар тавсифи (очиқлаш)
<b>БҲҲС-23</b> Қарзлар бўйича харажатлар
<b>БҲҲС-41</b> Қишлоқ хўжалиги
<b>V. Молиявий инструментлар</b>
<b>БҲҲС-32</b> Молиявий инструментлар: тақдим қилиш
<b>БҲҲС-39</b> Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш
<b>VI. Бизнес бирлашишлари ва қўшма корхоналар молиявий ҳисоботи</b>
<b>БҲҲС-27</b> Алоҳида молиявий ҳисобот
<b>БҲҲС-28</b> Ассоциациялашган компанияларда инвестициялар ва қўшма корхоналар

**Б. Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари (IFRS) таркиби**

<b>МҲҲС-1</b> Молиявий ҳисобот халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш
<b>МҲҲС-2</b> Акциялар асосида тўловлар
<b>МҲҲС-3</b> Бизнеснинг бирлашиши
<b>МҲҲС-4</b> Суғурта шартномалари
<b>МҲҲС-5</b> Сотиш учун мўлжалланган оборотдан ташқари активлар ва тугалланган фаолият
<b>МҲҲС-6</b> Фойдали қазилмалар захиралари разведкаси ва баҳолаш
<b>МҲҲС-7</b> Молиявий инструментлар: ахборотларни очиқлаш

<sup>1</sup> minfin.ru/ru/performance/accounting/mej\_standart\_fo/docs/09.02.2016 интернет манбасидаги маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

<b>МҲХС-8</b> Операцион сегментлар
<b>МҲХС-10</b> Консолидациялашган молиявий ҳисобот
<b>МҲХС-11</b> Қўшма тадбиркорлик
<b>МҲХС-12</b> Бошқа ташкилотларга қатнашиш тўғрисида ахборотларни очиқлаш
<b>МҲХС-13</b> Адолатли қийматни баҳолаш

### ***В. Изоҳлар бўйича доимий қўмита, Изоҳлар***

<b>SEC-7</b> Евронинг жорий қилиниши
<b>SEC-10</b> Давлат ёрдами – операцион фаолият билан аниқ алоқаларнинг бўлмаслиги
<b>SEC-15</b> Операцион аренда – рағбатлар
<b>SEC-25</b> Фойда солиғи – компаниянинг солиқ статуси ёки унинг акционерларидаги ўзгаришлар
<b>SEC-27</b> Ижаранинг ҳуқуқий шаклига эга бўлган операциялар аниқланиши
<b>SEC-29</b> Хизматлар кўрсатиш бўйича концессион битимлар: ахборотларни очиқлаш
<b>SEC-31</b> Тушум – реклама хизматларини қамраб олган бартер операциялари
<b>SEC-32</b> Номоддий активлар – веб-сайт харажатлари

ахборотларни тайёрлаш ва тақдим қилишининг умумий қоида ва тамойилларини белгилаш тизимидир. МҲХСларга риоя қилиш мажбурий-ҳуқуқий характерга эга бўлмасдан, улар тавсиянома характерига эга.

МҲХСларнинг турли хил миллий ҳисоб тизимига эга бўлган мамлакатларда қўлланилиши кўзда тутилганлиги сабабли улар таркибий тузилиши бўйича ҳам барча учун бир хил бўлиши керак. Ҳаракатдаги халқаро стандартлар таркиби бўйича уч қисмдан иборат. Биринчи қисм – кириш, иккинчи қисм – ҳисоб объектининг тавсифи (очирилиши), учинчи қисм – бухгалтерия ҳисоби стандарти (хулосаси) деб аталади.

МҲХСлар ўзларининг ўта мувофиқлиги билан ажралиб туради. Халқаро стандартлар ушбу соҳа бўйича энг асосий ва умумий йўналишларни белгилайди. МҲХСларни ишлаб чиқишга бундай ёндашиш уларнинг турли мамлакатларда қўлланилиш имкониятини оширади ва миллий ҳисоб стандартларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини оширади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги пайтда нашр қилинган МҲХСлар бир-бирига боғлиқдир ва биргаликда ягона тизимни ташкил этади. Шундай қилиб, битта стандартнинг қўлланилиши шу узлуксиз тизимнинг бошқа қисмларини қўллашни талаб

қилади, яъни битта стандартни бошқа стандартлардан ажратиб олган ҳолда қўллаш мумкин бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида МҲХСларга ўтишда ўзига хос ва миллий иқтисодиётимизга мос йўл танланди. ***Бу халқаро стандартларга мувофиқ келадиган бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш йўли бўлди.*** Ҳозирги кунда ишлаб чиқилган миллий стандартларимиз халқаро стандартларга мувофиқ келади<sup>1</sup>. Шу билан бир қаторда ҳозирги кунда корпоратив бошқарувга асосланган акциядорлик жамиятларида халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тузишга ўтилмоқда. Бу эса бевосита халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тузиш ёки миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга трансформация қилиш орқали эришилиши мумкин. Биринчи йўл халқаро стандартлар асосида тўғри ва сифатли молиявий ҳисобот тузишга эришишни таъминлайди. Иккинчи йўлда эса трансформация жараёнида кўплаб муаммо ва тўсиқларга дуч келиш мумкин. Лекин иккита йўлнинг ечимини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами. – Т.: «NORMA», 2011. –360-бет.

да ҳам халқаро стандартларнинг мазмун ва моҳиятини чуқур ўрганиш, унинг методологик масалаларини қўллай олиш, миллий стандартларимизни имкон қадар халқаро стандартларга мувофиқлаштиришимиз, дунё университетларида ўқитилаётган «Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи» фанини ўрганишимиз, инглиз тилидаги адабиётларни ўзбек тилига таржима қилишимиз, бухгалтерия ҳисоби соҳасида халқаро аталмаларни қабул қилишимиз, амалиётчи хо-

димлар ва илмий тадқиқотчиларни хорижий мамлакатларда тажриба алмашилиши ташкил этишимиз, амалиётчи бухгалтерларни сертификатлаш ишларини йўлга қўйишимиз керак бўлади.

Юқорида билдирилган таклиф ва хулосаларда келтирилган ишларнинг амалга оширилиши мамалакатимизда молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

---

---

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, 10-модда. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами. – Т.: «NORMA», 2011.
3. Международные стандарты финансовой отчетности: Издание на русском языке. – М.: «АСКЕРИ-АССА», 2016.
4. Ташназаров С.Н. Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи: халқаро ва миллий жиҳатлари. Монография. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2009 й. -168-б.

**Раҳмонов Р.Н.,**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт» факультети «Минтақавий иқтисодиёт» кафедраси доценти вазифасини бажарувчиси, иқтисод фанлари номзоди

# МИНТАҚАЛАРДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ ЎРНИ

## ***РАҲМОНОВ Р.Н. МИНТАҚАЛАРДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ ЎРНИ***

Мақолада минтақалардаги ОТМларнинг миллий иқтисодиёт тармоқларига етук мутахассисларни тайёрлаб бериш ҳолати ифодаланган. Олинган таҳлил натижасида ОТМлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: олий таълим муассасаси, минтақа, кадрлар, саноат тармоқлари, миллий иқтисодиёт, меҳнат бозори.

## ***РАХМОНОВ Р.Н. РОЛЬ РЕГИОНАЛЬНЫХ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ В ПОДГОТОВКЕ ВЫСОКОКВАЛИФИЦИРОВАННЫХ КАДРОВ***

В статье описывается состояние региональных высших учебных заведений в подготовке высококвалифицированных кадров для отраслей национальной экономики. На основе полученных анализов были разработаны научные рекомендации по улучшению деятельности вузов.

Ключевые слова: высшее учебное заведение, регион, кадры, отрасли экономики, национальная экономика, рынок труда.

## ***RAKHMONOV R.N. THE ROLE OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS IN REGIONS FOR HIGH QUALIFIED CADRES TRAINING***

There is discussed in the article state of higher educational institutions (HEI) on training well-skilled cadres to the branches of national economy. On the basis of received analytical results there were elaborated scientific recommendation on improvement of HEI's activities.

Keywords: higher educational institutions, region, cadres, branches of economy, national economy, labor market.



***Бугунги кунда олий таълим тизимини бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиққан ҳолда ислоҳ этиш давр талабига айланди. Бозор иқтисодиёти ҳар соҳада, шу жумладан, меҳнат бозорида ҳам рақобатни тақозо этмоқда. Маълумки, олий таълим тизими мамлакатларнинг ривожланишида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Олиб борилаётган барча ислоҳотларнинг пировард натижаси ўша давлат таълим тизимини ривожлантириш ва уни такомиллаштириб боришга берилаётган аҳамият билан белгиланади.***

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, 2015 йилда таълим-тарбия соҳасини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш масаласи ҳам диққат марказимизда бўлди. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир<sup>1</sup>.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин унинг олий таълим тизимини тубдан ўзгартиришнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб олинди. Ҳозирги даврда олий таълим муассасалари икки босқичли, яъни бакалаврият ва магистратурадан иборат кадрлар тайёрлашни амалга оширмоқда. Бу эса олий таълим тизимининг янада мослашувчанлигини таъминлайди ва талабаларга унинг турли босқичларида таълим олиш имкониятини беради. Мутахассисларни тайёрлашнинг кўп поғонали тизимига ўтиш Ўзбекистон Республикаси олий таълимини

жаҳон таълим тизимига кириб боришини таъминлайди.

2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистонда 77 та олий таълим муассасаси, пойтахтимиздаги олий ўқув юртларининг 11 та ҳудудий филиали ва хорижий етакчи олий ўқув юртларининг 7 филиали фаолият кўрсатди. Ҳар бир минтақада ҳудудий ривожланиш вазифаларини ҳал этиш учун мутахассислар тайёрлайдиган университет ва қатор ихтисослашган институтлар мавжуд.

Олий таълим соҳасида самарали халқаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилгани миллий таълим моделининг юқори малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилганининг бир кўринишидир. 2000/2001 ўқув йилида хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари биттани ташкил этган бўлса, 2014/2015 ўқув йилида уларнинг сони 7 тага етди.

Тошкент шаҳрида ташкил этилган Халқаро Вестминистер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россиянинг Г.Плеханов номидаги давлат иқтисодиёт университети ва И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Турин политехника университети, Жанубий Кореянинг Инха университети филиалларида бугунги миллий меҳнат бозори талаб этаётган мутахассислар тайёрланмоқда.

Ҳозирги кунда юқорида қайд этилган ОТМларда энг юксак халқаро стандартлар асосида бизнес, иқтисодиёт, ҳуқуқ, ахборот технологиялари соҳалари бўйича талаб қилинаётган мутахассислар, нефть-газ

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

**1-жадвал. Олий ўқув юртларининг минтақалар бўйича тақсимланиши<sup>1</sup>**

	йиллар								
	1991	1995	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014
Ўзбекистон Республикаси	46	58	61	62	63	65	65	64	66
Қорақалпоғистон Республикаси	2	2	2	2	2	2	2	2	2
Вилоятлар:									
Андижон	4	5	5	5	5	5	4	4	4
Бухоро	2	3	3	3	3	3	3	3	3
Жиззах	1	2	2	2	2	2	2	2	2
Қашқадарё	1	2	2	2	2	2	2	2	2
Навоий	0	2	2	2	2	2	2	2	2
Наманган	1	3	3	3	3	3	3	3	3
Самарқанд	6	6	6	6	6	6	6	6	6
Сурхондарё	1	1	1	1	1	1	1	1	1
Сирдарё	1	1	1	1	1	1	1	1	1
Тошкент	2	2	2	2	2	2	2	2	2
Фарғона	3	3	3	3	3	3	3	3	3
Хоразм	1	1	1	1	1	1	1	1	1
Тошкент шаҳри	21	25	28	29	30	32	33	32	34

тармоғи ва геологик-қидирув муҳандислари, замонавий машинасозлик, социология ва психология йўналишлари учун кадрлар тайёрланмоқда.

2010 йилда Тошкент шаҳрида ташкил этилган Турин политехника университети кейинги йилларда республикада жадал ривожланиб бораётган автомобиль саноатига ҳамда бошқа иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган маскан бўлиб хизмат қилмоқда. 2014 йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида Жанубий Кореянинг Инха университети ташкил этилди. Бу университетни ташкил этишдан асосий мақсад компьютер ҳамда ахборот инжинеринг мутахассисларини тайёрлашдир. Ушбу университетни битирганлар халқаро дипломга эга бўладилар. 2020 йилга қадар қабуллар сони 2000 тага етказилиши режалаштирилган.

2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сони 66 тани ташкил этди. Мустақиллик йилларида олий

таълим муассасалари сони 20 тага ортди. Олий таълим муассасаларининг 32 таси республика минтақаларида жойлашган (1-жадвал). Бу эса ўрта махсус касб таълим муассасалари битирувчиларининг олий маълумотли бўлишига имкон яратади.

Мавжуд ОТМларнинг 25 таси университетлар бўлиб, уларда 115,8 минг нафар талаба таҳсил олади. Университетлар жами олий ўқув юртларининг 37,9%ни ва уларда таълим олувчилар жами талабаларнинг 44,7%ни ташкил этади. 2005/2006-2013/2014 ўқув йиллари даврида республикада талабалар сони 7%га қисқарган бўлса, бу даврда университет талабалари сони 12,7%га, институт ва бошқа турдаги ОЎЮлари талабалари эса 12,7%га қисқарди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда талабалар сони ўзига хос ҳолда гоҳ ортиб, гоҳ қисқариб борди (2-жадвал).

Агар 1991/1992 ўқув йилида талабалар сони 337,4 минг нафарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич кейинги 5 йилда 2 мартага қисқарди. 2000/2001 ўқув йилида талабалар сони ортиб борди ва 183,6 минг нафарни ташкил этди, бу кўрсаткич 2005/2006

<sup>1</sup> Раҳмонов Р.Н., Ҳамрақулов Ж.Х. Интеллектуал салоҳият ва уни баҳолаш мезонлари. Монография. – Т., 2015. –69-б.

2-жадвал. Олий ўқув юрти талабаларининг минтақалар бўйича тақсимланиши, минг<sup>1</sup>

	Ўқув йили							
	1991/ 1992	1995/ 1996	2000/ 2001	2005/ 2006	2010/ 2011	2011/ 2012	2012/ 2013	2013/ 2014
Ўзбекистон Республикаси	337,4	165,6	183,6	278,7	274,5	253,0	258,3	259,3
Қорақалпоғистон Республикаси	9,9	9,4	10,0	16,05	16,9	15,5	15,9	16,0
Вилоятлар:								
Андижон	17,7	11,4	11,6	18,4	15,4	14,0	15,2	15,7
Бухоро	15,0	8,0	9,3	14,2	14,4	13,3	13,7	13,8
Жиззах	6,8	3,6	4,6	8,6	8,6	8,4	8,9	9,3
Қашқадарё	10,0		7,4	9,5	11,6	10,6	11,2	11,8
Навоий	4,5	5,0	5,5	9,2	9,7	8,5	8,4	8,1
Наманган	11,0	6,4	7,3	13,3	12,5	10,9	11,1	10,8
Самарқанд	40,0	17,3	14,7	23,4	23,0	22,2	23,3	24,3
Сурхондарё	7,8	4,6	5,4	7,2	7,0	6,3	6,5	6,6
Сирдарё	6,2	3,0	2,4	3,7	4,2	3,8	3,9	3,8
Тошкент	17,1	8,5	7,6	12,5	12,0	10,4	9,1	8,2
Фарғона	21,5	13,2	12,3	20,8	19,6	17,6	18,2	18,5
Хоразм	4,8	4,5	4,7	9,6	8,8	8,1	8,2	8,3
Тошкент шаҳри	165,4	64,6	80,8	112,1	110,8	103,1	104,8	104,1
	Фоизда							
Ўзбекистон Республикаси	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	2,9	5,7	5,5	5,8	6,2	6,1	6,2	6,2
Вилоятлар:								
Андижон	5,3	6,9	6,3	6,6	5,6	5,5	5,9	6,1
Бухоро	4,4	4,8	5,1	5,1	5,2	5,3	5,3	5,3
Жиззах	2,0	2,2	2,5	3,1	3,1	3,3	3,4	3,6
Қашқадарё	3,0		4,0	3,4	4,2	4,2	4,3	4,5
Навоий	1,3	3,0	3,0	3,3	3,5	3,4	3,2	3,1
Наманган	3,3	3,9	4,0	4,8	4,6	4,3	4,3	4,2
Самарқанд	11,8	10,4	8,0	8,4	8,4	8,8	9,0	9,4
Сурхондарё	2,3	2,8	2,9	2,6	2,6	2,5	2,5	2,5
Сирдарё	1,8	1,8	1,3	1,3	1,5	1,5	1,5	1,5
Тошкент	5,1	5,1	4,1	4,5	4,4	4,1	3,5	3,2
Фарғона	6,4	8,0	6,7	7,5	7,1	7,0	7,1	7,1
Хоразм	1,4	2,7	2,6	3,4	3,2	3,2	3,2	3,2
Тошкент шаҳри	49,0	39,6	44,0	40,2	40,4	40,8	40,6	40,1

ўқув йилида 278,7 минг нафарга етди. Бироқ, 2010/2011 ўқув йилида талабалар сони яна қисқарди. Охириги йилларда республикада олий ўқув юртлари талабалари сони яна ортиб бормоқда. 2013/2014 ўқув

йилида мамлакатимизда 259,3 минг нафар талаба таълим олди. Умуман, 1991/1992-2013/2014 ўқув йиллари орасида талабалар сони республика бўйича 23,2%га қисқарди.

Минтақалар кесимида талабалар сонининг ўзгариши қуйидагича бўлди: Навоий (180%), Хоразм (172,9%), Қорақалпоғистон Республикаси (161,6%), Жиззах (136,8%) ва

<sup>1</sup> Раҳмонов Р.Н., Ҳамрақулов Ж.Х. Интеллектуал салоҳият ва уни баҳолаш мезонлари. Монография. – Т., 2015. – 70-б.

**3-жадвал. Ҳар 10000 аҳолига тўғри келган талабалар сони ва аҳоли 19-24 ёшли қатламининг олий таълим муассасалари билан қамраб олиниш даражаси<sup>1</sup>**

	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
Аҳолининг 19-24 ёшли қатламининг ОТМ билан қамраб олиниш даражаси	6,8	8,8	7,4	6,6	6,7	6,7
10000 аҳолига нисбатан талаба сони	74	106	94	86	87	85

**4-жадвал. Минтақалар кесимида ҳар 10000 аҳолига тўғри келган талабалар сони<sup>2</sup>**

	Ўқув йили				Индекс даражаси			
	2000/ 2001	2005/ 2006	2010/ 2011	2013/ 2014	2000/ 2001	2005/ 2006	2010/ 2011	2013/ 2014
Ўзбекистон Республикаси	74,5	106,5	94,2	85,0	1,000	1,000	1,000	1,000
Қорақалпоғистон Республикаси	66,0	102,2	106,9	92,1	0,88 6	0,960	1,135	1,083
Вилоятлар:								
Андижон	52,7	78,0	57,6	56,0	0,707	0,732	0,611	0,659
Бухоро	65,1	93,6	85,5	78,6	0,874	0,878	0,908	0,925
Жиззах	46,8	82,1	73,7	75,8	0,628	0,771	0,782	0,892
Қашқадарё	33,8	39,6	42,6	40,7	0,454	0,372	0,452	0,479
Навоий	69,9	113,4	111,1	89,9	0,938	1,165	1,179	1,058
Наманган	37,6	63,7	52,5	43,1	0,505	0,598	0,557	0,507
Самарқанд	54,6	81,0	70,3	70,5	0,733	0,760	0,746	0,829
Сурхондарё	30,8	37,7	32,2	28,6	0,413	0,354	0,342	0,336
Сирдарё	37,1	54,8	57,7	49,7	0,498	0,514	0,612	0,585
Тошкент	32,2	50,8	45,4	30,1	0,432	0,477	0,482	0,354
Фарғона	45,9	72,7	60,7	54,6	0,616	0,683	0,644	0,642
Хоразм	35,2	66,5	55,0	49,3	0,472	0,624	0,584	0,580
Тошкент шаҳри	377,5	524,3	482,5	442,4	5,067	4,923	5,122	5,205
Минтақалараро фарқ	12,2	13,9	15,0	15,5				
Тошкент шаҳрисиз	2,3	3,0	3,4	3,2				

Қашқадарё (118%) вилоятларида талабалар сони ортди. Қолган барча минтақаларда талабалар сони қисқарди.

Талабаларнинг 40%и пойтахт Тошкент шаҳрида жойлашган ОТМларда таълим оладилар. Талабалар сонининг нисбатан юқори улуши Самарқанд (9,4%) ҳамда Фарғона (7,1%) вилоятларига тўғри келади. Энг кам талаба сони эса Сирдарё (1,5%) ва

<sup>1</sup> Раҳмонов Р.Н., Ҳамрақулов Ж.Х. Интеллектуал салоҳият ва уни баҳолаш мезонлари. Монография. – Т., 2015. –72-б.

<sup>2</sup> Ўша манба, 72-б.

Сурхондарё (2,5%) вилоятларига тўғри келади<sup>3</sup>.

Ўзбекистон ОТМларида кундузги таълим бериш шакли ривожланган. Хусусан, 2013/2014 ўқув йилида 99,8% талаба кундузги, 0,2%и сиртқи таълимда таълим олдилар. Маълумки, кечки таълим ўқитиш шакли республикада тугатилган.

<sup>3</sup> Раҳмонов Р.Н., Ҳамрақулов Ж.Х. Вопросы приведения в соответствие реформ в системе образования с отраслями региональной экономики. // Социально-экономические проблемы развития территориальных систем и механизмы повышения их конкурентоспособности: Сборник научных статей XII международной конференции молодых ученых. – Екатеринбург, 2014. –С. 267.

**5-жадвал. ОТМларнинг тармоқ мутахассислиги бўйича тақсимланиши<sup>1</sup>**

	2000/ 2001	2005/ 2006	2010/ 2011	2011/ 2012	2012/ 2013
Жами	61	62	65	65	66
Саноат	11	11	12	13	13
Қурилиш	1	1	1	2	2
Қишлоқ хўжалиги	4	4	4	4	4
Транспорт	2	2	2	2	2
Алоқа	1	1	1	1	1
Иқтисодиёт	3	6	7	8	8
Ҳуқуқ	1	1	1	1	1
Соғлиқни сақлаш	7	6	6	6	6
Спорт ва жисмоний тарбия	1	1	1	1	1
Маориф	27	26	27	22	22
Шундан					
Пединститутлар	8	8	7	5	5
Санъат ва киноматография	3	3	3	6	6
Бошқалар					

**6-жадвал. ОМТлар талабаларининг тармоқ мутахассислиги бўйича тақсимланиши, минг<sup>2</sup>**

	Ўқув йили					
	2000/ 2001	2005/ 2006	2010/ 2011	2011/ 2012	2012/ 2013	2013/ 2014
	Фоизда					
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Саноат	14,2	12,7	14,5	18,7	19,1	22,3
Қурилиш	0,8	0,9	1,1	2,5	2,6	
Қишлоқ хўжалиги	7,0	6,0	6,1	7,0	7,4	7,9
Транспорт	3,1	2,5	2,8	3,0	2,9	6,9
Алоқа	2,2	3,2	3,6	4,1	4,3	
Иқтисодиёт	5,0	9,5	7,6	7,2	7,3	8,3
Ҳуқуқ	1,6	1,2	0,9	0,9	0,8	
Соғлиқни сақлаш	9,0	7,7	7,9	8,3	8,0	9,6
Спорт ва жисмоний тарбия	0,8	0,7	1,3	1,4	1,6	
Маориф	55,4	54,5	52,9	44,8	44,2	43,3
Шундан						
Пединститутлар	16,8	14,5	13,1	10,3	9,8	
Санъат ва киноматография	0,9	1,1	1,3	2,0	1,8	1,7

<sup>1</sup> Раҳмонов Р.Н., Ҳамрақулов Ж.Х. Интеллектуал салоҳият ва уни баҳолаш мезонлари. Монография. – Т., 2015. –73-б.

<sup>2</sup> Ўша манба, 74-б.

**7-жадвал. ОМТларга қабул қилинган талабаларнинг минтақалар бўйича тақсимланиши, киши<sup>1</sup>**

Минтақалар	Ўқув йили				
	2000/ 2001	2005/ 2006	2010/ 2011	2011/ 2012	2012/ 2013
Ўзбекистон Республикаси	44711	53915	64113	63933	63065
Қорақалпоғистон Республикаси	2257	3616	3710	3993	4066
Вилоятлар:					
Андижон	2760	2958	3195	3395	3877
Бухоро	2647	2942	3348	3389	3472
Жиззах	1066	1335	1866	2022	2052
Қашқадарё	1696	1744	2690	2945	2954
Навоий	1202	1642	2107	2238	2093
Наманган	1761	2278	2830	2772	2721
Самарқанд	3308	4455	5362	5884	5998
Сурхондарё	1403	1490	1616	1644	1724
Сирдарё	680	692	964	1042	916
Тошкент	1949	2592	3169	1957	1517
Фарғона	2699	3784	4533	4550	4604
Хоразм	1023	1819	1922	2050	1956
Тошкент шаҳри	20260	22568	26801	26052	25115

Олий таълим тизимининг ривожланганлик даражасини кўрсатувчи 10000 аҳолига тўғри келадиган талабалар сони 2013/2014 ўқув йилида 85 нафарни ташкил этди. 2000/2001 ўқув йилида бу кўрсаткич 74 нафарни ташкил этган бўлса, 2005/2006 ўқув йилида 106 нафарни, 2010/2011 ўқув йилида 94 нафарни ташкил этди (3-жадвал).

Умуман, 2000/2001-2013/2014 ўқув йиллари мобайнида 10 минг кишига тўғри келадиган талабалар сони 11 нафарга кўпайди. Бироқ, бу кўрсаткич охириги уч йилда 9 нафарга қисқарди. Бу таълим муассасаларига қабул қилишнинг пасайиши ва алоҳида мутахассисликларга қатъий қабул сонининг белгилаб қўйилишидир.

Минтақалар бўйича ҳар 10000 аҳолига тўғри келадиган талабалар сони ушбу жадвалда ўз ифодасини топган (4-жадвал).

Минтақалар орасида 10 минг кишига тўғри келадиган талабалар сони Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Навоий вилоятида республикамиздаги ўртача

кўрсаткичдан юқори. Қолган барча минтақаларда унинг кўрсаткичи паст. Айниқса, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида жуда паст. Умуман, минтақалар кесимида 10 минг кишига тўғри келадиган талабалар сонига фарқ 2013/2014 ўқув йилида 15,5 нафарни (Тошкент шаҳрисиз 3,2 нафар) ташкил этди. Бу кўрсаткич 2000/2001 ўқув йилига нисбатан 3,3 нафарга ортган.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш даврида юқори малакали ишчи кучига қўйиладиган талаблар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: янги билимлардан мустақил фойдалана олиш; жаҳон фанининг натижаларини ўзлаштирган, инновацияларни амалиётга татбиқ эта олиш қобилиятига эга бўлиш. Юқори малакали ишчи кучининг ушбу та-

<sup>1</sup> Раҳмонов Р.Н., Ҳамрақулов Ж.Х. Интеллектуал салоҳият ва уни баҳолаш мезонлари. Монография. – Т., 2015. – 76-б.

**8-жадвал. Олий ўқув юртини битирган мутахассисларнинг минтақалар бўйича тақсимланиши, киши<sup>1</sup>**

Минтақалар	Ўқув йили				
	2000/ 2001	2005/ 2006	2010/ 2011	2011/ 2012	2012/ 2013
Ўзбекистон Республикаси	31568	57845	76379	86255	60925
Қорақалпоғистон Республикаси	1796	3059	974	4979	3704
Вилоятлар:					
Андижон	2034	3586	4511	4661	2926
Бухоро	1381	2628	4417	4385	3026
Жиззах	630	1410	2549	2416	1988
Қашқадарё	1295	1882	3639	3935	2445
Навоий	956	1779	3088	3530	2072
Наманган	1199	2690	3914	3969	2469
Самарқанд	2911	4680	5971	6853	4878
Сурхондарё	908	1846	1995	2058	1504
Сирдарё	391	785	1228	1393	864
Тошкент	1382	2564	3604	3349	2656
Фарғона	2068	4158	5588	6500	4210
Хоразм	850	1711	2181	2681	1878
Тошкент шаҳри	13767	25067	28720	35546	26305

лабларга жавоб бера олиши унинг рақобатбардошлик даражасини оширади<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, республикадаги ОТМлар юқоридаги талабларга жавоб берадиган ҳамда миллий иқтисодий тимизнинг деярли барча тармоқлари ва соҳалари учун олий маълумотли мутахассис кадрларни тайёрлайди. ОТМлар тармоқ ихтисослашуви бўйича тузилишининг таҳлили қуйидагича: таълим муассасаларининг 29 таси илмий-назарий, 13 таси саноат, 8 таси иқтисодий, 7 таси тиббий, 4 таси қишлоқ хўжалиги, 2 таси қурилиш, 2 таси транспорт ва биттадан алоқа ҳамда ҳуқуқ соҳалари бўйича кадрларни тайёрлайди (5-жадвал).

<sup>1</sup> Раҳмонов Р.Н., Ҳамрақулов Ж.Х. Интеллектуал салоҳият ва уни баҳолаш мезонлари. Монография. – Т., 2015. – 77-б.

<sup>2</sup> Раҳмонов Р.Н. Таълим тизими ва юқори малакали ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ўртасида мутаносибликни таъминлаш. // «Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодий мутаносибликларнинг барқарор иқтисодий ўсишга таъсири» номли республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: 2015. – 50-б.

ОТМларнинг тармоқ мутахассисликлари бўйича тақсимланишига кўра, талабалар ва битирувчилар улуши мос келади, яъни талаба ва битирувчи мутахассисларнинг ярмига яқини маориф соҳаси учун кадрлар тайёрлайди (6-жадвал).

2000/2001-2012/2013 ўқув йиллари оралиғида қурилиш соҳаси бўйича талабалар сони 4,8 мартага, алоқа, спорт ва жисмоний тарбия ҳамда санъат ва киноматография соҳасидаги талабалар сони 2,7 мартага, иқтисодий соҳасидаги талабалар сони 2 мартага, саноат соҳасидаги талабалар сони 1,9 мартага, қишлоқ хўжалиги талабалари сони 1,5 мартага, транспорт ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги талабалар сони эса 1,3 мартага кўпайди. Хулоса қилиб айтганда, ушбу йўналишларда талабалар сонининг ошгани иқтисодийда рўй бераётган ўзгаришлар билан боғлиқдир. Ўз навбатида таҳлил этилаётган давр оралиғида ҳуқуқ ва педагогика соҳасидаги талабалар сони қисқарди.

Республикада 2000/2001-2012/2013 ўқув йиллари оралиғида олий таълим муассаса-

ларига қабул қилинувчилар сони 41 фоизга ортди (7-жадвал). Таҳлил этилаётган даврда Хоразм ҳамда Жиззах вилоятларида бу кўрсаткич 90 фоиздан ортиққа, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Самарқанд вилоятида 80 фоиздан ортиққа, Қашқадарё, Навоий ва Фарғона вилоятларида 70 фоиздан ортиққа, Наманган вилоятида эса 50 фоиздан ортиққа кўпайди. Қолган минтақаларда талабалikka қабул қилинувчилар сонининг ортиши республика бўйича ўртача кўрсаткичдан паст бўлди. Тошкент вилоятида эса биз ўрганаётган йиллар орасида талабалikka қабул қилиш 22,2%га қисқарди.

ОТМларга қабул қилинувчиларнинг 40 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келади. Самарқанд ҳамда Фарғона вилоятлари нисбатан улушининг катталиги жиҳатидан ажралиб туради.

Ўзбекистонда 2012/2013 ўқув йилида ОТМлар битирувчилари сони 60,9 минг нафардан зиёдни ташкил этди (8-жадвал). Бу кўрсаткич ҳар 10 минг кишига ҳисоблаганда 21 нафарга тўғри келади. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2000/2001 ўқув йилида 13 нафарни ташкил этганди.

2000/2001-2012/2013 ўқув йиллари давомида олий таълим муассасаларининг битирувчилар сони 193,% фоизга ортди (8-жадвал). Бу кўрсаткич Жиззах вилоятида 3,1 мартага, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Хоразм вилоятларида 2,2 мартага, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида 2 мартага ортди. Қолган вилоятларда эса битирувчи мутахассислар сони ортган бўлса-да, унинг ўсиши республика бўйича ўртача кўрсаткичдан паст бўлди.

ОТМлар битирувчиларининг 40%дан ортиғи Тошкент шаҳрига тўғри келади. Шунингдек, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг ҳам улуши нисбатан каттароқ.

ОТМларда таълим олиш давлат тилидан ташқари, яна 5 тилда (қорақалпоқ, рус, то-

жик, қозоқ ва инглиз тилларида) олиб борилади. 2012/2013 ўқув йилида талабаларнинг 79%и ўзбек, 15,2%и рус, 3,6%и қорақалпоқ, 1,4%и инглиз, 0,5%и тожик ва 0,3%и қозоқ тилларида таҳсил олдилар. 2000/2001-2012/2013 ўқув йилларида ўзбек, инглиз, қорақалпоқ ва тожик тилларида таълим олувчи талабалар улуши ошгани ҳолда рус ва қозоқ тилида таълим олувчилар улуши қисқарди.

Маълумки, ОТМларнинг самарадорлиги ундаги профессор-ўқитувчиларнинг малакаси, билими ва илмий салоҳияти даражасига боғлиқдир. 2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистонда 25 та университет, 3 та академия ҳамда 41 та институт бўлиб, уларда 23148 нафар профессор-ўқитувчи талабаларга таълим берди. 2000/2001-2013/2014 ўқув йиллари даврида ОТМларда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар сони 25,6%га ошди. Жами профессор-ўқитувчилар таркибида 8318 нафарини илмий даражага (1432 нафар фан доктори, 7281 нафар фан номзоди) эга бўлганлар ташкил этди. 2000/2001-2013/2014 ўқув йиллари даврида илмий даражага эга бўлган ўқитувчиларнинг сони 103,5%га ортди.

Хулоса қилиб айтганда, 2013/2014 ўқув йилида республика ОТМларининг илмий салоҳият даражаси ўртача 35,9%га тенг бўлди. 2000/2001-2013/2014 ўқув йиллари даврида ОТМларнинг илмий салоҳияти даражаси 43,6 фоиздан 35,9 фоизга тушиб қолди ёки 7,7 фоизга камайди. Бунинг асосий сабабларидан бири 2010 йилдан кейинги даврда нафақа ёшидаги фан доктори ва фан номзодларининг нафақага чиқишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси фаолиятининг ислоҳ қилиниши билан боғлиқ. Келгусида илмий салоҳиятга эга ўқитувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.



**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийтимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

2. Раҳмонов Р.Н., Ҳамрақулов Ж.Х. Интеллектуал салоҳият ва уни баҳолаш мезонлари. Монография. – Т., 2015. -132-б.

3. Раҳмонов Р.Н. Таълим тизими ва юқори малакали ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ўртасида мутаносибликни таъминлаш. // «Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодий мутаносибликларнинг барқарор иқтисодий ўсишга таъсири» номли республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: 2015. -50-б.

4. Раҳмонов Р.Н., Ҳамрақулов Ж.Х. Вопросы приведения в соответствие реформ в системе образования с отраслями региональной экономики. // Социально-экономические проблемы развития территориальных систем и механизмы повышения их конкурентоспособности: Сборник научных статей XII международной конференции молодых ученых. – Екатеринбург, 2014.

5. Олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам (2014-2015 ўқув йили). – Т., 2015. -212-б.

6. Олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам (2013-2014 ўқув йили). – Т, 2014. -200-б.

**Фуломова Г.П.,**

Тошкент ислом университети катта  
ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди

# ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА

## ***ГУЛОМОВА Г.П. ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА***

Мақолада ишлаб чиқаришни модернизациялаш, миллий иқтисодиёт ва унинг алоҳида ҳудудлари рақобатбардошлигини таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири бўлган тадбиркорлик субъектлари инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг асоси бўлган инновацион фаолият инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари таҳлил этилган. Инновацион фаолият инфратузилмасини ривожлантириш жараёнида мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўналишлари кўрсатиб берилган.

Таянч иборалар: инновация, инновацион фаолият, инновацион фаолият инфратузилмаси, инновацион тадбиркорлик, миллий инновация тизими, модернизациялаш.

## ***ГУЛОМОВА Г.П. ФОРМИРОВАНИЕ ИННОВАЦИОННОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ КАК ФАКТОР МОДЕРНИЗАЦИИ ПРОИЗВОДСТВА***

В статье анализируются теоретические аспекты формирования и развития инфраструктуры инновационной деятельности, являющейся основой инновационной деятельности субъектов предпринимательства, служащих одним из важных факторов модернизации производства, повышения конкурентоспособности национальной экономики и отдельных регионов. Выявлены проблемы, возникающие в процессе развития инновационной инфраструктуры, и обоснованы основные направления их решения.

Ключевые слова: инновация, инновационная деятельность, инновационная инфраструктура, инновационное предпринимательство, национальная инновационная система, модернизация.

## ***GULOMOVA G.P. FORMATION OF INNOVATIVE INFRASTRUCTURE AS A FACTOR OF MODERNIZATION OF PRODUCTION***

There are analyzed modernization of production, the theoretical aspects of development and formation of innovations infrastructure, which are the basics of enterprise's innovative activity development servicing as one of the main factor which provides competitiveness of national economy and its regions. There are given the ways of overcoming the existing problems throughout developing the innovative infrastructure.

Keywords: innovation, innovative activity, innovative infrastructure, innovative enterprise, national innovation system, modernization.

***Замонавий иқтисодиёт янги маҳсулот, материаллар, технология, ускуналарни яратишни таъминловчи илмий, илмий-техникавий ва инновацион фаолиятга асосланиши зарур. Инновацияларни яратиш ва жорий этишда янги имкониятлар ва механизмларни излаб топиш хўжалик юритиш ва бошқарувни такомиллаштириш муаммоси билан узвий боғлиқ ҳолда алоҳида аҳамият касб этади.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур»<sup>1</sup>. Ушбу вазифани ҳал этиш инновация жараёнларини жадаллаштириш, инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, инновацион тадбиркорликни ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда инновацион тадбиркорликнинг ўсиши илмий-техник тараққиёт шароитида иқтисодий тизимларнинг ривожланиши ва трансформациялашувининг зарурий элементи ҳамда рақобат устунлигини таъминловчи асосий ресурс сифатида қаралмоқда. Халқаро тажриба мамлакатда инновацион тадбиркорликни ривожлантириш унинг инфратузилмаси ва қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиришни тақозо этмоқда.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш жараёнини амалга ошириш мамлакат саноат салоҳиятини сифат жиҳатдан ўзгартириш,

инновациялар бозорини ривожлантиришга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, инновацион тадбиркорликнинг ривожланишини таъминлаш билан узвий боғлиқ бўлиб, тадбиркорларнинг инновацион фаоллиги самарали иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда фан ва технологиялар тараққиётини ўзаро мувофиқлаштириш, инновацион фаолиятни молиялаштиришни яхшилаш, фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва йўлга қўйилди. Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш бўйича давлат дастурлари қабул қилинди, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш давом эттирилди.

Мамлакатимизда бу борада бир қанча меъёрий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-436-сонли қарори, 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4456-сонли фармони, 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 916-сонли қарори қабул қилинди.

Фан билан ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш, инновацияларни ти-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

жоратлаштириш жараёнларини жадаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган мунтазам ташкил этилувчи Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси давлат, фан, ишлаб чиқариш ва бизнесни самарали бирлаштириш имкониятини яратиб беради. Ярмарканинг асосий мақсади илмий ҳажмдор, юқори технологик ишлаб чиқаришнинг ўсиши учун шартшароит яратиш, жумладан, кичик инновацион тадбиркорлик ва бизнеснинг барқарор ривожланиши, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш учун шароитлар яратиш, корхоналарнинг инновацион фаоллиги ошиши, юқори технологиялар миллий бозорининг шаклланишига кўмаклашиш ҳисобланади.

Ярмаркада тақдим этилган инновацион ва илмий-техник лойиҳалар ва ишланмаларнинг катта қисми импорт ўрнини босишни таъминлайдиган, энергия жиҳатидан самарали ва ресурсларни тежайдиган янги материаллар, машиналар, препаратлар ва илмий ҳажмдор маҳсулотларни экспорт қилишга йўналтирилган технологияларга тааллуқлидир.

Шу билан бирга, ҳали мамлакатимизда инновацион фаолиятни жадаллаштириш, тадбиркорлик субъектлари инновацион фаоллигини оширишга салбий таъсир этувчи омиллар мавжуд бўлиб, улар қаторига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- инновацион фаолиятни амалга оширишнинг барча босқичлари учун тизимли, аниқ тузилишга эга қонунчилик базасининг такомил эмаслиги;

- «тадқиқот-ишланма-ишлаб чиқариш-сотиш» занжирини амалга ошириш имкониятининг ишлаб чиқарувчилар билан илмий-тадқиқот олиб борувчилар ўртасидаги интеграция ривожланмаганлиги сабабли чекланганлиги;

- инновацион фаол корхоналар фаолияти учун мақбул шароитлар ва муҳитнинг етарли даражада шаклланмаганлиги;

- инновацион инфратузилманинг айрим бўғинларини ривожлантириш заруриятининг мавжудлиги ҳамда инновацион инфратузилма субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги.

Ушбу омиллар таҳлили тадбиркорлик тузилмаларининг инновацион фаоллигини ривожлантириш учун зарур инфратузилмани шакллантиришда муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Жаҳон инновациялар бозорида рақобатнинг кучайиши шароитида инновация инфратузилмасининг аҳамияти тобора ортиб борди. Бундай ҳолат инновацион фаолият инфратузилмасини шакллантиришнинг илмий-назарий жиҳатларини тадқиқ қилиш заруриятини келтириб чиқарди. Иқтисодий адабиётларда инновацион фаолият инфратузилмаси категорияси турлича талқин этилади, ушбу мазмунда қўлланиладиган атамалар ҳам турлича, жумладан, илмий-тадқиқот инфратузилмаси, фан инфратузилмаси, инновацион инфратузилма, технологияларни тижоратлаштириш инфратузилмаси ва ҳ.к. Натижада иқтисодчилар томонидан инновацион фаолият инфратузилмасига берилган таърифлар бир-биридан фарқланади.

Жумладан, миллий инновация тизимининг (МИТ) фаолияти жараёнида ривожланган мамлакатларда инновацияларнинг билимларга эга бўлиш соҳасидан ишлаб чиқариш соҳасига ўтказилиши алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаган ҳолда, А.М.Қодиров бунга интеллектуал мулк ва инновацион инфратузилма объектлари бозорларини яратиш орқали эришиш мумкинлигини кўрсатади. Унинг фикрича, инфратузилма объектлари деганда, бизнес-инновациялар, телекоммуникациялар ва савдо тармоқлари, технопарклар, бизнес-инкубаторлар, инновацион-технологик марказлар, консалтинг фирмалар, молия-

вий ва бошқа тузилмалар тушунилади<sup>1</sup>. Европа Иттифоқи мамлакатларида университет инновация марказлари, технологиялар трансфери марказлари, технологик брокерлар агентликлари, янги технологияларнинг минтақавий марказларини ривожлантириш орқали амалга ошириладиган университетлар билан саноат кооперацияси фаол қўллаб-қувватланади.

Ш.Синдаровнинг изланишларида саноат сиёсатини тадқиқот субъекти ва объектига ажратган ҳолда кўриб чиқадиган бўлсак, у ҳолда бир томонда саноат корхоналари, инновацион ва инвестицион таъминотини ўз ичига олган саноат инфратузилмаси, иккинчи томондан эса бозор муносабатлари тизимлари ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солувчи бозор механизмлари жойлашади. Ушбу инфратузилманинг асосий ташкил этувчилари қуйидагилар:

1. Илмий-техник ахборотнинг давлат тизими.

2. Маҳсулотни стандартлаш ва сertiфикациялаш давлат тизими.

3. Илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими. Бу тизим ўз ичига Ўзбекистон илмий-тадқиқотлар фонди, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва бошқаларни олади<sup>2</sup>.

Илмий адабиётларда инновация инфратузилмаси илмий, илмий-техник, инновацион фаолият циклини қамраб олувчи ва ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи тизимлар ҳамда уларга мос, кўп даражали тузилишга эга бўлган ташкилий элементлар

мажмуаси сифатида қаралади<sup>3</sup>. Бундай қараш, фикримизча, инновация инфратузилмасининг қуйидаги хусусиятларини акс эттирмайди:

– инфратузилма муассасалари маҳсулот ишлаб чиқармайди, улар турлича хизматларни кўрсатади;

– бу хизматлар инновацион фаолиятни зарур ресурслар (товар, хом ашё, молиявий, интеллектуал, меҳнат ва ҳ.к.) билан таъминлашга боғлиқ;

– инфратузилма муассасалари турли мулк шаклига ва бунга мувофиқ равишда турли хил ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга;

– хизматлар инновацион фаолиятнинг қандайдир босқичини эмас, балки бутун инновация жараёнини таъминлашга йўналган бўлади.

Ушбу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, инновацион инфратузилма инновация жараёнининг барча босқичларида инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларнинг эркин ҳаракат қилишини таъминлаш бўйича хизмат кўрсатувчи турли ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга бўлган, турли йўналишда фаолият кўрсатувчи, ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи ташкилотлар мажмуасидан иборат.

Инновация инфратузилмасининг асосий тузилмалари 1-жадвалда берилган. Шунини таъкидлаш керакки, инновация инфратузилмасининг шакллари турли-туманлигига қарамай, уларнинг амал қилиш жараёни зиддиятлидир, бундай ҳолатни инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи муассасалар ўз фаолиятини амалга оширишда дуч келадиган муаммоларнинг кўплиги билан ифодалаш мумкин.

Умумлаштирилган ҳолда инновацион фаолият инфратузилмаси ривожланишида

<sup>1</sup> Қодиров А.М. ва б. Миллий иқтисодийetni модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш. / Монография. – Т.: «Iqtisodiyot», 2013. –13-б.

<sup>2</sup> Синдаров Ш.Э. Инновацион соҳада кичик корхоналар фаолиятини жадаллаштириш. // «Биржа-Эксперт», Т., 2009, 3-сон.

<sup>3</sup> Райхлина А.В. Совершенствование механизмов управления инновационной деятельностью. / «Партнерство бизнеса и образования в инновационном развитии региона»: Сборник научных трудов X Международной научно-практической конференции. – Тверь: «Документ-Центр», 2011. –С. 273–276.

**1-жадвал. Инновация инфратузилмасининг асосий тузилмалари<sup>1</sup>**

Инновацион фаолият ресурслари	Инфратузилма шакллари
Технологик қўллаб-қувватлаш	Инновацион технологик марказлар, технопарклар, технологик кластерлар, жорий этиш марказлари, ускунадан жамоа бўлиб фойдаланиш марказлари
Ахборот ва консалтинг	Технологиялар трансфери марказлари, технологияларни тижоратлаштириш офислари, бизнес-инкубаторлар. инновация марказлари, ахборот тармоқлари
Молиялаштириш	Бюджет ва нобюджет технологик ривожланиш фондлари, венчур фондлари, старт фондлар, бизнес-фаришталар <sup>2</sup> ассоциациялари, минтақавий фондлар
Кадрларни тайёрлаш	Олий ўқув юрталари ва инновация соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта таёрлаш, малакасини ошириш билан шуғулланувчи бошқа таълим муассасалари
Инновациялар савдосини қўллаб-қувватлаш	Кўргазма, ярмаркалар, электрон тижорат воситалари, махсус воситачи тузилмалар

дуч келувчи муаммоларни тўртта йирик гуруҳга ажратиш мумкин: умумий тизимий муаммолар, стратегик ривожланиш муаммолари, ахборот ва маркетинг таъминоти муаммолари.

Умумий тизимий муаммолар гуруҳи муаммоларининг вужудга келиши ҳанузгача инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими шаклланмаганлиги билан боғлиқ бўлиб, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- инновацион тадбиркорлар ва уларнинг инвесторларини қўллаб-қувватлаш тushунчаси бўйича яқдиллик мавжуд эмас;
- инновация рискларини суғурталаш тизими мавжуд эмас;
- давлат инновация сиёсати узвийлик хусусиятига эга эмас;
- инновацион тадбиркорликда давлат буюртмалари тизими мавжуд эмас;
- янги тадқиқот ва ишланмаларга бўлган ички талаб рағбатлантириш тизими шаклланмаган;
- мамлакатда инновацион фаоллик марказлари шаклланмаган.

Стратегик ривожланиш муаммолари қаторига интеллектуал ҳуқуқларни корхонага

<sup>1</sup> Манба: муаллиф томонидан тузилди.

<sup>2</sup> Бизнес-фаришталар – юқори рискли инновацияларни қўллаб-қувватловчи хусусий инвесторлар.

бириктиришга сарфланувчи харажатларни қоплаш тизими мавжуд эмаслиги, ресурс ва энергия тежашни рағбатлантириш тизими мукамал эмаслиги, инновацион фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятига етарли эътибор берилмаслигини киритиш мумкин.

Инновацион фаолият инфратузилмаси фаолиятидаги яна бир муҳим муаммолар гуруҳи инновацион фаолиятни маркетинг жиҳатидан қўллаб-қувватлаш бўғинларининг яхши ривожланмаганлигидир. Маркетинг бозор муҳитида фаолият кўрсатаётган ҳар бир корхона иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, халқаро ва мамлакатлараро рақобатнинг кучайиши инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар учун маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш долзарблигини оширади. Шу нуқтаи назардан муаммоларнинг ушбу гуруҳи қуйидагиларни қамраб олади:

- маркетинг харажатларини компенсация қилиш кўзда тутилмаган;
- инновациялар бозорини ўрганувчи тузилма мавжуд эмас;
- инновацион маҳсулотни бозорга киритиш тажрибаси мавжуд эмас;
- инновацион талабни ўрганиш ва рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилмаган;
- истеъмолчилар билан тескари алоқа механизми инфратузилмага киритилмаган.

Инновация инфратузилмаси инновация жараёни фундаментал тадқиқотлар-амалий тадқиқотлар – тажриба-конструкторлик ишлари – серияли ишлаб чиқариш – бозорга олиб чиқишдан иборат чизиқли тузилишга эга деган фикр мустақамланиб қолган. Ҳозирги даврга инновация циклининг чизиқли бўлмаган модели хос бўлиб, бизнес ва фаннинг ўзаро алоқаси илмий-тадқиқот фирмалари, тажриба-синов ишлаб чиқариши каби шаклларда юз бериши кузатилмоқда. Мавжуд инновацион фаолият инфратузилмасида фан-ишлаб чиқариш алоқасини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўғин етарли шакланмаган. Инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда ахборот таъминоти муаммолари қаторига қуйидагилар киради:

- инновацияларнинг ижтимоий реклама-сини ишлаб чиқариш йўлга қуйилмаган;
- илмий ишланмаларнинг ягона реестри берилган ахборот ресурси мавжуд эмас;
- инновацион консалтинг тизими ривожланмаган.

Ниҳоят, инновация инфратузилмаси муассасалари инновацион фаолият ривожланиши учун замонавий рақобатбардош ишлаб чиқаришларни яратиш борасида ҳудудларнинг жозибадорлиги омили сифатидаги инновация муҳитини шакллантириш тизимли шарт-шароитларни таъминлаб беролмайди. Инновация инфратузилмасини ташкил этувчи муассасаларнинг ҳар бири инновация жараёнини турли босқичларда қўллаб-қувватлашни кўзда тутаяди, инновация инфратузилмаси шаклланиши ва ривожланишига бундай тор ёндашувни ҳам назарий қарашларда, ҳам меъёрий ҳужжатларда учратиш мумкин. Бундай ёндашув самарали эмаслиги ва юқорида санаб ўтилган муаммоларни келтириб чиқариши шубҳасиз. Ушбу муаммоларнинг таҳлили натижасида инновацион фаолият инфратузилмасига қўйилувчи талабларни ўзгартириш заруриятини кўрсатади.

Бу муаммоларни ҳал қилиш йўналишлари аввало, инновацияларни қўллаб-қувватлаш

бўйича ягона давлат стратегиясини ишлаб чиқишни, маркетингни қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиришни, коммуникацияларнинг барча шакллари ривожлантириш, молиявий ва кадрлар билан таъминлашни қўллаб-қувватлашни уйғунлаштиришни кўзда тутаяди.

Инновация инфратузилмаси атамаси илмий адабиётларда кўп ҳолларда инновацион фаолият инфратузилмаси тушунчаси билан бир маънода қўлланилади. Аммо бу тушунчалар синоним бўла олмайди, чунки улар турли хил иқтисодий ҳодисаларни ифода қилади. Инновацион фаолият инфратузилмаси кенг тушунча бўлиб, унинг моҳиятини белгилашда инновацион фаолият тушунчасининг моҳиятига таяниш керак. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, инновацион фаолият яқунланган илмий тадқиқот ва лойиҳалар натижалари ёки бошқа илмий-техник ютуқларни (фан-техника ютуқларини) янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотга; бозорда сотиладиган, амалий фаолиятда фойдаланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнга, шунингдек, шу билан боғлиқ қўшимча илмий тадқиқот ва лойиҳаларга жорий қилишга йўналтирилган бўлганлиги сабабли инновацияларни қўллаб-қувватлаш жараёнида унинг миқдор кўрсаткичларигина эмас, балки инновация маданияти ривожланиши даражаси, янги билимларни тўплаш ва тарқатиш, бериш даражаси, инновациялар бозори ривожланиш даражасини билдиради. Қулай инвестиция муҳитининг мавжудлиги каби сифат кўрсаткичлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Шу сабабли ҳам инновацион фаолиятни инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизими шаклланиши ва ривожланиши институционал ёндашув асосида амалга оширилиши керак. Демак, инновацион фаолият инфратузилмаси деганда, инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни яратиш нуқтаи назардан инновация жараёнини таъминловчи институтлар йиғиндиси тушунилади.

**2-жадвал. Инновацион фаолият инфратузилмасини ташкил этувчи институтлар<sup>1</sup>**

Институтлар	Ташкилий шакллари
Ахборот институтлари	Ахборот, таҳлилий, илмий-техник марказлар, кутубхоналарнинг патент бўлинмалари, интернет ресурслар, кўргазма ва ярмаркалар, интеллектуал биржалар, конференциялар ва ҳ.к.
Молиявий	Инновация лойиҳаларини таъминлаб берувчи инвестиция фондлари ва бошқа молия манбалари
Кичик инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш	Бизнес-инкубаторлар, технопарклар, тадбиркорлар иттифоқлари, қонунчилик ва бизнесни ташкил қилиш хусусиятлари масалалари бўйича услубий ёрдам кўрсатувчи инновация марказлари
Технологик	Технологиялар трансфери, инновациялар диффузияси жараёнларида қатнашувчи ташкилотлар ёки ўзга инновацион воситачилар
Маркетинг	Сотиш бозорларини ўрганувчи, истеъмолчилар сегментацияси, инновацион маҳсулотнинг рақобат устунликларини ўрганувчи ташкилотлар
Билимлар иқтисодиёти	Узлуксиз таълим тизими шакллантирувчи таълим муассасалари, илмий конференция, тренингларни ташкил этувчи муассасалар
Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш	Патент идоралари, бюролар, офислари, технологиялар трансфери марказлари, суд ва ҳуқуқ-тартибот органлари
Давлатнинг бевосита тартибга солиш институтлари	Меъёрий ҳужжатлар, мақсадли дастурларни тайёрлаш ва назорат қилишда қатнашувчи давлат ташкилотлари

Инновацион фаолият инфратузилмасини ташкил этувчи институтлар 2-жадвалда келтирилган.

Шундай қилиб, инновацион фаолият инфратузилмаси аниқ мақсадлар, тамойиллар, турли методлар, механизмлар ва ихтисослашган институтлар асосида ишлаб чиқилган инновацион тадбиркорликни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тадбирларининг мувозанатга солинган тизимини акс эттириши лозим.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш вақтида давлатнинг инновацион тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига аралашуви кучли, қатъий, кенг миқёсларда бўлиши лозим, бозор ислохотларининг амалга оширилишига кўра у аста-секин эркинлашиб боради. Давлат томонидан инновацион фаолият инфратузилмасини яратишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш устувор бўлиши лозим:

– маҳаллий ишлаб чиқариш томонидан инновацияларнинг «юқори талаблилигини» оширишнинг ташкилий ва иқтисодий меха-

низмларини яратиш, фундаментал фанлар, муҳим амалий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг жадал ривожланишини таъминлаш;

– илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш;

– илмий-техник мажмуаларнинг бозор иқтисодиёти шароитларига мослашуви, фан, технология ва техникани ривожлантириш мақсадларида давлат ва хусусий капиталнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

– давлатнинг тартибга солиш ва бозор механизмларининг оқилона уйғунлигини, фан, технология ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишда илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятни бевосита ва билвосита рағбатлантириш тадбирларини яратиш;

– фан ва техника соҳасида олий малакали илмий ва муҳандис ходимларни тайёрлаш тизимини мукамаллаштириш;

– олий мактабнинг илмий-тадқиқот секторини кучайтириш.

<sup>1</sup> Манба: муаллиф томонидан тузилди.



**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
2. Райхлина А.В. Совершенствование механизмов управления инновационной деятельностью. / «Партнерство бизнеса и образования в инновационном развитии региона»: Сборник научных трудов X Международной научно-практической конференции. – Тверь: «Документ-Центр», 2011. –С. 273–276.
3. Синдаров Ш.Э. Инновацион соҳада кичик корхоналар фаолиятини жадаллаштириш. // «Биржа-Эксперт», Т., 2009, 3-сон.
4. Қодиров А.М. ва б. Миллий иқтисодийни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш. / Монография. – Т.: «Iqtisodiyot», 2013. –13-б.

**Абдувалиев А.А.,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқот маркази илмий котиби, иқтисод фанлари номзоди

# ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУҲИТИДА ИННОВАЦИОН ТИЗИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

---

## ***АБДУВАЛИЕВ А.А. ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУҲИТИДА ИННОВАЦИОН ТИЗИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ***

Мақолада ҳудудлар инновацион тизимининг ҳаётийлик даври босқичлари, ҳудудий инновацион тузилмаларнинг таснифланиши, инновацион салоҳиятнинг жамланиш омиллари ҳамда ҳудуднинг инновацион салоҳияти тузилмаси ёритилган.

Таянч иборалар: Ўзбекистон Республикаси, ҳудудлар, инновацион тизим, ҳудудларнинг инновацион тизими, инновацион салоҳият.

---

## ***АБДУВАЛИЕВ А.А. ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ В СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СРЕДЕ ТЕРРИТОРИЙ***

В статье рассмотрены этапы жизненного цикла инновационных систем территорий, классификация территориальных инновационных систем, факторы, влияющие на инновационный потенциал, а также структура инновационного потенциала территорий.

Ключевые слова: Республика Узбекистан, территории, инновационная система, инновационная система территории, инновационный потенциал.

---

## ***ABDUVALIYEV A.A. THEORETICAL FOUNDATIONS OF INNOVATION SYSTEMS IN SOCIAL AND ECONOMIC ENVIRONMENT OF REGIONS***

This article discusses the stages of life-cycle of territorial innovation systems, classification of the territorial innovation systems, the factors of influencing innovation potential and structure of innovation potential of the territories.

Key words: The Republic of the Uzbekistan, territory, innovation system, innovation system of the territory, innovation potential.

**Инновацион тизим тамойилининг шаклланиши XX асрнинг 1980-йилларда эски технологиялардан воз кечиш ва янги технологияларга тезликда ўтиш асосида шаклланди.**

Чунки XX асрнинг ўрталарида жаҳон иқтисодиётида технологияларнинг алмашинуви бир кишининг ҳаёт даврининг ўртача даврига тўғри келган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмидан ва бугунги кунга қадар янги технологияларнинг амалиётга жорий қилиниши ўртача 5-7 йилда, айрим тармоқларда ҳаттоки 2-3 йилда кузатилмоқда ва ушбу жараёнлар тобора қисқариб бормоқда. Албатта, янги технологиялар асосида биз янги илмий ёндашувлар, янги билимлар ва илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларни ва натижада, янги истеъмол инфратузилмаларни тушунишимиз мумкин.

Бу қаторда жаҳон иқтисодиётида интернет тармоғининг тобора ривожланиши тадбиркорликнинг янги йўналишлари ва турларининг яратилиши, таълимдаги туб ислохотларни амалга оширишда, маданиятнинг интеграциялашувида, ахборотларнинг алмашинувида инқилобий ўзгаришларга сабаб бўлганлигини эътироф этиш мумкин. Шунингдек, илм-фаннинг ривожланиши, унинг янги тадқиқот йўналишларининг очилиши, нанотехнологиялар, биотехнологиялар, генетик тадқиқотларнинг янада чуқурлашуви кенг имкониятларни очиб бермоқда. Буларнинг барчаси мамлакатнинг миллий инновацион ривожланиши асосини ташкил қилиши билан бирга, бевосита мамлакат ҳудудлари иқтисодиётининг ривожланишига илмий-тадқиқотларнинг ривожланиши, ҳудудларнинг тўлиқ очиб берилмаган имкониятлари ва захирларидан фойдаланиш имкониятларининг очиб берилишида муҳим элементлар ҳисобланиб, «инновацион тизимлар» деб аталади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Гузырь В.В. Национальная инновационная система как основа экономики качества жизни. / Дис. ... канд. экон. наук. – Томск, 2007. –С. 171.

«Инновацион тизимлар» бугунги кунга қадар кўплаб хорижий олимлар томонидан чуқур тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларнинг ёрқин намояндаларидан Й.Шумпетернинг «Иқтисодий динамика назарияси»<sup>2</sup>, Ф.Хайекнинг «Тарқоқ билимлар концепцияси»<sup>3</sup>, Д.Нортнинг «Институционал назарияси»<sup>4</sup> асосида ўрганилган бўлса, ҳудудларда инновацион тизимларнинг таркиби, хусусиятлари, ички ва ташқи омиллари сўнги йилларда Е.В.Ерохина<sup>5</sup>, А.А.Гретченко<sup>6</sup>, В.Ф.Исламутдинов<sup>7</sup> тадқиқотларидан ўрин эгаллаган.

М.Н.Попов ижтимоий-иқтисодий муҳитни ҳудудлардаги инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилишининг комплекс баҳоловчи кўрсаткичлар тизими сифатида кўриб, мамлакатнинг ягона иқтисодий муҳитида ҳудудий омиллардан унумли фойдаланишнинг шарти ва шароити деб ҳисоблайди<sup>8</sup>. Шу тариқа, ижтимоий-

<sup>2</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития: исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры: пер. с нем. / Под ред. А.Г.Милейковского. – М.: «Прогресс», 1982. –С. 455.

<sup>3</sup> Хайек Ф. Индивидуализм и экономический порядок. – М.: «Социум», 2011. –С. 205.

<sup>4</sup> Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. / Пер. с англ. А.Н.Нестеренко; предисл. и науч. ред. Б.З.Мильнера. / Фонд экономической книги «Начала». – М., 1997. –С. 180.

<sup>5</sup> Ерохина Е.В. Формирование и развитие региональных инновационных подсистем. / Автореф. дис. ... д-ра экон. наук. – М., 2014. –С. 51.

<sup>6</sup> Гретченко А.А. Развитие методологии и совершенствование механизмов формирования национальной инновационной системы России. / Дис. ... д-ра экон. наук. – М., 2014. –С. 351.

<sup>7</sup> Исламутдинов В.Ф. Сущность и классификация институтов институциональной среды инновационной деятельности. // Journal of Institutional Studies (Журнал институциональных исследований). 2014, т. 6, № 2. –С. 79–91.

<sup>8</sup> Попов М.Н. Анализ и оценка социально-экономической среды реализации региональных инвестиционных проектов: автореф. / Дис. ... канд. экон. наук. – Ставрополь, 2012. –С. 19.

**1-жадвал. Ҳудудларнинг инновацион тизимининг ҳаётийлик даври босқичлари<sup>1</sup>**

Ҳаётийлик даврининг босқичлари	Алоҳида жиҳатлари	Сифат ва сон кўрсаткичлари
Шаклланиш	Бунда яхши ривожланган ижтимоий муҳит мавжуд бўлиб, расмий ва норасмий бирлашмаларнинг инновацион фаолиятини таъминлашга хизмат қилади ва унинг натижасида инновацион жиҳатларга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва индивидуал лойиҳалар амалга оширилади	– жами маҳсулотлар улушида инновацион маҳсулотларнинг улуши ҳамда кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишларнинг улуши 5%дан кам бўлмайди; – бюджетнинг молиялаштирилиши жами бюджетнинг 1%дан кам кўрсаткичини ташкил қилади; – ривожланган ижтимоий-иқтисодий муҳит; – ташкилотларнинг фаол инновацион фаолияти
Ўсиш	Оддий расмий бирлашмаларнинг фаолияти ташкил этилган бўлади (ташкилотлар, инфратузилмалар) ва уларнинг натижасида ҳудудда инновацион сиёсат қабул қилинган бўлиб, инновацион лойиҳалар амалга оширилади ва уларнинг натижасида инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарилади	– ривожланган инновацион инфратузилма ва самарадорликка эришилган иерархик алоқалар; – жами маҳсулотлар улушида инновацион маҳсулотларнинг улуши ҳамда кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишларнинг улуши 5%дан 15%гачани ташкил қилади; – тасдиқланган инновацион сиёсат ва унинг бюджетдан молиялаштирилиши 1%дан 1,5%гачани ташкил қилади
Етуклик	Мураккаб кўринишдаги расмий ташкилотлар фаолияти ташкил қилинган бўлади (инновацион кластерлар, инновацион инфратузилма, халқаро ва ҳудудлараро инновацион гуруҳлар) киради. Уларнинг фаолияти натижаси тармоқлараро фундаментал ва амалий шаклдаги лойиҳалар, расмий шаклдаги бирлашмалар фаолияти фаол бўлиб, улар томонидан рақобатбардош инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, ҳудудларда комплекс инновацион сиёсат амалга оширилади, давлат корпорацияларининг инновацион ишланмаларни амалиётга жорий қилиш дастурлари амалда ишлайди	– комплекс инновацион сиёсатнинг амалга оширилиши, унинг натижасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча жаҳаларида инновацияларнинг жорий қилиниши таъминланади; – жами бюджетдан молиялаштирилиши 1%дан 1,5%гачани ташкил қилади; – жами маҳсулотлар улушида инновацион маҳсулотларнинг 15%дан юқорисини ташкил қилади; – инновацион маҳсулотлар ва технологияларнинг жами экспортдаги улуши 10%дан юқорини ташкил этади
Эскириш	Аввал ташкил қилинган инновациялар инфратузилмаси фаолият юритади ва уларнинг асосида инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши таъминланади, аммо корхоналарнинг инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва инновацион фаоллиги пасаяди	– жами маҳсулотлар улушида инновацион маҳсулотларнинг сотилиши 5%дан кам кўрсаткични ташкил қилади ёки инновацион маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши буткул тўхтатилади; – инновациялар учун бюджет ажратмалари жами бюджет ажратмаларининг 1%дан кам кўрсаткични ташкил қилади

<sup>1</sup> Малышев Ю.А. Подходы в формировании инновационной системы Пермского края. // Вестник Перм. ун-та. «Экономика», 2009, № 1. –С. 75–80.

2-жадвал. Ҳудудий инновацион тузилмаларнинг олимлар томонидан таснифланиши<sup>1</sup>

Инновацион тузилмаларни таснифлаган муаллифлар	Субъектлари	Мақсад (натижа)	Инструмент ёки ресурслар
С.Меткальф (1995) <sup>1</sup>	Турли хилдаги кўплаб институтлар	Янги технологияларни яратиш, ривожлантириш ва тарқатишда хизмат қилади	Инновацион жараёнга таъсир қилувчи давлат сиёсати
Ч.Эдквист (1997) <sup>2</sup>	Барча зарурий бўлган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ташкилий ва бошқа омиллар	Инновацияларни ишлаб чиқиш, тарқатиш ва фойдаланиш	Ташкилотларнинг ўзаро алоқадорлигини яратишга хизмат қилувчи институтлар
А.А. Гретченко (2014) <sup>3</sup>	Мустақил хўжалик субъектлар (бизнес тузулмалар, илмий-тадқиқот муассасалари) ва институтлар (ҳуқуқий, молиявий ва ижтимоий)	Мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва стратегик мақсадларни амалга оширишда рақобатбардош билимлар ва технологияларни яратиш ва тарқатиш	Давлатнинг тегишли ҳужжатларида инновацион сиёсатнинг стратегияси ва устувор йўналишларини белгилаш; Инновацион хўжалик юритувчи субъектлар (йирик илмий-саноат корпорациялар, юқори технологик саноат ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар)

иқтисодий муҳитнинг ҳолати бир қатор омиллар асосида белгиланади, шу жумладан, инновацияларни ривожлантириш омиллари билан ҳам. Муҳими шундаки, ҳудуднинг инновацион тизими (ҲИТ) ҳамма шароитда ҳам ривожланмасдан, фақат инновацион жараёнларнинг барқарор ривожланиши шароитида рўй беради.

ҲИТнинг ривожланиши босқичма-босқич ва имкониятларининг ортиши ёки аксинча пасайиши билан бевосита боғлиқ.

<sup>1</sup> Иқтисодий адабиётларнинг ўрганилиши асосида муаллиф томонидан ишланган.

<sup>2</sup> Metcalfe S. The Economic Foundations of Technology Policy: Equilibrium and Evolutionary Perspectives // Handbook of the Economics of Innovation and Technological Change / ed. P. Stoneman. – Oxford; Cambridge: Blackwell Publishers, 1995.

<sup>3</sup> Systems of Innovation: Technologies, Institutions and Organizations / ed. C. Edquist. – London: Pinter/Cassell, 1997.


<sup>4</sup> Гретченко А.А. Развитие методологии и совершенствование механизмов формирования национальной инновационной системы России. / Дис. ... д-ра экон. наук. – М., 2014. –С. 351.

Бунда ҲИТнинг ҳаётийлик даври шаклланади, унда шаклланиш, ўсиш, етуклик ва эскириш жараёнлари мужассамлаштирилган бўлади (1-жадвал).

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, бугунги кунда ҲИТларнинг ривожланишини бошқаришнинг универсал тузилмаси ҳамда ҲИТларнинг ягона белгиланиши ҳам мавжуд эмас. Аммо ҲИТларнинг олимлар томонидан назарий ёндашувларини тизимлаштирилиши мақсадга мувофиқдир (2-жадвал).

Назариялар ва уларнинг амалий қўлланилмаларининг таҳлили асосида ҲИТлар ривожланишини бошқаришнинг 4 та асосий ёндашувларини белгилаш мумкин: институционал, функционал, жараёнли ва омилли.

Институционал ёндашувда ҲИТларнинг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳит белгиланади ҳамда инновацион салоҳиятни жамлаш амалга оширилади.

1-расм. Инновацион салоҳиятнинг жамланиш омиллари<sup>1</sup>

Институционал ёндашув, ҲИТлар институтининг асосини ташкил қилади, ҲИТнинг ривожланишига барқарор муҳитни таъминлайди ва ижтимоий-иқтисодий ва инновацион муҳит ҳисобига инновацион салоҳиятни жамлаш омилларини белгилайди. Бунга ташкилотлар, қонун-қоидалар, анъаналар, ҳамда мустақкам алоқалар ва тизимларни киритиш мумкин.

ҲИТларни ривожлантиришни бошқариш давлат ташкилотлари ва уларга мутассади ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида таъминловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг рўйхати тузилади – улар инновацион инфратузилмани ташкил этадилар ва стратегик тармоқларнинг ривожланишини таъминлайдилар, улар қаторига, фан ва таълим, инновацион тадбиркорлик киради.

Умуман олганда, ҳудуднинг инновацион ва ижтимоий-иқтисодий муҳити деганда, ресурсларга эгалик қилувчи ва истеъмолини амалга оширувчи чегараланган муҳит тушунилиб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолияти мазкур ҳудудда инновацион салоҳиятнинг яратилиши ва тўпланишига олиб келади.

<sup>1</sup> Ахметова М.И. Механизм управления развитием инновационной системы региона на основе оценки взаимовлияния социально-экономической и инновационной среды. / Диссертация на соис. уч. степени канд. эк. наук. – Пермь, 2015. -С. 30.


Ўз навбатида, инновацион салоҳиятнинг тўпланганлик даражасини ижтимоий-иқтисодий ва инновацион муҳитнинг шароитлари билан белгилаш мумкин (1-расм).

1-расмда келтирилган инновацион салоҳият тушунчаси алоҳида эътиборни талаб қилади, чунки бу ҲИТни ривожлантириш омилнинг муҳим бўғинини ташкил этади.

И.В.Антоненконинг фикрича, инновацион салоҳият деганда, асосан «ресурслар» ва «имкониятлар»нинг йиғиндиси тушунилади. Шунингдек, кўп ҳолларда инновацион салоҳият ресурсларнинг йиғиндиси сифатида қаралади (масалан, молиявий, моддий, интеллектуал ва илмий-техник), чунки булар инновацион фаолиятни амалга ошириш ва инновацион технологиялар, маҳсулотлар ва хизматларни яратишда хизмат қиладилар<sup>2</sup>.

Бизнинг фикримизча, ҳудуднинг инновацион салоҳиятини бир нечта муҳим омиллар белгилайди ва ушбу омилларнинг мавжуд бўлиши ҳамда уларнинг ривожланганлик даражаси ҲИТнинг самарали фаолиятини таъминлайди. Буларга, ҳудудда технологик салоҳиятнинг мавжуд бўлиши ва унга таянган ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги ва молиявий манбаларнинг талаб қилинганлик даражасида мавжуд бўлиши,

<sup>2</sup> Антоненко И.В. Инновационный потенциал региональной экономики: формирование и реализация. / Автореф. дис. ... д-ра экон. наук. – Волгоград, 2014.

2-расм. Худуднинг инновацион салоҳияти тузилмаси<sup>1</sup>

ҳудудда интеллектуал салоҳият ва илмий тадқиқот базасининг мавжуд бўлиши ҳамда ахборот-ресурс, таълим тизими ва кадрлар билан таъминланганлик салоҳиятларининг мавжуд бўлиши назарда тутилади (2-расм).

2-расмда ҳудуднинг инновацион салоҳияти тузилмасида кўрсатиб ўтилган салоҳиятларнинг тўлиқ мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин. Ушбу ҳолатда инновацион салоҳиятни икки қисмга ажратиш ҳам мумкин, булар амалга оширилган ёки «намоён бўлган» инновацион салоҳият ҳамда амалга оширилмаган, яъни «яширинган» инновацион салоҳият ёки очилмаган имкониятлар. Албатта инновацион салоҳиятнинг шу каби тизимлаштирилиши ва унинг асосида ўрганилиши ҳудуднинг инновацион салоҳиятини тўлиқ ўрганишга имкониятлар яратиб беради.

Фикримизча, 2-расмда келтирилган ҳудуднинг инновацион салоҳиятини ташкил қилувчи тузилма Ўзбекистон шароитида кўриладиган бўлса, мазкур келтирилган

таркибий қисмларнинг барчаси мавжуд. Улардан мамлакатнинг инновацион ривожланишини таъминлашда молиявий ва моддий ресурслар қаторида фойдаланиш инновацион ислоҳотларни амалга оширувчи малакали мутахассисларга боғлиқдир (3-жадвал). Шу билан бирга, улар фақат бир ҳудудда эмас, балки мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйлаб тақсимланганлиги муҳим ҳисобланади, чунки мамлакатнинг саноати ёки хизмат кўрсатиш салоҳияти ҳудудларда мутаносиб тақсимланиши ижтимоий-иқтисодий барқарорликни ҳар томонлама таъминлашга хизмат қилади.

3-жадвалдан 2010-2014 йилларда республика бўйича жами илмий ходимларнинг сони 1412 нафарга кўпайганлигини кўриш мумкин: Қорақалпоғистон Республикасида 185 нафарга, вилоятлардан Андижонда – 192, Бухорода (республика бўйича энг юқори кўрсаткич) – 354, Жиззахда – 190, Самарқандда 174 нафарга кўпайганлигини ва аксинча Навоий (-35), Сирдарё (-8), Тошкент (-58) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида (-787) камайганлигини кўриш мумкин. Шу билан бирга, жами олий таъ-

<sup>1</sup> Иқтисодий адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан ишланди.

3-жадвал. Ўзбекистон Республикасида илмий ходимларнинг сон кўрсаткичи<sup>1</sup>

	2010	2011	2012	2013	2014
Ўзбекистон Республикаси бўйича жами илмий ходимлар (ОТМларнинг илмий-педагогик ходимларини қўшган ҳолда)	35550	36173	35104	35253	35836
Шу жумладан, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини бажарган тадқиқотчи-мутахассислар	30043	30890	29450	30035	30875
Улардан илмий даражага эга бўлганлар					
Фан доктори	2526	2456	2224	2114	2055
Фан номзоди	9218	9401	9169	8978	8737
Худудлар бўйича илмий ходимларнинг сони					
Қорақалпоғистон Республикаси	1649	1767	1705	1806	1834
вилоятлар:					
Андижон	1467	1443	1382	1491	1659
Бухоро	1523	1358	1207	1265	1285
Жиззах	593	657	687	676	947
Қашқадарё	892	976	1020	1095	1082
Навоий	1012	1003	944	917	977
Наманган	938	897	1085	1081	1022
Самарқанд	2917	2984	2956	2846	3091
Сурхондарё	502	581	530	556	555
Сирдарё	383	429	387	382	375
Тошкент	2107	2110	2048	2186	2049
Фарғона	1690	1455	1267	1785	1756
Хоразм	663	636	797	828	777
Тошкент ш.	19214	19877	19089	18339	18427

лим муассасаларининг илмий-педагогик ходимларини қўшган ҳолда илмий ходимларнинг бевосита илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини бажарган тадқиқотчи-мутахассисларнинг 2014 йилдаги улуши 86%ни ташкил этганлиги кузатилса, ушбу кўрсаткич таҳлил қилинаётган бошқа даврларда нисбатан паст кўрсаткичларни ташкил этган. Эътибор қаратиш лозимки, илмий тадқиқотга жалб қилинган фан докторлари ва фан номзодларининг сони ҳам камайиб борган ва бундан хулоса қилиш мумкинки, илмий тадқиқот фаолиятида фан докторлари ва фан номзодлари жалб қилиниши пасайган.

Албатта ҲИТнинг яратилишида институционал асоснинг мавжуд бўлмаслиги унинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Инсти-

туционал ёндашувни шакллантириш учун зарурий ҳуқуқий ва методик базанинг, махсус ташкилотларнинг (ҳукумат ташкилотлари, саноат кластерлари, бизнес-инкубаторлар, технопарklar, инновацион шаҳарлар ва бошқалар) яратилиши ҳамда алоқадорликнинг янги турларидан кенг фойдаланиш (форсайт, «йўл хариталари» ва бошқалар) мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҲИТнинг ривожланиши бир нечта ижтимоий-иқтисодий ва ҳудудий омиллар таъсири остида ривожланади ва у ҳудуднинг майдони, табиий ресурсларнинг мавжуд бўлиши ва уларнинг таркиби, географик жойлашуви ва иқлими, ишлаб чиқаришнинг йўналиши ва унинг мавжудлиги ҳамда ҳудудни бошқаришнинг таркибига боғлиқ бўлади. Ушбу омиллар инновацион фаолликнинг динамикаси ва йўналишини белгилаб беради.

<sup>1</sup> «Ўзбекистонда олий таълим» статистик тўплами (2015, 236-237-б) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланди.



ҲИТ ижтимоий-иқтисодий муҳитда ресурсларнинг истеъмолчиси ва шу билан бирга ресурсларнинг яратувчиси сифатида намоён бўлади. Ҳудуднинг инновацион ривожланиши аввало ресурсларнинг мавжудлиги, уларнинг тақсимланганлиги ва энг муҳими инновацион ривожланишнинг маълум даврида мавжуд бўлишига боғлиқ бўлади<sup>1</sup>.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши амалиётдан маълумки, инновацион жараёнларда глобаллашув тамойиллари таъсири остида миллий чегаралар деярли бўлмайди ва трансмиллий корпорациялар ўзларининг ишлаб чиқариш кучларини ва сотиш тармоқларини айнан рақобат муҳити мавжуд бўлган жойларга жойлаштиришади, чунки айрим ҳудудлар уларнинг географик жойлашувидан бошлаб, тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятларига таянган ҳолда улкан имкониятларга эгадирлар.

ҲИТнинг ривожланиши натижаси турли хилдаги инновацион фаолликлар кўринишида намоён бўлиши мумкин, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлақонли инновацион жараёнларда иштироки ва

унинг натижасида инновацион маҳсулотлар ва билимлар яратилишида намоён бўлади.

Субъектларнинг вазифаси ҲИТларнинг ривожланишини бошқариш – ғояларнинг генерациясини қўллаб-қувватлаш ва натижада ғояларни тайёр маҳсулотларга айлантириш, билимларни мувофиқлаштириш, ресурсларга етишиш, маҳсулотларни тарқатиш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, истеъмолнинг янги маданиятини шакллантириш ҳамда доимий равишда ҳудудда инновацион фаолликнинг мониторингини юритишни ташкил этиш<sup>2</sup>.

Ҳудуднинг инновацион ривожланиши ресурслар ва уларни қўлга киритиш имкониятининг мавжуд бўлиши асосий омил бўлиб хизмат қилмайди, аксинча, ушбу ҳолатда ресурсларнинг мақсадли тақсимланишини таъминлайдиган институтларнинг мавжуд бўлиши ва самарали фаолият кўрсатиши муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу муносабат билан, ҲИТни ривожлантиришнинг институтционал асосларининг ҳам чуқур тадқиқ қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

### Адабиётлар:

1. Ахметова М.И. Механизм управления развитием инновационной системы региона на основе оценки взаимовлияния социально-экономической и инновационной среды. / Диссертация на соис. уч. степени канд. эк. наук. – Пермь. 2015. –С. 30.
2. Антоненко И.В. Инновационный потенциал региональной экономики: формирование и реализация. / Автореф. дис. ... д-ра экон. наук. – Волгоград, 2014.
3. Гретченко А.А. Развитие методологии и совершенствование механизмов формирования национальной инновационной системы России. / Дис. ... д-ра экон. наук. – М., 2014. –С. 351.
4. Гузырь В.В. Национальная инновационная система как основа экономики качества жизни. / Дис. ... канд. экон. наук. – Томск, 2007. –С. 171.

<sup>1</sup> Жихарев К.Л. Методология управления развитием региональной инновационной системы. / Автореф. дис. ... д-ра экон. наук. – М., 2011. –С. 39.

<sup>2</sup> Куприянов С.В., Стряжкова Е.А., Заркович А.В. Методические подходы к оценке региональных инновационных систем [Электронный ресурс] // Фундаментальные исследования. 2014, № 9–4. –С. 809–812. – Режим доступа: [www.rae.ru/fs/?section=content&op=show\\_article&article\\_id=10004200](http://www.rae.ru/fs/?section=content&op=show_article&article_id=10004200).

5. Ерохина Е.В. Формирование и развитие региональных инновационных подсистем. / Автореф. дис. ... д-ра экон. наук. – М., 2014. –С. 51.
6. Жихарев К.Л. Методология управления развитием региональной инновационной системы. / Автореф. дис. ... д-ра экон. наук. – М., 2011. –С. 39.
7. Исламутдинов В.Ф. Сущность и классификация институтов институциональной среды инновационной деятельности. // Journal of Institutional Studies (Журнал институциональных исследований). 2014, т. 6, № 2. –С. 79–91.
8. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. / Пер. с англ. А.Н.Нестеренко; предисл. и науч. ред. Б.З. Мильнера. // Фонд экономической книги «Начала». – М., 1997. –С. 180.
9. Попов М.Н. Анализ и оценка социально-экономической среды реализации региональных инвестиционных проектов. / Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Ставрополь, 2012. –С. 19.
10. Малышев Ю.А. Подходы в формировании инновационной системы Пермского края // Вестник Перм. ун-та «Экономика», 200, № 1. –С. 75–80.
11. Куприянов С.В., Стрябкова Е.А., Заркович А.В. Методические подходы к оценке региональных инновационных систем [Электронный ресурс]. // Фундаментальные исследования. 2014, № 9–4. –С. 809–812. – Режим доступа: [www.rae.ru/fs/?section=content&op=show\\_article&article\\_id=10004200](http://www.rae.ru/fs/?section=content&op=show_article&article_id=10004200).
12. Шумпетер Й. Теория экономического развития: исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры. / Пер. с нем., под ред. А.Г.Милейковского. – М.: «Прогресс», 1982. –С. 455.
13. Хайек Ф. Индивидуализм и экономический порядок. – М.: «Социум», 2011. –С. 205.
14. Ўзбекистонда олий таълим. Статистик тўплам. 2015. -236-237-б.
15. Metcalfe S. The Economic Foundations of Technology Policy: Equilibrium and Evolutionary Perspectives. // Handbook of the Economics of Innovation and Technological Change / ed. P. Stoneman. – Oxford; Cambridge: Blackwell Publishers, 1995.
16. Systems of Innovation: Technologies, Institutions and Organizations / ed. C. Edquist. – London: Pinter/Cassell, 1997.

<b>ШОДМОНОВ ШЕРҚУЛ</b>	Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори
<b>ХАЙДАРОВ МИРЁҚУБ ТОЖИЕВИЧ</b>	«Иқтисод ва молия» журналининг Таҳририят кенгаши аъзоси, иқтисод фанлари номзоди, доцент
<i>e-mail:</i>	<i>m.khaydarov@itm.uz</i>
<b>МАДРАҲИМОВ УЛУҒБЕК АБДУХАЛИЛОВИЧ</b>	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти доценти, иқтисод фанлари номзоди
<i>e-mail:</i>	<i>ulugbekma@rambler.ru</i>
<b>УСМАНОВ ЗАКИР КАРИМОВИЧ</b>	Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқот маркази кичик илмий ходими
<i>e-mail:</i>	<i>uzk.com@mail.ru</i>
<b>ҚЎЗИЕВ КОМИЛЖОН ФАЙЗИЕВИЧ</b>	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти катта илмий ходим-изланувчиси
<i>e-mail:</i>	<i>seep@yandex.ru</i>
<b>ЭШНАЗАРОВ ТЎЛҚИН ШЕРАЛИЕВИЧ</b>	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, иқтисод фанлари доктори
<b>ТАШНАЗАРОВ САМИДДИН НИЗАМОВИЧ</b>	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди
<i>e-mail:</i>	<i>tashnazarov68@mail.ru</i>
<b>РАҲМОНОВ РАСУЛ НЕЪМАТОВИЧ</b>	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт» факультети «Минтақавий иқтисодиёт» кафедраси доцент вазифасини бажарувчиси, иқтисод фанлари номзоди
<i>e-mail:</i>	<i>rarfuture@mail.ru</i>
<b>ҒУЛОМОВА ГУЛНОРА ПАТАХКАМАЛОВНА</b>	Тошкент ислом университети катта ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди
<i>e-mail:</i>	<i>ggulyamova@yandex.ru</i>
<b>АБДУВАЛИЕВ АБДУЛАЗИЗ АБДУВАЛИЕВИЧ</b>	Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқот маркази илмий котиби, иқтисод фанлари номзоди
<i>e-mail:</i>	<i>abduvaliev@inbox.ru</i>

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар Академияси  
Қорақалпоғистон бўлими

ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон  
иқтисодий ва ривожлантириш  
илмий асослари ва муаммолари»  
ИТМ

## НАШР ОРГАНИ

2016, 7.

**Ношир:** Инновацион технологиялар маркази

**Таҳририят кенгаши  
раиси:**

**Аимбетов Нагмет Қаллиевич** –  
иқтисод фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими директори.

**Таҳририят Кенга-  
шининг Халқаро  
аъзолари:**

**Дайнеко Алексей Евгеньевич** –  
иқтисод фанлари доктори, профессор,  
Беларусь Миллий Фанлар Академияси  
мухбир аъзоси (Беларусь Республикаси);  
**Нурланова Наиля Капеновна** –  
иқтисод фанлари доктори, профессор  
(Қозғоғистон Республикаси);  
**Шеломенцев Андрей Геннадьевич** –  
иқтисод фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси).

**Таҳририят Кенгаши  
аъзолари:**

**Афзалов Зокирхон** –  
техника фанлари доктори, профессор  
**Вахабов Абдурахим Васикович** –  
иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Исманов Иброҳим Набиевич** –  
иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Ражаббаев Шароф Раҳимбердиевич** –  
иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Содиқов Авазбек Мадаминович** –  
иқтисод фанлари доктори  
**Тростянский Дмитрий Валерьевич** –  
иқтисод фанлари доктори  
**Умурзаков Баходир Хамидович** –  
иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Хайдаров Мирёкуб Таджиевич** –  
иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Хайдаров Низомиддин Хамроевич** –  
иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Рузметов Бахтиёр** –  
иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Хуррамов Азамат Файзуллаевич** –  
иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Шадманов Адҳам Хурсанбоевич** –  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис  
Қонунчилик палатасининг Бюджет  
ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси  
раиси  
**Эшназаров Тўлқин Шералиевич** –  
иқтисод фанлари доктори  
**Авазов Эргаш Хидирбердиевич** –  
иқтисод фанлари номзоди, доцент

**Таҳририят:**

**Расулев Алишер Файзиевич** –  
Бош муҳаррир, иқтисод фанлари доктори,  
профессор  
**Муминов Нозим** –  
Бош муҳаррир ўринбосари, иқтисод  
фанлари номзоди, доцент  
**Махмудов Носир Махмудович** –  
иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Абдувалиев Абдулазиз Абдувалиевич** –  
иқтисод фанлари номзоди  
**Ашурова Насиба Батировна** –  
иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Абидов Баходир Қазимович** –  
Инновацион технологиялар маркази  
директори, иқтисод фанлари номзоди,  
доцент  
**Раҳимқариев Шухрат** –  
нашр учун масъул

**Электрон нашр  
лойиҳаловчиси:**

**Ирисматов Данил**

Таҳририят манзили: 100115, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чилонзор 2-мавзе, Арнасой кўчаси, 34/14, ИТМ  
Тел.: (99871) 277-80-87; www.itm.uz, e-mail: iqtisodvamoliya@itm.uz

Журнал Тошкент вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида 2007 йил  
24 декабрда 03-047 рақами билан рўйхатга олинган.

Журналнинг «Matbuot tarqatuvchi» АК буна каталогиди индекси - 1170

Ўлчам: 60x84 1/8. Ҳажми: 8 б.т. Босишга рухсат этилди: 14.09.2016 й.

Офсет усулида босилди. 277-бунюртма. Адади 2230.

«Print Line Group» ХК босмаҳонасида босилди.

Тошкент ш., Бунёдор шоҳқўчаси, 44.

Журнал ойда бир марта чиқади.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Иқтисод ва молия» журналдан кўчириб босиш фақат таҳририятнинг  
ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Таҳририят фикри муаллифлар фикрига мос келмаслиги мумкин.

## ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН

Каракалпакского отделения  
Академии Наук Республики  
Узбекистан

НИЦ «Научные основы и  
проблемы развития экономики  
Узбекистана» при ТГЭУ

№ 7, 2016.

**Издатель:** Центр инновационных технологий

**Председатель редак-  
ционного Совета:**

**Аимбетов Нагмет Каллиевич** –  
доктор экономических наук, профессор,  
Директор Каракалпакского отделения АН РУз.

**Международные Члены  
Редакционного совета:**

**Дайнеко Алексей Евгеньевич** –  
доктор экономических наук, профессор  
Член корреспондент Национальной  
Академии Наук Беларуси (Республика  
Беларусь);  
**Нурланова Наиля Капеновна** –  
доктор экономических наук, профессор  
(Республика Казахстан);  
**Шеломенцев Андрей Геннадьевич** –  
доктор экономических наук, профессор  
(Российская Федерация).

**Члены Редакционно-  
го совета:**

**Афзалов Зокирхон** –  
доктор технических наук, профессор  
**Вахабов Абдурахим Васикович** –  
доктор экономических наук, профессор  
**Исманов Иброҳим Набиевич** –  
доктор экономических наук, профессор  
**Ражаббаев Шароф Раҳимбердиевич** –  
кандидат экономических наук, доцент  
**Содиқов Авазбек Мадаминович** –  
доктор экономических наук  
**Тростянский Дмитрий Валерьевич** –  
доктор экономических наук  
**Умурзаков Баходир Хамидович** –  
доктор экономических наук, профессор  
**Хайдаров Мирёкуб Таджиевич** –  
кандидат экономических наук, доцент  
**Хайдаров Низомиддин Хамроевич** –  
доктор экономических наук, профессор  
**Рузметов Бахтиёр** –  
доктор экономических наук, профессор  
**Хуррамов Азамат Файзуллаевич** –  
доктор экономических наук, профессор  
**Шадманов Адҳам Хурсанбоевич** –  
Председатель Комитета по бюджету  
и экономическим реформам  
Законодательной палаты Олий Мажлиса  
Республики Узбекистан  
**Эшназаров Тулкин Шералиевич** –  
доктор экономических наук  
**Авазов Эргаш Хидирбердиевич** –  
кандидат экономических наук, доцент

**Редакционная  
коллегия:**

**Расулев Алишер Файзиевич** –  
Главный редактор,  
доктор экономических наук, профессор  
**Муминов Нозим** –  
Заместитель главного редактора, кандидат  
экономических наук, доцент  
**Махмудов Носир Махмудович** –  
доктор экономических наук, профессор  
**Абдувалиев Абдулазиз Абдувалиевич** –  
кандидат экономических наук  
**Ашурова Насиба Батировна** –  
кандидат экономических наук, доцент  
**Абидов Баходир Қазимович** –  
Директор Центра инновационных  
технологий, кандидат экономических наук,  
доцент  
**Раҳимқариев Шухрат** –  
ответственный за выпуск

**ВЕБ-дизайнер:**

**Ирисматов Данил**

Адрес редакции: 100115, Республика Узбекистан, г. Ташкент,  
Чиланзарский район, Чиланзар 2-квартал, ул. Арнасай, 34/14, ЦИТ  
Тел.: (99871) 277-80-87; www.itm.uz, e-mail: iqtisodvamoliya@itm.uz

Журнал зарегистрирован в Управлении по печати и информации  
Ташкентской области 24 декабря 2007 года.  
Регистрационное свидетельство № 03-047.

Подписной индекс журнала в каталоге АК «Matbuot tarqatuvchi» - 1170

Формат 60x84 1/8. 8 п.л. Подписано в печать 14.09.2016 г.

Печать офсетная. Заказ № 277. Тираж 2230.

Отпечатано в типографии ЧП «Print Line Group»

г. Ташкент, проспект Бунёдор, 44.

Журнал выходит один раз в месяц.

Цена договорная.

Перепечатка материалов журнала «Экономика и финансы» допускается  
только с письменного разрешения редакции.

Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей.